

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ- ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ



Наманган-2009

Н.Махмудов, К.Мирдадаев, О.Казаков, Р.Аҳмедов, И.Ибрагимов, Ҳ.Воҳидов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнесни бошқариш. Монография. –Наманган: НамМИИ, 2009, 158 бет.

Монографияда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг асослари, уларни ташкил этиш ва бошқариш масалалари ёритилган. Кичик бизнес бошқарувининг ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги ўзига хос хусусиятлари, инқироз таъсирини камайтириш бўйича кичик бизнес субъектларида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ва унинг ривожланишининг муҳим йўналишлари ишлаб чиқилган. Муаллифлар молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кичик бизнес субъектларида маҳаллий хом ашёдан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва жаҳон бозорида мамлакатимиз кичик бизнес субъектларининг ҳиссасини оширишга алоҳида эътибор қаратишган.

Монография кичик бизнес субъектларининг молиявий ва иқтисодий бўлинмалари мутахассислари, олий ўқув юртлари талаба ва магистрантлари, аспирант ва илмий ходимлар учун мўлжалланган

Тақризчилар

Б.Салимов – и.ф.д., профессор
О.Абдуллаев – и.ф.д., профессор

Ушбу монография ИТД-2-012 «Кичик бизнес субъектларида маҳаллий хом-ашёдан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш» мавзусидаги давлат гранти бўйича чоп этилган.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиёти йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Янги корхона ва ташилотларнинг юзага келиши билан биргаликда мавжудлари такомиллаштирилмоқда, турли хил мулк шакллари ривожланмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ҳусусида Президентимиз И.Каримов ўзининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланаётгани, иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича узоқ муддатли масалаларни ҳал этишида ижобий силжиишлар таъминланаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«Юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришида 17,7 фоизни ташикл этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди»¹.

Иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлашда кичик бизнес субъектларининг катта таъсири бор.

«Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармогидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами

¹ И.А.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. «Халқ сўзи», 2009 й., 14-февраль, № 33-34

аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани, айтиқса, эътиборлидир»².

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишидаги кўплаб масалалар бугунги кунда кичик бизнес фаолияти самарадорлигига боғлиқ. Мамлакат аҳолисини иш ўринлари билан таъминлашда, ялпи ички маҳсулотни оширишда, мамлакат ташиқи савдо фаолиятини ривожланишида, экспорт импорт операцияларининг ижобий сальдога эришишида, маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлашни кенгайтиришда кичик бизнес субъектларига асосий эътибор қаратилмоқда.

2009 йил учун тайёрланган иқтисодий дастурда кичик бизнес субъектларининг янада ривожланиши, мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшадиган ҳиссасини 52 фоизгача орттириш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш ва шу сингари масалалар белгиланган.

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади.

Кичик бизнес субъектларининг фаолияти кўплаб омиларга боғлиқдир. Кичик бизнес ривожини таъминлашда инвестициялар ва инвестицион фаолиятнинг таъсири ниҳоятда каттадир. Инвестицион фаолият асосида кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари орттирилади, янги иш ўринлари яратилади, хом ашёни қайта ишлаш такомиллаштирилади ва самарали фаолият йўлга қўйилади.

Жашон молиявий-иқтисодий инновацион таъсирини бартараф этиш ва мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш даврининг асосий масалаларидан бири – кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг самарали фаолиятини таъминлашдир. Инновацион тарзида тузилган Дастурни бажаришда асосий устувор йўналишлар ичида кичик бизнесни янада ривожлантиришга, тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўналиши ҳам мавжуд бўлиб, бу йўналишни

² И.А.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. «Халқ сўзи», 2009 й., 14-февраль, № 33-34

*базариш давомида мамлакатимиз итисодиётининг жадал
ривожланиши таъминланади.*

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши
зарурлиги ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган
маҳсулотларнинг мамлакатимиз экспорт салоҳиятидаги улушини
ошириш масалалари кейинги пайтда долзарб масалалар ичида
муҳимига айланди.*

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, ривожланиши ва бошқариш хусусиятлари

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Унинг ривожига турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар катта ҳисса қўшмоқдалар. Шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Кичик бизнес, тадбиркорлик ва бозор тушунчалари бир-бири билан узвий боғлангандир. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлмайди. Бозор иқтисодиётини таърифлаш учун «Эркин тадбиркорлик иқтисодиёти» деган жумладан фойдаланиш мумкин. Бозор иқтисодиёти бизнес олами сифатида тавсифланади. Бизга маълумки, бизнес ва тадбиркорлик бир хил тушунчалардир. Мамлакатни бозор иқтисодиётига ва бозор муносабатларига ўтиши тадбиркорликни юзага келиши ва ривожланишига кўп жихатдан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда бутун жаҳон мамлакатларида рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида ккплаб мамлакатлардаги йирик корхона ва ташкилотлар ўзларининг ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартиришга мажбур бўлаётган шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларига катта умид билдирилмоқда. Бу ҳақда Президентимиз ўзларининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида батафсил маълумот келтирганлар.

Асарда келтирилган устувор йўналишлар ичида аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш йўналиши ҳам бўлиб, бу орқали иқтисодиёт ривожига катта ҳисса қўшиш мумкинлиги таъкидланган.

Мамлакат иқтисодиёти ва бозор иқтисодиёти тўғрисида фикр юритганда иқтисодий фаолиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятига диққатни жалб этиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш самарадорлигини ошириш учун аввало тадбиркорлик тушунчасини яхши англаб олиш керак. Тадбиркорлик сўзи ўзбекча тадбир сўзидан келиб чиққан, «бизнес» сўзи эса инглизчасига иш, фаолият деган маънони беради. Тадбиркор қандай тадбирларни амалга оширади ва бу тадбирларни амалга оширишда қандай фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, тадбиркор ва бизнес тушунчаларини иқтисодий жихатдан талқин этишни мақсад қилиб олдик.

Америкалик олимлар А.Стоунер ва Э.Доланлар бизнесни хусусий корхоналарда фаолият кўрсатаётган, фойда олишга ҳаракат қилиб маҳсулот ва хизматларни юзага келтириб, бир-бири билан рақобатга киришиш фаолияти сифатида тавсифлайдилар.

Россиялик қатор иқтисодчи олимлар тадбиркорликни ўз мулки доирасида таваккалга асосланиб, фойда олишга йўналтирилган мустақил фаолият тури сифатида таърифлайдилар. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида тадбиркорликни шундай таърифлаб келинмоқда: «Тадбиркорлик – фойда олиш мақсадига йўналтирилган фаолиятдир».


Мамлакатимизда қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғрисидаги Қонун»га асосан тадбиркорлик – фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустақил, ташаббускор фаолияти бўлиб, у фуқаронинг ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги билан ҳамда ўзининг ёки юридик шахснинг (корхонанинг) мулкӣ жавобгарлиги асосида амалга оширилади. Тадбиркор тўла ёки қисман моддий маблағига ёки молиявий ресурсларга эга бўлган фуқаро бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз мустақил фаолиятини ташкил қилиш учун ишга солади. у томонидан юзага келган корхона, ташкилот, фирма мамлакатдаги кичик бизнеснинг бир қисмига айланади. Тадбиркорлар фаолиятидаги ҳар бир ютук, самара мамлакат иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшади.

Тадбиркорлик кўплаб соҳадаги фаолиятдир. Жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик, тижорат, савдо-сотиқ, воситачилик, инвестиция соҳаларида, маслаҳат бериш, хизмат кўрсатиш ва молиявий фаолиятда тадбиркорлик амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай хўжалик фаолияти тадбиркорлик фаолияти бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай фаолият асосида фойда олиш ётади. Тадбиркорликни бошқа фаолият турларидан фарқ қилишда «фойда олишга йўналтирилган фаолият»нинг ўзигина етарли бўлмайди. тадбиркорликни қатор ўзига ҳос белгилари мавжуд бўлиб, тадбиркорликни тавсифлашда ушбу белгилардан фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз. (1-расм). Улар сафига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мустақил фаолият юритиш. Мустақиллик.
2. Масъулият
3. Таваккалчилик
4. Фаол қидирув
5. Ҳаракатчанлик
6. Узлуксизлик
7. Олдиндан кўра билиш
8. Рағбатлантириш

Ушбу белгиларнинг барчасини биргаликда, комплекс равишда тадбиркорлик деб аташ мумкин.



1-расм. Тадбиркорликни тавсифлаш белгилари.


Тадбиркорликни мақсад қилиб олган ҳар бир фуқаро, субъект ушбу хусусиятларга эга бўлиш билан бирга юридик ва ижтимоий масъулиятни ҳис қилиши лозим. Ҳар бир тадбиркор қонун-қоидаларни ва меъёрий ҳужжатларни бузмаган ҳолда ўзи оладиган фойда ҳажмини максимал даражада оширишга ҳаракат қилиши лозим. Ушбу нуқтаи назардан олганда тадбиркор иқтисодий мақсадларни кўзламоқда. Шу билан биргаликда у ўз фаолиятининг ўзи яшаётган жамиятига, атроф-муҳитга, инсонларга таъсирини ўрганиши, салбий таъсир томонларини қисқартириши ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўшиши лозим. Демак, ҳар бир тадбиркорлик субъекти ижтимоий масъул бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиётининг бирламчи асоси иқтисодий эркинлик ва мустақиллик, аммо бўлар ўзбошимчалик дегани эмас. Шаклланган ва амал қилаётган тартиб қоидаларга риоя этган тадбиркорларгина яшаб қолишини асло унутиш керак эмас. Тадбиркорнинг мақсади – фойда олиш, аммо у ҳалол йўл билан топилади, тадбиркорликда қаллоблик кетмайди. Бизнес сўзининг маъноси ҳам – бу пул топишдир. Пултопар кишини бизнесмен дейдилар. Бизнес ишини тўғри юрита билиш муҳимдир. Бизнес – бу ўлик, яъни ҳаракатсиз қолган пулни тўплаш эмас, балки пулни ишга қўйиш, ҳаракатга келтиришдир. Фақат ҳаракатдаги, даромад келтирувчи пулгина тирик пул бўлиши мумкин. Ҳақиқий бизнес ва тадбиркорлик – бу бировларни қаллоблик билан алдаш эмас, балки бозор иқтисодиётининг ахлоқ меъёрларига риоя этган ҳолда иш юритишдир. Тадбиркор маҳсулотларни кўплаб, сифатли ва арзон ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб бериш, бозорнинг талаб-эҳтиёжини қондириб, кишиларнинг ҳолатини чиқариб, уларни рози қилиб пул топишни билдиради. Тадбиркорлик ҳам катта бир санъатдир. Тадбиркорликка ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг умумий хусусиятлари хосдир. Шу билан

биргаликда у ўзига хос маънога, йўналишларга ва кетма-кет бажариладиган босқичларга, йўналишларга, кетма-кетликка эгадир. Қуйидаги 2-расмда тадбиркорликнинг умумий схемасини келтирамиз. Унга биноан, тадбиркорликни амалга ошириш 3 босқичдан иборат бўлади. Тадбиркор истеъмолчиларнинг талабларини қондириш учун маҳсулот ва хизмат турларини яратиб, истеъмолчига ушбу маҳсулотни (Т) сотиб, бунинг эвазига пул тушумига (П) эга бўлади. Истеъмолчига сотиладиган маҳсулот ёки хизмат тури турли-туман бўлиши мумкин. Улар бинолар, қурилмалар, турар жойлар, мулкый қимматбаҳо буюмлар, истеъмол буюмлари, ахборот, интеллектуал маҳсулотлар, пул, қимматбаҳо қоғозлар, турли хизматлар, қурилиш маҳсулотлари ва бошқа ишлар бўлиши мумкин.

Истеъмолчига манзур бўлган маҳсулотни сотиш учун уни аввало ишлаб чиқариш лозим бўлади. Зарурий маҳсулотни ишлаб чиқариш учун тадбиркорга тадбиркорлик фаолиятининг омиллари керак бўлади.

Улар тадбиркор ўз фаолиятида фойдаланадиган зарурий омиллардир. Масалан, материаллар, хом ашёлар, асосий воситалар ва бошқа омиллардир. Баъзи ҳолларда ушбу омилларнинг барчаси тадбиркорнинг ўзида ҳам бўлади. Тадбиркорлар ўзларидаги пул маблағларига (По) ишлаб чиқариш омиллари (Ич.о.) сотиб оладилар. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришни йўлга қўядилар ва маҳсулот ишлаб чиқариб ёки хизмат турларини яратиб истеъмолчига етказиб берадилар. Ушбу фаолият натижасида тадбиркорлар маҳсулот ёки хизмат турларини сотишдан тушадиган тушумга эга бўладилар. Агар тадбиркор сотиб олган омил истеъмолчига зарур бўлса, тадбиркор уни сотиб юборади, бу ҳолда тадбиркор савдо воситачиси сифатида фаолият кўрсатади ва омил эгалари билан истеъмолчи ўртасида фаолият кўрсатади.



2-расм. Тадбиркорликни амалга ошириш схемаси.

Юқоридагилар асосида тадбиркорликни қуйидаги схема билан белгилаш мумкин:

По----Ич.о.-----Т-----П

Ишлаб чиқариш омиллари учун ажратилган пул маблағларига тадбиркорлар ишлаб чиқариш омилларини сотиб оладилар, ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириб маҳсулот ишлаб чиқарадилар ва уни сотиб савдо тушумига эга бўладилар. Бу жараённинг аввали ва охирида пул қатнашади. Жараён охиридаги П (пул) жараён бошидаги По (пул)дан катта бўлиши лозим. Улар орасидаги фарқ тадбиркорнинг фойдасини беради.

Тадбиркорлик фаолияти аниқ бир даврда амалга оширилади. Бу даврнинг қисқа бўлиши тадбиркорлик самарасини ортттиради. Бунинг учун тадбиркорлар ўз фаолиятларини юқори даражада ташкил этишлари лозим бўлади. Тадбиркорликнинг самарасини белгиловчи биринчи ва асосий омил вақтдир. Тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириш вақтини аниқ билиши ва ишлаб чиқариш даврини қисқартириши лозим. Шунда пул айланиш тезлиги ортади, фойда кўпаяди.

Ҳозирги вақтда тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳаракатчанлик бўлса, иккинчиси жўшқинликдир. Тадбиркор ўзининг фикри бўйича муваффақиятга олиб келувчи янги, замонавий ҳаракат усулларини, маҳсулот турини ва технологияни, истеъмолчилар доирасини маҳсулоти ва кўрсатадиган хизмати сифатини яхшилаш йўллари тинимсиз қидиради. У шундай инсонки, у пул маблағлари, материаллар ва ишчи кучини жамлаштириб, янги маҳсулот, янги бизнес ёки ишни ташкил этишнинг такомиллашганроқ усулини яратади.

Марказлашган иқтисодиёт вақтида ташкил этилган қатор ташкилотлар қийинчиликка тушиб қоладилар. Улар бир-бирлари билан бўладиган рақобат курашида тўла қатнаша олмайдилар. Тадбиркорлар йирик ташкилотларнинг замон билан ҳамнафас қадам қўйишга қобилиятсизлигини бошқалардан аниқроқ кўра оладилар. Шахсий жавобгарлик, ихтирочилик ва муомала санъати негизида ташкил бўлган тадбиркорлик субъектлари, корхоналар ва фирмалар ҳозирги вақтда тинимсиз ўзгариб турувчи имкониятлардан фойдаланишга кўпроқ қобилиятлидирлар. Тадбиркорлар шахслараро муносабатларга киришадилар, қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларни тўплашга ҳаракат қиладилар, кўплаб ахборотларни тўплайдилар, тўпланган ахборотларни гурухлайдилар, системалаштириб, қайта ишлайдилар, зарурларини ажратиб, керакли бўлимларга ва ходимларга етказишга ҳаракат қиладилар. Тўпланган ахборотлар ва материаллардан фойдаланиб қўл остидаги ходимлар меҳнатини ташкил қиладилар, бошқарадилар, корхона фаолияти бўйича қарорлар қабул қиладилар, Янги маҳсулот турларини яратадилар, мавжудларини такомиллаштирадилар. Улар

иқтисод, сиёсат, техника ва технология, ҳуқуқ, психология ва ахлоқ қоидалари кесишган жойларда ҳаракат қилиши ва уларнинг барчаси тўғрисидаги билимларга эга бўлмоғи керак. Ундан ташқари ишбилармон муваффақиятга эришиши учун ўтган вақтлардаги ишлаб чиқариш фаолияти натижалари тажрибасига танқид кўзи билан қараши керак. Улар ўз фаолиятларининг барча томонларини тинимсиз таҳлил қилиб боришлари, фойдаланилмаётган ички имкониятларини топишлари ва улардан фойдаланиш йўллари белгилашлари зарур. Бу уларнинг истиқболдаги самарали фаолиятларини таъминлайди. Мамлакатимиздаги тадбиркорлар мамлакат ҳудудида қадим замонларда бўлган тадбиркорлик фаолияти натижаларини ҳам ўрганишлари катта аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз ҳудудида қадим замонларда ҳам кишилар тадбиркорлик билан шуғулланишган. Ўша вақтлардаги тадбиркорлик ишлари асосан савдогарчилик, деҳқончилик, хунармандчилик билан боғлиқ бўлган. Чет мамлакатлардаги, айниқса Россия, Қозоғистон, Тожикистонлик тадбиркорлар мамлакатимиздаги тадбиркорларга катта қизиқиш билан қараганлар ва ҳамкорлик қилишга интиланлар.

Тадбиркорлар йўқ нарсаларни бор қилишга ва яратишга ўрганадилар. Тадбиркор фақат бозорда қандайдир маҳсулот ёки иш кучининг етишмаслигига эмас, балки уларни ҳаддан ташқари кўплигига ҳам тезкорлик билан диққат-эътиборни қаратади. Тадбиркорлик ўзининг барқарор ҳаракатчанлиги, эркинлиги, ташаббускорлиги билан кўпроқ даражада, доимий техникавий ва технологик ўзгаришлар билан тавсифланувчи инновацион фаолиятга ўхшайди.

Тадбиркор ташаббускор киши бўлиб, ишлаб чиқаришга катта кўламдаги янгиликлар киритади, ўзгаришлар ясашга ҳаракат қилади, техника ва технология соҳасида янгиликлар яратишга ҳаракат қилади, янги хизмат турларини яратади, ҳозирги вақтда маълум бўлмаган янги маҳсулот турларини яратиш йўлида ҳаракат қилади, ўз капиталини қўйиш учун янги ва янги соҳаларни излаб топади, ўз маблағларини ошириш йўлида тинмай ҳаракат қилади, ресурсларга эғалик қилиш, ўз ҳудудида илғор тармоқларни ривожлантириш каби ишларни амалга оширади (3-расм).

Ҳозирги вақтга қадар тадбиркорлик фаолиятига ва тадбиркорларга жамоат фикри салбий муносабатда эди. Мустақилликка эришиб, бозор муносабатлари ҳаётимизга аста-секинлик билан кириб келган сари тадбиркорлик фаолиятига жамоатчилик фикри ҳам ўзгариб бормокда. Ҳалқимиз энди олибсотарлик ва яширин тадбиркорликни маданий шаклга эга бўлиб бораётган бизнестан фарқлай олади. Биринчи хил тадбиркорликни рад этиш билан жамият маданий, ошкор тадбиркорликнинг ижобий хусусиятларини тўғри баҳоламокда.

Ислохотларни чуқурлашуви шароитида тадбиркорлик истиқболли ходиса сифатида тавсифланмокда. Тадбиркорлик барча жамият тизимларида

юксалиб борувчи қоникмаслик ҳиссининг ифодаланиши сифатида қаралади. У барча ижтимоий қатламлар орасида мурасачиликни таъминлайди, чунки у ижтимоий маҳсулотнинг кўпайишини таъминлайди ва бу ижтимоий маҳсулотни барча қатламлар орасида тўғри ва ҳалоллик билан тақсимлаш имконини беради. Шу билан биргаликда тадбиркор қуйидаги ижобий натижаларга эришишга сабаб бўлади:

1. Ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни турли аҳоли қатламлари орасида ҳаққоний меъёрлар билан тақсимлаш.
2. Мамлакатда ишсизлик даражасини пасайтириш, меҳнатга қобилиятсизлар ва беғараз сабабларга кўра унумсиз ишловчи аъзоларга маблағ ажратиб, уларни етарли даражада кун кечиришини таъминлаш.



3-расм. Тадбиркор ташаббускорлиги.


3. Паст даромадли шахслар сотиб олиш қобилиятининг турғунлигини таъминлаш.

4. Инсоннинг асосий ҳуқуқларини, айниқса шахснинг эркин тараққий топиши ва уни иқтисодий тараққиёти учун тенг имконияти билан таъминланиш ҳуқуқларининг жорий қилинишини таъминлаш.

5. Иқтисодий ва ижтимоий тоифадаги гуруҳий манфаатларга риоя қилиш ва уларни тараққий топтириш, яқка шахс ва жамият, иш берувчи ва ишловчилар, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар манфаатларининг ўзаро мосланувчанлигини таъминлаш(4-расм).

Тадбиркорлар ўзларидаги ташаббускорлик билан янгиликларни ахтарадилар, янгиликларни яратишга ҳаракат қиладилар. Излаб топилган ва яратилган янгиликларни ўзларидаги ишлаб чиқаришга жорий этишга ҳаракат қиладилар ва бундай фаолият натижасида ҳам ўзлари самарага эришадилар, ҳам жамият аъзоларининг ривожланишига, эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги вақтдаги тадбиркорлик юқоридан белгиланувчи буйруқ ва кўрсатмаларга ҳамда қатъий руҳсат-таъқиқларга боғлиқ эмас. Уларнинг фаолияти ижодий фаолиятдир. Улар ўз шахсларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. У иш манфаати йўлида бор билимини намойиш қилади. Тадбиркорларнинг ижодий фаолияти иш манфаати учун ўзини-ўзи тарбиялаш ва чеклашга, бурч ҳисси ва шахсий ахлоқий жавобгарликка асосланган бўлади. Тадбиркорларнинг ахлоқ меъёрлари «Номус», «обрў-этибор», «имидж» тушунчалари билан боғлиқдир. Тадбиркорлик имиджи – тадбиркорлик субъектининг образи, қиёфасидир.



4-расм. Тадбиркорликнинг ижобий натижалари.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш турли усулларда ва кўринишларда бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда ҳар қандай тадбиркорлик учун маълум кетма-кетликда бажариладиган амаллар мавжуддир. Тадбиркорликда муносабатларда қатнашувчи томонлар ўртасида ўзига хос товар-пул муносабатлари ҳам мавжуддир. Тадбиркор фаолиятини амалга ошириб бориб, ғоя туғилишидан, яъни ўз маблағини сарф қилишни

бошлашдан то фаолиятининг якуний натижаси сифатида фойда олишгача бўлган йўлни босиб ўтади, бирма-бир амалларни бажаради. Тадбиркорликда мана шу босқичлар мажмуасини операция деб атаيمиз. Мана шу операцияни амалга оширишдаги ўзаро муносабатлар, алоқалар, товарлар ва пулларнинг ҳаракати, ўзаро алмашувларнинг ўзига хос схемасини кўриб чиқамиз. Ушбуларнинг барчасини схема кўринишида 5-расмда тасвирлашга ҳаракат қиламиз.

Тадбиркор истеъмолчиларга ўз маҳсулотини (М) ёки хизматни сотиб пул тушумига (П) эга бўлиши учун у тадбиркорлик воситаларига, омилларига эга бўлиши керак. Баъзида ушбу воситалар тадбиркорнинг ўзида бўлади, баъзи ҳолларда эса сотиб олади.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий омили ишчи кучидир. У ўзининг меҳнатидан ташқари қўшимча ишчи кучини жалб қилади. Жалб қилинган ишчи кучи учун тадбиркор иш ҳақи тўлайди. Схемада иш кучини Ик билан, уларга тўланадиган иш ҳақини Пи билан белгилаймиз. Тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириш учун моддий ресурсларга эга бўлиши керак. У моддий ресурсларни (Мр) моддий ресурс эгаларидан сотиб олади ва уларга бунинг учун пул тўлайди (Пм). Тадбиркор пулга моддий ресурсларни сотиб олади.

Тадбиркорлик фаолияти учун асосий фондлар ҳам зарур бўлади. Асосий фондлар (Аф) ҳисобланган бинолар, қурилмалар, дастгоҳлар, турли аппаратлар, воситалар, ҳисоблаш асбоблари ва ташкилий воситаларга, техникаларга эга бўлмаган тадбиркор уларни сотиб олади ва улар учун пул (Пф) тўлайди.

Фаолиятнинг самарасини ошириш учун тадбиркор маълум ҳажмдаги ахборотга эга бўлиши керак. Тадбиркор ахборот (А)ни сотиб олади ва пул (Па) тўлайди.

Ушбу омиллар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда маълум хизматлар (Х) ҳам асқотиши мумкин. Масалан, қурилиш ишлари, юкларни ва одамларни ташиш, қўриқлаш, юклаш ва тушириш, таъмирлаш, алоқа хизматлари, интеллектуал хизматлар, маслаҳатлар сингари хизматлар зарур бўлиб қолганда тадбиркор уларни пулга (Пх) сотиб олади.


Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошира бориб, тадбиркор ўзида мавжуд бўлган ресурсларни ҳам ҳаракатга солади, улар учун пул сарфлайди. Ушбу харажатлар (Пў) ички харажатлар деб аталади ва маҳсулот таннархига қўшилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллардан ташқари тадбиркор баъзи ҳолларда қарздан ҳам фойдаланиши мумкин. Унинг харажатлари ортиб кетган вақтда ўзининг пул ресурслари етишмаслиги мумкин. Шундай вақтда тадбиркор қарзга пул (Пқ) олиши мумкин. Ушбу қарзга олинган пулни тадбиркор қўшимча фоизи билан тўлайди, яъни кредит учун тўлов тўлайди

(Пкр). Ушбу пул миқдори қарзга олинган пулдан кредит учун фоиз миқдорича фарқ қилади:

$$П_k = П \% кр$$

Тадбиркор фаолият юргизгани учун молиявий органларга солиқ тўлайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқ миқдори ва даражаси мамлакатимиздаги солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва фармонлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу тизимда тадбиркорлар учун қатор имтиёзлар яратилган.



5-расм. Тадбиркорликни амалга ошириш схемаси.

Тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириш давомида қатор харажатларни амалга оширади. Бу харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади:

$$\text{Пи.ч.х.} = \text{Пи} + \text{Пм} + \text{Па} + \text{Пф} + \text{Пх} + \text{Пу} + \text{П \%кр}$$

Агар, тадбиркор самарали фаолият кўрсатиб сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариб ёки хизматларни тайёрлаб истеъмолчига сотса фойда олиши мумкин. Фойда олиш учун ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот сотишдан тушадиган пулдан камроқ бўлиши мумкин.

$$\Phi = \text{П} - \text{Пи.ч.х.}$$

Тадбиркор ушбу ялпи фойдадан турли солиқларни тўлайди (Пс) ва қолган фойда – соф фойда (Фс) ҳисобланади.

$$\Phi_{\text{с}} = \text{П} - \text{Пи.ч.х.} - \text{Пс}$$

Мана шу соф фойда даражаси ва рентабеллик тадбиркорлик фаолиятининг самарасини кўрсатади.

Кичик бизнес – мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили

2008 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилди: иқтисодиётининг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилди.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш биринчи ва энг муҳим йўналиш ҳисобланади. Бу йўналишни амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва мутаносиб суръатлари таъминланди, иқтисодиётнинг таркибий тузилмаси такомиллаштирилди, ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Шу билан биргаликда, баъзи бир соҳаларда 2007 йилги ўсиш суръатларидан пасайиш кузатилди. 2007 йили 2006 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йили 2007 йилга нисбатан 9.0 фоизга ортди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу

борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган.

Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;


6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

Ушбу йўналишлар ичида кичик бизнесп ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнесни ривожлантиришга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг шу мақсадга қаратилган қатор қонунлари, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Наманган вилоятида қам кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чоратадбирлар натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2008 йил давомида кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 69,7 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга кўпайишига эришилди.

Албатта, кичик бизнес субъектларини ЯИМ улушининг ўсиши катта аҳамият касб этади. Агар, бу кўрсаткичларни йиллар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, 2000 йил 33,4 фоиз, 2004 йил 47,7 фоизни ташкил этган.



6-расм. Наманган вилоятида кичик бизнес субъектларининг жами ялпи ички маҳсулотдаги улушлари³ (фоиз ҳисобида)


2008 йил давомида вилоятда кичик бизнес субъектларининг улуши саноат тармоқларида 23,3 фоиз (01.01.2008 йилда 20,0 %), қурилишда 79,2 фоиз (72,5 %), пуллик хизматда 69,5 фоиз (68,1 %), савдода 48,4 фоиз (48,7 %), қишлоқ хўжалигида 98,5 фоиз (98,8 %), асосий капиталга инвестиция киритишда 39,1 фоиз (38,9 %)га етди.

Кичик бизнес субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида вилоятда жами 348 та тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотлари фаолият юритмоқда. Жумладан, 50 та тижорат банклари, 12 та ахборот-маслаҳат марказлари, 12 та консалтинг марказлари, 19 та аудиторлик фирмалари, 12 та ўқитиш марказлари, 2 та баҳолаш фирмалари, Товар ҳом-ашё биржасининг 13 та савдо майдончалари, 2 та микрокредит ташкилоти, 3 та кредит уюшмалари, 3 та бизнес инкубаторлар, 94 та брокерлик идоралари тадбиркорларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Қуйидаги 7-расмда мамлакатимизда 2008 йил учун белгиланган устувор йўналишлар кўрсатилган. Ушбу расмнинг биринчи қисми устувор йўналишларни кўрсатса, иккинчи қисми бу йўналишлардан келиб чиқадиган

³ Наманган вилояти савдо-саноат палатаси маълумотлари асосида тузилган.

асосий, муҳим вазифаларни кўрсатади ва ниҳоят учинчи қисмида иқтисодиётда ушбу йўналишларни амалга оширилиши натижасида эришилган натижалар аниқланган.



7-расм. 2008 йилда иқтисодиёт ривожини таъминлаш учун қабул қилинган устувор йўналишлар.

Иқтисодиётимизда бундай ўзгаришларга баҳо берган Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва усуллари» номли асарида қуйидагиларни таъкидлайди:

«Бундай таъсир, – деб ёзадилар Президентимиз ўз асарларида, – авваламбор, умуман дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодийтимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни туғдирмоқда. Мухтасар айтганда, 2008 йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодийтимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик»⁴.

Учинчи устувор йўналиш мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш масаласи ҳисобланади. Бу йўналишни белгилашдан асосий мақсад - кичик бизнеснинг таркибий тузилмасини яхшилаш, кичик корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлашдир. Ушбу йўналишни амалга оширилиши натижасида кичик бизнес соҳасида яратилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги яхшиланиб, корхоналарнинг экспорт салоҳияти кучайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида ўтган йилда 37 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингта яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Мамлакатимиз иқтисодийтининг ривожланишида кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда каттадир. Кичик бизнеснинг бу хусусияти уни ҳозирги вақтда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида унинг оқибатларини бартараф этишда аҳамиятини янада оширди. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида қуйидагиларни таъкидлади:

«Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.»¹

Барча янги мустакил давлатларда ислохотлардан олдинги даврда мулкчиликнинг давлат шакли устунлик қилган. Хўжаликнинг давлат секторида меҳнаткашлар умумий сонининг бешдан тўрт қисми, кооперативларда 14-15% (булардан ярмидан кўпи давлат хўжаликларида), хусусий секторда 3%га яқини банд бўлган. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида хўжаликнинг кооператив секторини яратиш ижарани ривожлантиришга ҳаракат қилинган. Бу ҳаракат

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 15-б.

бозор инфратузилмасини ривожланмаганлиги давлат мулкчилигининг хукмронлиги, хўжалик юритишнинг янгича шакллари давлат секторига қарамлиги, хўжалик қонунларининг ноаниқлиги ва бир қатор сабаблар туфайли натижасиз бўлган.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларнинг етакчи буғинидир. Хусусийлаштириш натижасида демократик жамиятнинг ижтимоий заминини ташкил қилувчи хусусий мулкчилик қатлами шаклланиб бори.

Иқтисодиёт фанида тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар XVIII асрда Р. Контильон, А. Тюрго, Ф. Кене, А. Смит ва Ж.Б. Сеи асарларида амалга оширила бошланди. Бироқ ҳозирга қадар жамоатчилик фикрида “тадбиркорлик” тушунчасининг кўп маънолилиги сақланиб қолмоқда. Илмий адабиётда ушбу тушунча ҳақида кўпинча бу фавқулодда ходисанинг иқтисодий, ташкилий ва рухий тавсифлари (турлитуман қарашлар) тўплашидан иборат ҳар хил тасаввурлар мавжуд.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини кўп турлари мавжуддир. Инсон жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жиҳатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлган.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг муҳим аломати бирон бир шахс-тадбиркор фаолиятининг фойдали ёки зарарлигини белгиловчи ноаниқлик омили ҳисобланган. Тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф орасида мувозанат ўрнатишга доир такомиллик фаолиятдан иборат деб тан олинган.

Кейинчалик “сармоя эгаси” ва “Тадбиркор” тушунчалари бир-биридан фарқлана бошланди. Тадбиркор сармоянинг муомалада юритишни, кўпайиб боришини таъминлайди ва бу борада у венчур сармоядор, яъни жалб қилинган молиявий маблағларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб юборишга ўз ғоялари, билими ва кўникмаларини татбиқ қилиб, кўп фойда олиш мақсадида уша маблағларни таваккали ишларга сарфлайди.

Ўзбекистонда ва МДХда бизнес ҳақидаги мақолалар, адабиётлар 60-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлди. Хусусий мулкчилик эса ўша даврда бизнинг мафкурамиз учун бутунлай ёд нарсаси эди. Лекин бизда бизнесни фан тариқасида ўрганиш фақатгина 90-йилларнинг бошларида бозор муносабатларига аста-секин ўтиш билан бошланади.

“Бизнес” - сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини кўп турлари мавжуддир. Инсон жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жиҳатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлган.

Бизнесмен (тадбиркорлик) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, - деб таъкидлайди. Тадбиркорнинг ўзи, ўз

ишини режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ва олган даромадига ўзи хўжайинлик қилади.

Бизнес - бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётни ўзи сўнгра эса пул ишлаш демакдир. Бизнес - бу хорижий сўздир. У бутун дунё бўйича тарқалгандир, ундан барча мамлакатларда фойдаланидилар. Ўзбек тилида эса бизнес сўзи тадбиркорлик, бизнесмен эса тадбиркор демакдир. Ўзбекча сўз хорижий сўзга тўғри келади, лекин унга қўшимча маъно ҳам беради. Бу сўзларнинг ортида “иш” яъни иш билан шуғулланиш ёки корхона ташкил қилиш ётади. Шундай қилиб, бизнес - бу корхона ташкил қилиш демакдир (саноат корхонаси, савдо дўкони, хизмат кўрсатиш корхонаси, аудиторлик контораси, адвокат идораси, банк ва ҳ.к.). Демак, биз бу йўқ нарсадан пул қилиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш демакдир. Тадбиркорлик - бу доимо ўз ишининг фидойиси, билимдонидир. Тадбиркорлик учун ўқиш керак, нафақат дастлабки пайтларда, балки тадбиркор бир умр ўқиши, изланишда бўлиши керак.

Тадбиркор ва кичик бизнес эгаси нималарни билиши ва қилиши керак? У энг аввало, тадбиркорлик фаолиятини қандай амалга оширишни, қандай шароитда амалий ҳаракат қилишни, тадбиркор олдида учрайдиган тўсиқларни ҳал қилиш йўллари ва қандай ютуқларга эришишни билиши керак. Тадбиркор - ишлаб чиқаришни ташкил этишни, ҳамда маҳсулотни сотишни билиши керак. У бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган аниқ шароитларни баҳолашни ва тўғри йўл танлашни билиши керак. Ҳеч ким, ҳеч қачон тадбиркорга нима қилишни ўргатмай ва оғир пайтларда ёрдамга келмайди. Ҳар бир тадбиркор фақат ўз кучига, билимига ва заковатига ишониши ва суяниши лозим.

Тадбиркорлик фаолиятини акциядорлик мулки шаклида ҳам, жамоа мулки шаклида ҳам, хусусий (якка) мулк шаклида ҳам амалга ошириш мумкин. Бироқ акциядорлик мулки шакли ва жамоа мулки шакли доирасида уни ташаббус кўрсатиш, қарорлар қабул қилиш ва ўз фаолияти учун жавобгарлик масалаларида ходимлар ва менежерларга хусусий мулк эгаси имкониятлари қанчалик даражада берилишига боглиқ равишда амалга ошириш мумкин.

Савдо, маиший хизмат, маҳаллий саноат, ижтимоий соҳалар корхоналарини давлатникидан хусусийга айлантириш жараёни анча қийин ўтди. Бу ерда аввал хусусийлаштириш йириклаштирилган ишлаб чиқариш булимлари бўйича бажарилди, уларнинг заминида очик турдаги хиссадорлик жамиятлари тузилди.

Аммо, ҳаёт бу жамиятларни кичиклаштиришни тақозо қилади, шу мақсадда унга кирувчи айрим таркибий бирликларга катта мустақиллик берилди. Натижада Ўзбексавдо, Ўзмаишийиттифок, Ўзбекбирлашув каби тармоқлар бўйича 13 мингга яқин хусусий корхоналар ташкил этилди.

1995 йилдан то ҳозирги давргача кичик бизнес ва хусусий корхоналар ташкил қилишга энг катта аҳамият берилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “...қишлоқ жойларида ихчам ишлаб

чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқчимиз”⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кўзда тутди.

Фармонлар мамлакатимиз Президенти Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Маърузада асосий стратегик вазифамиз- демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида самарали, босқичма-босқич ва изчил бориш эканлиги таъкидланган эди. Шунингдек, ушбу маърузада иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устивор вазифалари этиб қуйидагилар кўрсатилган:

- асосий устивор масала –бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва янада эркинлаштиришдан иборат;

- иккинчи устивор масала - хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш;

- учинчи устивор масала – кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборат;

- тўртинчи устивор масала - банк ва молия тизимларидаги ислохотларни чуқурлаштириш;

- принципиал муҳим масала- солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш.⁶

Демак, тадбиркорликни ривожлантиришни энг асосий бўғини бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз кўлами жиҳатдан иқтисодиётни узлуксизлигини ва барқарорлигини таъминлашда катта ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётга таъсир кўлами бир қатор иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий ва жиҳатларни ўз ичига олади. Биз фақатгина иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган хусусиятлар хусусида тўхталамиз. Булар қуйидагилардир:

- а) иш жойларини ташкил этишдаги мавқеининг юксалиши. Ўтган 10 йил мобайнида АҚШ кичик бизнес бўйича бошқармасининг ахборотига кўра янги

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бысағасида: хавфсизликка таҳдид, бар=арорлик шартлари ва тара==иёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон 1997. -221 б

⁶ Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси « Халқ сызи», 2005, 29 январ, 20-сон.

иш жойларининг ярмидан кўпи 100 кишидан кам ходим ишлаётган корхоналар хиссасига тўғри келади. Тез ўсувчи фирмалар янги фирмаларнинг 27 фоизини ташкил этиб улар 60 фоиз янги иш жойларини ҳосил қилишда қатнашмоқдалар. Шу билан бирга кичик бизнес ҳосил қилинган иш жойларининг:

- иш ҳақиға кўшимча тўловлар, имтиёзларнинг бир мунча пастлиги;
- иш жойларини қарийб 25 фоизи белгиланган иш куни тартибида шаклланади;
- уларда ишловчилар таркибининг турли-туманлиги, яъни маълумот дастлаб ишламаганлар, ёш жиҳатдан ўрта ёшлар ва ўрта ёшдан ўтганлар салмоғини кўплиги билан ажралиб туради;

б) янги товарлар ва хизматларни тадбиқ қилиш. АҚШ миллий фондининг ҳисобларига кўра 98 фоиз янги маҳсулот хусусидаги тадқиқотлар кичик бизнесда яратилган. Бу ўта муҳим кўрсаткичдир. Энг йирик кашфиётлар: ҳавфсиз устаралар, электрон соатлар, вертолётлар, зангламас пўлат ва бошқа товарлар кўлами бевосита кичик бизнесда яратилган;

в) йирик кооперациялар эҳтиёжини қондириш. Йирик компаниялар маҳсулотини сотиш, уни бозор талаблари асосида шаклланишига кўмак беришда кичик корхоналарнинг роли юқоридир. Ўз навбатида йирик ривожланувчи фирмалар ўз иқтисодий стратегияларида майда таъминотчилар билан алоқа ўрнатишни самарали ҳисоблайдилар. Чунки улар мослашувчанлик хусусиятига эгадир;

г) маҳсус товарлар ва хизматлар билан таъминлаш вазифаси. Кичик корхоналар миқдорларнинг ўзгача маҳсус эҳтиёжларини қондиришга етакчи ўрин эгаллайдилар. Чунки биринчидан, маҳсус талабнинг оммавий тусга эга эмаслиги ва унинг йирик ишлаб чиқаришда ташкил этиш самарали бўлмаслиги сабаб бўлса, 2-дан эса, бой харидорларнинг “ўзига хос” истакларининг мавжудлигидир.

Президентимиз И.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ривож топиб бораётгани ҳаётий далиллар билан таъкидлаб ўтилди. Шу билан биргаликда, жорий йил ва яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилди.

Сир эмаски, ҳозирда рўй бераётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Бошқача изоҳлаганда, бу инқироз кўланкаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора қамраб олмоқда. Натижада, мазкур давлатларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашуви кузатилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон ҳўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимиға тобора чуқур интеграциялашиб бораётгани натижасида инқироз оқибатлари, табиийки, бизға ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мазкур масалаға алоҳида эътибор қаратиб, юзаға келган муаммо ва қийинчиликларға қарамай, ўтган 2008 йилда мамлакат

иқтисодиёти нафақат барқарор фаолият кўрсатганини, балки изчил ўсиши ҳам таъминланганини алоҳида қайд этилди. Айни кезде шуни эътироф этиш керакки, 2009-2012 йилларга мўнжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури аниқ шаклларга эга ва реал ҳаётий мазмун билан тўлдирилган.

2008 йил ва яқин келажакка тузилган дастурларга мувофиқ кичик бизнес ва кичик тадбиркорликни мамлакатимизда янада ривожлантиришга ҳаракат амалга оширилади, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини янада ошириш, белгиланди. Унда таъкидланишича, ушбу соҳа мамлакат иқтисодиётида асосий улушига эга бўлади, олиб борилаётган бозор ислохотларида энг етакчи ўринни эгалламоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожланиши учун чора тадбирлар белгиланди, хусусий корхоналарни тузиш ва уларнинг фаолиятини, тадбиркорликни ҳамда ишлаб чиқаришда хусусий мулкдорликнинг ўсишини рағбатлантирувчи имтиёз ва преференциялар тизимини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти жуда жадал суръатларда ривожланмоқда. Уларнинг ялпи миллий маҳсулотида тадбиркорларнинг улуши 70-80 фоизга чиқиб қолди. Мамлакат аҳолисининг 70 фоизидан ортиқроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ҳам тадбиркорликни янада ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Тадбиркорлик субъектларини ривожланиши ва кенг қулоқ ёйиши учун иқтисодий ва ҳуқуқий база яратилиши лозим. Ҳозирги вақтда ана шундай иқтисодий ва ҳуқуқий база яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк химояланишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора тадбирлари тўғрисидаги» Фармони ва шу каби яна қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига шароит яратаётганини кўрсатмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар ва уларнинг раҳбарлари ўз фаолиятларини ривожлантириб бориш билан биргаликда оладиган фойда миқдорини оширишга ҳаракат қиладилар. Тадбиркорлар ўзлари катта миқдорда фойда олишни кўзлаш билан бирга ўзи фаолият кўрсатаётган мамлакат, вилоят, шаҳар ёки туман аҳолиси учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаради ёки зарур ҳисобланган хизмат турларини кўрсатади, Янги бозорларни юзага келишига сабаб бўлади, аҳолининг иш ахтариб юрган қисми учун янги иш жойларини яратади. Охир-оқибатда мамлакатдаги аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга таъсир кўрсатади. Аҳолининг ижтимоий ёрдамга мухтож қисмига ўз ёрдамини кўрсатади. Тадбиркорлар томонидан ижтимоий ёрдамга мухтож аҳоли қатлами учун катта миқдорда ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилмоқда, беморлар учун бепул дори дармонлар тарқатилмоқда, тадбиркорликнинг ривожланишидан уларнинг ўзлари ҳам, уларнинг корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётганлар ҳам, улар жойлашган ҳудуд аҳолиси ҳам манфаат кўрмоқдалар. Шу сабабли, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосий устивор йўналиш сифатида

қабул қилинди. Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожланиши учун, авваламбор, тадбиркор ва тадбиркорлик тўғрисидаги назарияларни иқтисодий жихатдан ўрганиб чиқиш зарурдир.

Мамлакатимиз ҳудудида қадим-қадимдан бери одамлар тадбиркорлик билан шуғулланиб келганлар. Хунармандчилик, савдо ишларини юритиш каби соҳалар олдинлари ҳам мавжуд бўлган. Аммо, уларнинг назарий асослари етарли даражада яратилмаган. Тадбиркорлик бўйича назарий қарашлар, уларнинг ривожланиши учун қонун-қоидалар, йўналишлар ва тамойиллар етарли даражада ўрганилмаган, иқтисодий адабиётларда керакли даражада ёритилмаган. Мустақилликка эришилганидан кейин тадбиркорлик фаолиятига ва унинг назарий асосларига эътибор қаратила бошлади. Эндиликда тадбиркорликни иқтисодий тараққиётга катта туртки бераётган омил сифатида кўрилмоқда, шу билан биргаликда мамлакат аҳолисини иш билан таъминлаш, бозорни зарур истеъмол буюмлари билан тўлдириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш сингари ишларда муҳим ўрин эгаллашини таъкидламоқда.

Наманган вилоятида иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг салмоғи саноатда 23,3 фоизни, қишлоқ хўжалигида 98,5 фоизни, қурилишда 79,2 фоизни, савдода 48,4 фоизни, инвестицияда 39,1 фоизни, пуллик хизматда 69,5 фоизни ташкил этган.

Вилоятда кичик бизнес субъектларига ҳом-ашё, моддий техника ресурсларини етказиб бериш ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиб бериш, Республика мол ҳом-ашё биржаси Наманган филиали ва бошқа ташкилотлар орқали амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоятнинг шаҳар ва туманларида вилоят товар ҳом-ашё биржасининг 13 та савдо майдончалари кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатиб келмоқда.

2008 йил давомида вилоят товар ҳом-ашё биржаси савдоларида кичик бизнес субъектларига 139,0 млрд. сўмлик моддий техника ресурслари етказиб берилган бўлса, улар томонидан ишлаб чиқарилган 6,2 млрд. сўмлик маҳсулотларнинг сотилиши таъминланди. Вилоят товар ҳом-ашё биржасида тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда реклама қилиш учун электрон почта ва интернет тизими доимий ишлаши йўлга қўйилган.

2008 йил давомида ҳудудий бошқарма томонидан Наманган шаҳри ва барча туманларда ҳокимликлар томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишларни Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни талабларига мос келиши ҳамда тадбиркорларнинг ер участкалари олиш, биноларни кадастр бўйича расмийлаштириш, қуриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга рухсатномалар бериш тўғрисидаги аризаларининг кўриб чиқиши аҳволи ўрганилди. Ўрганишлар давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлган ҳолатлар деярли аниқланмади.

Бундан ташқари, вилоятда тадбиркорлик субъектларини бино-иншоотларини кадастр рўйхатидан ўтказиш бўйича ундириладиган тўлов

тарифлари ўрганилиб, таҳлил қилинди ҳамда уларни соддалаштириш ва тўлов миқдорини камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Вилоятда 2009 йил 1 январ ҳолатига **26139 та** юридик шахс мақомига эга кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг **22522** таси (86,1%) амалда фаолият кўрсатмоқда. Ўтган 12 ой давомида **2151** та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши таъсирида рақобат кураши ривожланади ва такомиллашиб боради, мамлакатга капитал кириши ва чиқиши ривожланади. Тадбиркорлик мувофиқлашув механизмларини яратади, бозор ва рақобат орқали ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга эришилади, хўжалик юритиш механизмлари ўртасидаги алоқалар такомиллашишига эришилади.

Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Улар катта маблағ талаб қилмаслиги билан ажралиб туради. Катта хажмдаги бошлангич инвестициясиз фаолият кўрсатиб, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришга ва бу борадаги масала ва муаммоларнинг ечимини топишга, бозорни истеъмол буюмлари билан тўлдиришга олиб боради. Энг аҳамиятли томони шундаки, ушбу самарали ишлар молиявий ресурслар чекланган шароитда амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор конъюнктурасидаги ҳар бир ўзгаришни оператив равишда илғаб олади ва иқтисодиётга мослашувлик хусусиятини олиб киради. У тезда истеъмолчи истагини ўрганади ва унга мослашади, улар хоҳлаган маҳсулотни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади ва бу орқали бозорда мувозанат бурилишига эришади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиёти учун ҳаракат ҳисобланган рақобат мухитини юзага келтиради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарасини ошириш учун уларнинг ва улар фаолияти учун асос ҳисобланган мулкчиликнинг назарий асосларини ўрганиш муҳимдир. Мамлакат иқтисодиётининг ушбу соҳасини ривожланишини рағбатлантириш ва такомиллаштириш учун ҳам назорат йўналишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг асосини хусусий мулк ташкил қилади. Хусусий мулк қадимда ҳам мавжуд бўлган бўлиб, жуда узоқ тарихий ривожланиш жараёнини ўтказган. Бозор муносабатларининг қарор топтириш замирида мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш ва бу жараёни Давлат томонидан кўллаб қувватлаш тизими бугунги кенг қамровли иқтисодий ислохотлар стратегиясида бош йўналиш саналади. Иқтисодиётнинг ижтимоий таркибида давлат мулки яқка ҳокимлигига барҳам бериш ва шу йул билан эркин рақобат мухитини рағбат топтириш пировард натижасини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг нодавлат секторини вужудга келтиришни ташкил қилади. Бозор муносабатлари шароитида хусусий секторнинг ривожланганлик даражаси бир йўла ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга

саналади. Хусусий сектор ривожланишининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти бевосита жамиятда турли табақадаги мулкдорлар қатламларининг вужудга келиши билан боғлиқ. Бу жараён шубҳасиз мамлакатда ҳуқуқий демократик давлатчиликнинг вужудга келишида муҳим роль ўйнайди.

Бизга маълумки, хусусий секторнинг ривожланиши мулкчиликка боғлиқдир. Бозор муносабатлари тизимида ҳам мулкчилик марказий ўринни эгаллайди.

Тўкин-сочинликка эришиш учун меҳнат қилиш, меҳнат қилганда ҳам унумли ва самарали меҳнат қилиш зарурдир. Барча давлатларда ҳам ишлаб чиқаришнинг самарали усуллари яратишга катта эътибор қаратилган. самарали усуллар орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ва тўкин - сочинликка эришиш мумкин.

Ушбу масалаларнинг ечимидаги асосий муаммо - самарали меҳнатга бўлган рағбатни аниқлашдир. Ким ёки нима одамларни самарали фаолиятга ундайди. Бу саволга жавоб топиш устида кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар кўплаб ишларни амалга оширганлар.

Моддий қизиқишларнинг асосида мулк ётади. Мулкчилик жуда мураккаб тушунча бўлиб ўз ичига одамлар ўртасидаги муносабатларни олади. Моддий ва мураккаб элементлар мулкчиликнинг объектив омили сифатида юзага чикди. Моддий бойликни ошириш учун меҳнат қилиш зарурдур. Ушбу меҳнат самарали бўлиши учун унинг натижалари ёки натижаларидан бир қисми шу меҳнатни сарф қилаётганларга тегишли бўлиши керак. Иқтисодиётнинг назариячилари «Хусусий мулк - бу жонлантирилган меҳнатдир» деган тушунчани берганлар. Акс ҳолда, меҳнат маъносиз бўлиб қолади. Бундай маъносиз, аҳамиятсиз меҳнатга ҳеч ким мажбур қилиб эриша олмайди. Меҳнат зўрлашга асосланган мажбурий тўсиқ бўлмасдан ихтиёрий эҳтиёж бўлиши учун ишлаб чиқарилаётган мулкни тақсимлашнинг энг мувофиқ нисбатини топиш лозим. Бундай тақсимот барча қатнашчиларнинг эҳтиёжларига ва қизиқишларига мос келиши лозим. Инсонларнинг шахсий қизиқишларига мос келувчи мулк - бу хусусий мулкдир.

Инсонларнинг хусусий мулкка бўлган мойилликлари уларнинг табиатидан келиб чиқади. Инсонларда индивидуаллик улардаги жамоа руҳидан устун туради, уларда хусусий мулкка нисбатан биолог эҳтиёж мавжуддир, мулк доирасида улар жуда самарали тарзда бошқарадилар¹.

Ислон қонунларида индивидуал масъулият, индивидуал жавобгарлик ва ҳуқуқ тўғрисида тушунчалар берган эди. Ушбу таълимотни ривожлантирган Юсуф Хос Хожиб ва Ибн Холдунлар жамият ривожи мақсадида мамлакатни идора қилувчилардан хусусий мулкни дахлсизлиги бўйича кафолат беришни талаб қилган эдилар.

Инсониятнинг мулки бўлган қизиқишларни ҳисобга олиб, уларни юқори унумли меҳнатга жалб этиш мақсадида жамият мулкка бўлган муносабатни тобора такомиллаштириб боради, турлича янги шакллари яратади. Хусусий мулкчиликни юзага келиши ва шаклланиши учун давлат ихтиёридаги мулк хусусийлаштирилиши лозим эди. Ушбу жараёни амалга ошириш йўлида муҳим қарама-қаршилик мавжуд. Биринчиси, ўз мулкни камайтирмасликка, балки уни орттиришга ҳаракат қиладиганлар бўлса, иккинчиси, хусусийлаштириш

жараёнини жадал суръатда амалга оширилиб, мамлакат иқтисодиётини янада ривожланишини ёқлаб чиқадиганлардир. Мулк ўз эгасини, хўжайинини таниб оладиган бўлиши учун давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жонлантириш ва тезлаштириш зарур. Бу ўринда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир Давлат дастури, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1994 йил 15 мартда чиқарган фармони ва ушбу фармонни бажарилиш юзасидан ҳукумат томонидан ишлаб чиқарилган чора тадбирлар жуда муҳим роль ўйнайди.

Битта мулк эгасининг якка хукмрон сифатида, яъни монопол ҳолатда сақланиб қолганда бозор муносабатлари тўлақонли равишда ривожланиб бора олмайди. Лекин, давлат мулкани барча фуқароларга бир текис тарқатиб бериш мўнжалланган вазифаларга эришиш имконини бермайди. Жаҳон тажрибасидан маълум бўлганидек, миллийлаштириш бунинг акси бўлиш жараёни - хусусийлаштириш жараёнига қараганда осонроқ кўчади, айниқса, гап индустриал корхоналар, мураккаб объектлар тўғрисида бораётган бўлса. Бу ўринда кичик хусусийлаштиришнинг синовларидан ўтган механизми ҳамиша ҳам кўнгилдагидек натижа бермаслиги мумкин, яъни кичик объектларни хусусийлаштиришдаги усуллари ва йўналишларини йирик объектларни хусусийлаштиришга қўллаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони билан 2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар киради: якка тартибдаги тадбиркорлар; ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар; қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони: енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати - 100 кишидан; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари - 50 кишидан; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар - 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар. Кичик бизнеснинг ҳар бир соҳасига тўғри ва аниқ мулжалланган қонунлар, режалар, қўлланмалар йўналтирилган бўлиши керак, шу туфайли бизнинг мамлакатимизда, яъни маиший хизмат, дехкончилик, фермерчилик, савдо ва умумий овқатланиш, чорвачилик, қурилиш, саноатчилик ва бошқа соҳаларнинг таркибий турлари ривожланишига йил сайин кўпроқ аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон кун сайин ривожланар экан, ялпи ички маҳсулотнинг асосий улушини ҳам ҳозирги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бермоқда десак муболаға бўлмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятда 2008 йил давомида барча манбаалар ҳисобидан жами 50,6 млрд. (2007 йилда **27,0** млрд. сўм) сўмлик кредит маблағлари берилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **23,6** млрд. сўм кўп ёки кўрсаткич **187,0** фоизга бажарилган. Жами берилган кредитларнинг 38,6 млрд. сўми ёки 76,3 фоизи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган. Ажратилган микрокредитлар 15,2 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 8,6 млрд. сўмга кўп берилиши таъминланди.

Қувонарлиси шундаки, ажратилаётган кредитлар ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Агар кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан 2003 йил ажратилган кредит ҳажми вилоят бўйича 8049.0 млн. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йил 9041.5 млн. сўмни, 2005 йил 13292.8 млн. сўмни ва 2007 йил 27061.3 млн. сўмни, 2008 йил 50685 млн.сўмни ташкил этган. Ажратилаётган кредитлар асосан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, замонавий технологияларни сотиб олиш учун ажратилмоқда.

Вилоятда 29 нафар экспорт амалиётини бажараётган кичик бизнес субъектлари томонидан 2008 йил давомида **7535,2** минг АҚШ доллари микдорида экспорт амаллари бажарилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **10453,5** минг АҚШ доллари микдорида кўп бўлган ёки ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварни ташкил этди. Вилоятда тадбиркорлик субъектларининг умумий экспортдаги улуши 2009 йил 1 январ ҳолатига **52,9** фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **20,2** пунктга ўсишга эришилди.

2008 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 19124 та янги иш ўринлари яратилди. Яратилган янги иш ўринларининг 9963 таси микрофирма ва кичик корхоналарни ташкил этиш ҳисобига, 8243 таси яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 200 таси фермер хўжаликлари, 718 таси бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига тўғри келади.

Кичик бизнес соҳасида ишловчилар сони ҳам йиллар сайин ортиб бормоқда. Бу албатта кўп укладли иқтисодиётнинг ривожланишини билдиради, яъни турли мулкчилик шакллари юзага келиб, улар давлат мулкидан нодавлат мулкига ўтади. Албатта бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг роли ҳам каттадир.

Вилоятда 2008 йил якуни билан 167,4 млн. АҚШ (104,4%) долларлик ташқи савдо амаллари бажарилиб, шундан экспорт 86,2 млн. АҚШ долларини (80,2%), импорт амаллари 81,2 млн. АҚШ (153,9%) долларини ташкил этди.

Ялпи экспорт ҳажмининг 54,7 фоизини пахта толаси, 16,7 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари, 4,8 фоизини нефт маҳсулотлари 4,7 фоизини хизматлар ва 18,7 фоизини бошқа турдаги маҳсулотлар ташкил қилди.

Наманган вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг
курсаткичлари

№	Шахар ва туманлар	Экспорт, минг АҚШ долл.	Импорт, минг АҚШ долл	Ишлаётган ходимлар сони, минг киши
1	Наманган ш	3367,7	8965,4	124,3
2	Мингбулоқ	0,0	591,1	36,6
3	Косонсой	211,0	306,6	40,8
4	Наманган	1272,0	1750,7	44,7
5	Норин	0,0	153,8	36,9
6	Поп	299,9	785,8	57,0
7	Тўрақўрғон	162,6	162,0	46,9
8	Уйчи	338,8	642,7	48,9
9	Учқўрғон	0,0	324,4	49,4
10	Чортоқ	1497,9	2446,9	39,5
11	Чуст	362,7	1703,8	54,6
12	Янгиқўрғон	22,6	205,3	37,6
	Жами	7535,2	18038,5	617,0

Жами импорт хажмининг 17,2 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари, 4,7 фоизини қора ва рангли металллар, 34,0 фоизини машина ва асбоб-ускуналар, 19,9 фоизини кимёвий маҳсулотлар, 23,6 фоизини бошқалар ташкил этади.

Вилоятдаги ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан 11,3 млн.доллар миқдорида экспорт амаллари бажарилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,4 фоизни, прогнозга нисбатан эса 112,3 фоизни ташкил этмоқда.

2007 йилда ҳудудий экспортёр корхоналар сони 17 тани ташкил этган бўлса, 2008 йилда уларнинг сони 27 тага кўпайди. Жумладан янги экспортёр корхоналардан "Наманган шарбати" кўшма корхонаси (1,4 млн.долл), "Шамшир" (106,7 минг долл.), "RAAD KADIRA" (104,7 минг долл.), "Ўзуммевасабзавоттайёрлаш" МЧЖ лар (206,6 минг долл.) томонидан бажарилган экспорт хажмлари вилоят ҳудудий экспортида салмоқли ўрин эгаллади.

Вилоятда 29 нафар экспорт амалиётини бажараётган кичик бизнес субъектлари томонидан 2008 йил давомида **45631,5** минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амаллари бажарилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **10453,5** минг АҚШ доллари миқдорида кўп бўлган ёки ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварни ташкил этди. Вилоятда тадбиркорлик субъектларининг умумий экспортдаги улуши 2009 йил 1 январ ҳолатига **52,9** фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **20,2** пунктга ўсишга эришилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлантириши

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
	Вилоят ташқи савдо айланмаси	минг долл.	100631,0	106092,1	113265,1	135169,0	152119,6	167454,3
1.	Яқин хориж давлатларига	минг долл.	23807,1	26846,0	28210,1	43541,5	73480,8	78521,3
2.	Узоқ хориж давлатларига	минг долл.	76823,9	79246,1	85055,0	91627,5	78638,8	88933
	ЭКСПОРТ	минг долл.	66888,6	58962,7	78860,3	96392,6	107576,8	86232,1
1.	Яқин хориж давлатларига	минг долл.	13457,8	11166,3	17719,2	27402,6	50065,5	42321,1
2.	Узоқ хориж давлатларига	минг долл.	53430,8	47796,4	61141,1	68990,0	57511,3	43911
	ИМПОРТ	минг долл.	33742,4	47129,4	34404,8	38776,4	44542,8	81222,2
1.	Яқин хориж давлатларига	минг долл.	10349,3	15679,7	10490,9	16138,9	23415,3	37840,2
2.	Узоқ хориж давлатларига	минг долл.	23393,1	31449,7	23913,9	22637,5	21127,5	43382
	Рўйхатдан ўтган қўшма корхоналар	бирлик	73	75	70	68	62	63
	<i>Шу жумладан:</i>							
1.	Фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар	сони	60	58	54	51	53	54
2.	Фаолият кўрсатмаётган қўшма корхоналар	сони	13	17	16	17	9	9
3.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари	млн. сўм	41572,4	44814,1	43586,8	45868,4	62925,0	69632,6
	Қўшма корхоналар ташқи савдо айланмаси	минг долл.	31736,5	41380,5	30073,6	31947,0	35870,5	37532,5
	<i>Шу жумладан:</i>							
1.	Экспорти	минг долл.	16316,1	16546,6	15517,9	17877,7	19194,6	21456,5
2.	Имporti	минг долл.	15420,4	24833,9	14555,7	14069,3	16675,9	16076

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, йил сайин давлат тармоғи нодавлат тармоғига кенг йўллар очиб бермоқда. Амалга оширилган ишлар шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётга ўзининг катта улушини қўшиб келмоқда, шу туфайли бу соҳага тўғри ёндашган холда уни қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш,

ривожлантириш, ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, ноу-хауларни жалб қилиш, инвестицияларни амалга ошириш керак.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тарихи

Мустақиллигимизнинг ҳар бир кунини халқимиз фаровонлиги ва келажаги сари қўйилган қадамлар билан қиёслаш мумкин. Президентимиз И.Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётгани халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига кейинги йилларда катта аҳамият берилмоқда.

Кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳозирги пайтда энг муҳим, долзарб вазифалардан биридир. Кичик бизнес жамият ҳаётининг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига таъсир кўрсатади. У ижтимоий-категория сифатида давлат ва фуқаролар ҳаётининг муайян тарихий-иқтисодий шарт-шароитларини акс эттиради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорликнинг фаолият кўрсатиши, микрофирмалар, кичик корхоналарни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши учун меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган, иқтисодиётда кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур молиявий ёрдам кўрсатиш, ушбу секторнинг жами иқтисодиётдаги улушини, мавқеини ошириш республика ҳукумати томонидан устивор йўналиш деб эълон қилинди. Ушбу чора тадбирлар Ҳукуматимиз, Президентимиз қарорлари ва фармонларида ҳам ўз аксини топмоқда, улар ҳаётга тадбиқ этиб борилмоқда. Уларга мисол сифатида Республикамиз Президентининг 2004 йил 8 январдаги ПФ-3376 сонли «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонини мисол келтириш мумкин.

Қадимдан маълумки, иқтисодчи-олимлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тадбиқ этишда, унга турлича таъриф берганлар, тадбиркорликнинг моҳияти тўғрисидаги тасаввурлар ўзгариб борган. Кичик бизнес фаолияти ўрта асрлар жамиятида сезиларли даражада ўзгариб борди. Одатда тадбиркор сифатида рухоний шахслар тушунилган. Ўрта асрлардаги тадбиркорлик фаолияти учун молиявий таваккалчиликнинг йўқлиги ўзига хос аҳамият касб этган.

XVIII асрда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик фаолиятининг функционал мазмуни бир мунча кенгайди. Бу даврда ғарб иқтисодий фанида «тадбиркор» тушунчаси қўлланила бошланди. Тадбиркорлик фаолиятини Р.Кантильон, Ф. Кене, А.Смит, Ж.Б. Сэй, А. Тюрк ва бошқалар томонидан тадбиқ этилди.

«Тадбиркор» атамаси инглиз иқтисодчиси Р. Кантильонга тааллуқлидир. Унинг кичик ва ўрта бизнес, тадбиркор тўғрисидаги тасаввури талабга мос ҳолда таклифни амалга оширишга қаратилгандир, бу эса инглиз иқтисодчиси томонидан таваккалчилик билан боғланади. Бу даврда тадбиркорлик

фаолиятининг ривожланиши кузатилади. Иқтисодий фанда янги атамалар пайдо бўлади, масалан, капиталга эгалик қилиш, фойда кўриш, молиявий таваккалчилик, ташаббускорлик ва бошқалардир.

Кичик ва ўрта бизнеснинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари ҳам кенгайди, тадбиркорлик фаолияти натижасида фойда ошишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда Ж.Б. Сэй ўзининг «Сиёсий иқтисод трактати» деган китобида таъкидлайдики, саноат тажрибаларини ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш капиталларидан фойдаланмаслик керак, балки фақат ҳар бир дақиқада ўзининг фаровонлигига зарар етказмаган ҳолда, сарфлаш мумкин бўлган даромаддан фойдаланиши лозим деган ғояни илгари суради¹.

Ж.Б. Сэй тадбиркор соф фойдасини икки қисмга бўлади: саноатдан соф фойда ва капиталдан соф фойда. Унинг фикрича тадбиркор ростгуйлик, аниқлик, ташаббускорлик, моддий таъминланганлик ва бошқа хусусиятларга эга бўлиши керак деб ҳисоблайди².

Кичик ва ўрта бизнес фаолиятининг ривожланиш тарихи шундан далолат берадики, иқтисодий фанда тадбиркор тўғрисида ташаббускор, янгиликка интилувчан, илгор фикрловчи, ақл сохиби, шавқатсиз рақобат курашида муваффақиятга эришувчи инсон тўғрисидаги тасаввурлар мустаҳкам ўрнашгандир.

Й.Шумпетер кичик ва ўрта бизнесни таклиф нуктаи назаридан қарайди. Кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорлик фаолиятини у авваламбор ишлаб чиқариш жараёнининг сифат ўзгаришлари билан боғлайди (янгиликларни жорий этиш, технологияларни ўзгартириш, янги усулларни қўллаш), тадбиркорлик фаолиятининг белгиловчи хусусияти сифатида диққатини қаратади. Унинг фикрича, тадбиркорлик фаолияти фақат янги товарлар ишлаб чиқариш, билан чегараланади, бу билан ишлаб чиқариш жараёнига тубдан янгилик киритади. Тадбиркорлар фаолиятининг асосини, у иқтисодиётнинг бир мувозанат ҳолатидан иккинчи мувозанат ҳолатига ўтишида кўради. Айнан иқтисодиёт ривожланишининг ушбу даврида тадбиркорлар учун ўз фаолиятининг мўлжалларини аниқлаш жуда қийиндир.

Шу сабабли, Й.Шумпетер тадбиркорларга шундай зарурий талаблар қўядики, булар воқеаларга алоҳида қарай олиш, инсонларга таъсир эта олиш қобилияти, обрӯ-эътиборига эга бўлишдир¹.

Шундай қилиб, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожланиши билан кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик тушунчаси тўғрисидаги тасаввурлар ҳам ўзгарди. Олимлар томонидан унинг моҳияти тўғрисида турлича қарашлар билдирилган.

Бугун кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик бутун бир мажмуадаги ижтимоий-иқтисодий воқеа бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг бутунлай жамият ёки унинг ваколатли органлари билан иқтисодий муносабатларни амалга оширишнинг кўп қиррали шакллари қамраб олади. Бозор муносабатларининг шаклланиши жамиятнинг турли эҳтиёжларини таъминловчи тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан боғланади.

¹ Сэй Ж.Б. "Трактат политической экономики" М,1986, сс.11-24,58-63.

² Сэй Ж.Б. "Трактат политической экономики" М,1986, сс.10-20,55-60.

¹ Шумпетер Й. "Теория экономического развития" М, Прогресс, 1985 год. 159 стр. 180-190 стр.

Кичик бизнеснинг моҳияти ва мазмуни олимлар ўртасида турлича тушунилади. Масалан, «Экономикс» дарслигининг муаллифлари уни махсус инсоний ресурс сифатида қарайдилар. Тадбиркор - бу шундай шахс бўлиб, у товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ер ресурслари, капитал ва меҳнатни бирлаштириш бўйича ташаббусни ўз зиммасига олади, шунингдек бизнесни юритиш жараёнида асосий қарорларни қабул қилади. Бундан ташқари, тадбиркор бу янгилик яратувчи бўлиб, тижорат асосида янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологиялари ёки бизнесни ташкил этишнинг янги шакллари ишлаб чиқаришга интилувчи, таваккалчиликка боровчи кишидир².

Бошқа хорижий олимлар тадбиркорликни хусусий шахслар, корхоналар ёки ташкилотлар томонидан моддий бойликларни яратиш, ишлаб чиқариш, товарларни ҳарид қилиш ёки сотиш бўйича, шунингдек манфаатдор шахслар ёки ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида, товарлар, хизматлар ёки пулларни бошқасига алмаштириш бўйича хизматлар кўрсатишни амалга ошириш фаолияти сифатида тушунадилар¹.

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида тадбиркорлик фаолияти тўғрисида ягона тушунча йўқдир. Масалан, А.В.Бусўгин тадбиркорликка фойда, даромад олиш мақсадидаги иқтисодий фаолликнинг махсус тури деб, таъриф беради. Тадбиркорлик фаолиятининг мақсади деб, шундай товарни ишлаб чиқариш ва сотишни тушунадики, у бозорда талабга эга бўлиб, тадбиркорга фойда келтириши керак.²

Шундай қилиб, А.В.Бусўгин тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаоллигини бир-биридан ажратади. У тадбиркорликни иқтисодий фаоллик билан алмаштиради, бунда фойда олишга йўналтирилган мақсадли фаолият тушунилади. Тадбиркорлик фаоллигида эса, фойда олиш мақсадидаги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича фаолиятнинг ўзи тушунилади. Натижада, бу икки тушунчанинг мазмуни тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаоллиги бир хил бўлиб, бозорда талабга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўлиб, бунда фойда олиш мақсади кўзда тутилади³.

Иванов Ю.И., Русинов Ф.М. тадбиркорликни унга хос бўлган қонуниятларга мос ҳолда амал қилувчи, иқтисодиётнинг ўзига хос соҳаси сифатида ҳисоблайди⁴.

Тадбиркорлик - фуқаролар ёки алоҳида фуқаро томонидан амалга оширилувчи, таркибига молиявий, маънавий, ижтимоий масъулиятни олувчи ёлланма меҳнатни жалб этиб, бозор эҳтиёжларига йўналтирилган, ташаббускорликка асосланган хўжалик фаолиятидир.

Кичик бизнес субъектларидаги тадбиркор корхонани ташкил этувчи ва шахсий манфаатлари мақсадида уни бошқарувчи кишидир. Шу туфайли

² Кэмпбеллр. Макконелл, Стенли Л. Брю “Экономикс”, М. Республики, 1992, 37-38 стр.

¹ Жан-Лун Серван-Шрейбер, Ремесло Предпринимателя М.Международные отношения 1994 год 50 стр.

² Бусыгин А.В. “Предпринимательство, начальный курс” М.НиРп, 1992 год, 7 стр.

³ Бусыгин А.В. “Предпринимательство, начальный курс” М.НиРп, 1992 год, 7 стр.

⁴ Яновлев В.М. “Конструктивное предпринимательство” М.ИПМ Трил. 1994 год 232 стр.

тадбиркорнинг шахсий даромади унинг корхонасининг харажатлари ва ишлаб чиқариш харажатлари орасидаги фарқ билан аниқланади.

Бундан ташқари, тадбиркор део аввало ўзига хос бўлган янгилик яратувчини ҳисоблайди, у ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациясини амалга оширади, натижада бозор талабларига жавоб берадиган товар ёки хизматлар яратади. Тадбиркорнинг мақсади фойда олишдир.

Бизнингча, бу олим тадбиркорликни талқин этиш билан ҳақиқатга яқиндир, бу иқтисодий категорияни барча ташаббусга асосланган ҳўжалик фаолияти деб тасаввур этади.

Фуқаролик қонунчилиги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, тадбиркорлик бу - фаолиятни ўз таваккалчилигига кўра мустақил тарзда амалга ошириш бўлиб, мулклардан фойдаланиш, товарлар сотиш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш эвазига доимий равишда фойда олишга йўналтирилади ва ушбу сифат қонунда белгиланган тартиб бўйича рўйхатга олинади.

Тадбиркорликнинг барча томонларини умумлаштириб, Яковлев В.М. уни бутун бир мажмуадан иборат ўта кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қарайди, бунда унинг таркибига бошқа муаллифлар томонидан аниқланган иқтисодий фаоллик тури, бозор иқтисодиёти соҳасидаги қандайдир бир янгиликни яратиш жараёни ёки инновация жараёни сифатидаги хусусиятлари қўшилади². Муаллиф замонавий тадбиркорликни мулкчиликнинг асосий ишлаб чиқариш функцияси ва объектив иқтисодий манфаатларини амалга ошириш механизми сифатида талқин қилади. Замонавий тадбиркорлик тавсифини Яковлев В.М. ўз-ўзини амалга ошириш, ўз-ўзидан ривожланиш, ўз-ўзидан такомиллашнинг ички имкониятларига эга бўлган, бозор иқтисодиётининг система ҳосил қилувчи омили сифатидаги тушунча билан тўлдиради. Тадбиркорликнинг туб негизини муаллиф, кўпгина бошқа шароитларда унинг хусусий мулкка бўлган тўғридан-тўғри муносабати сифатида тасаввур этади. Тадбиркорлик мулкчиликни амалга оширишнинг тўғри функцияси, унинг асосий ишлаб чиқариш функциясидир. Шу сабабли, эркин бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг хатти-ҳаракатлари капитални оширишга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва фойдани ўзлаштиришга йўналтирилгандир¹.

Бизнинг фикримизча Яковлев В.М тадбиркорликнинг мазмунини бирмунча тўлароқ ифодалаган. Унинг қарашларини ривожлантириб ва юқорида баён этилган муаллифларнинг фикрларини умумлаштириб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Тадбиркорлик бу мулкдан фойдаланиш натижасида доимий тарзда фойда олишга, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун маҳсулотлар (хизматлар, ишлар) ишлаб чиқаришга йўналтирилган мустақил фаолиятдир.

² Яковлев В.М. Конструктивные предпринимательство-М, ИПА ТРИД 1994, 19-20 бетлар.

¹ Яковлев В.М. Конструктивные предпринимательство-М, ИПА ТРИД 1994, 19-20 бетлар.

Тадбиркорнинг фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз таваккалчилиги асосида амалга оширилади ва бу шахслар қонунда белгиланган тартибда ушбу иш учун рўйхатга олинади ва фойда олиш мақсадида мулкчиликнинг барча шаклидан, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан ташаббускорона фойдаланиш билан боғлангандир. Ана шундай қилиб биз кичик бизнес ҳамда тадбиркорликнинг иқтисодий моҳияти ва шаклланиш тарихини кўриб чиқдик. Узоқ даврлар мобайнида кичик бизнес хорижий мамлакатлар иқтисодиёти тажрибасида ўзининг кучли имкониятларини намойиш эта олди. Айниқса, кичик корхоналарнинг хусусий мулк асосида ташкил этилиши, ўз хўжайинлик ва тадбиркорлик хислатларини руёбга чиқаришни истовчи минглаб шахсларнинг манфаатига мос келди.

Кичик бизнес - жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни муътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу - республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлари билан бойитишдир. Бу - янги иш ўринларидир. Шуни ҳамиша назарда тутиш керакки, фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантириш ҳисобигагина ғоят кескин муаммони - аҳолининг (айниқса ортиқча меҳнат захиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойлар ва минтақаларда) иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишимиз мумкин.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг мезонлари, фақатгина корхонада ишловчи ишчи ва хизматчиларнинг сонига қараб эмас, балки йиллик айланма маблағларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Масалан: Францияда - кичик корхоналарда меҳнат билан банд бўлганлар - 500 тагача ва йиллик обороти (солиқлар олинмасдан аввал) 200 млн. франкни ташкил этиши белгиланган.

Германияда - кичик корхоналарда меҳнат билан банд бўлганлар сони 500 тагача бўлиб, йиллик обороти 50 млн. дойч маркадан ошмаслиги белгиланган. Англияда - кичик корхоналарга йиллик обороти 300 минг фунт стерлинггача бўлганлар киради; Швейцарияда - кичик корхоналарга меҳнат билан банд бўлганлар - 200 тагача белгиланган ҳолда, яна бир неча кўрсаткичларга аҳамият берилади, жумладан:

- ўсиш босқичлари (бошлангич ўсиш суръати);
- қайси тармоққа дахллиги;
- фаолият соҳасининг географик ҳолати (худудий, локал ва миллий масштабда);
- мулк эгалари ва бошқарувчиларнинг тафсифномалари (яъни, тадбиркор аёл, хорижий фуқаро ва бошқалар);
- корхоналар учун ҳарактерли бўлган муаммолар тури (масалан, молиялаштириш ва самарали бошқариш) ва ҳ.к.лар.

АҚШ да эса кичик бизнеснинг мезонлари нафақат ишчилар сонига, балки фаолият тармоғига қараб ишчилар сони ёки йиллик айланма маблағларига қараб белгиланади. Саноат соҳасида - меҳнат билан банд бўлганлар сони 500 тагача, айрим саноат соҳасидаги тармоқларда 100 дан 750 тагача; қурилиш соҳасида - йиллик айланма маблағи 7 млн. дан 17 млн. долларгача (фаолият турига қараб); қишлоқ хўжалигида - йиллик обороти 3,5 млн. долларгача

(айрим тармоқларда - 0,5 млн. долларгача); фойдали хом - ашё бойликларини қазиб олиш соҳасида - меҳнат билан банд бўлганлар сони 500 тагача; транспорт соҳасида - меҳнат билан банд бўлганлар сони 500 гача (Айрим тармоқларда 1500 гача ёки йиллик обороти 3,5 млн. долларгача, шунингдек айрим тармоқларда 12,5 млн. долларгача); улгуржи савдо соҳасида - меҳнат билан банд бўлганлар 100 тагача; чакана савдо соҳасида - йиллик айланма маблағи 3,5 млн. долларгача бўлса ҳисобга олинади.

Кичик бизнес мезонларини кўриб чиқдик, эндиликда ва шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, кичик бизнес мезонларини ҳар бир давлат ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Ҳозирги даврда меҳнат ресурсларини йил сайин ортиб бораётганини ва уларни иш билан таъминлаш долзарб масала эканлигини тан олишимиз керак, шунинг учун ҳам кичик бизнес катта корхоналарга нисбатан, айрим давлатларда етакчи ўринни сон жиҳатидан ҳам, маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг солиштирама оғирлиги жиҳатидан ҳам, ишларни бажариш жиҳатидан ва хизматлар кўрсатиши жиҳатидан ҳам ажралиб туради.

3-жадвал

Ривожланган давлатларда кичик бизнеснинг ялпи
ички маҳсулотдаги улуши

Давлатлар	Ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоиз ҳисобида
Буюк Британияда	50 - 54
Олмонияда	50 - 53
Италияда	57 - 60
Францияда	55 - 62
Европа Ҳамдўстлиги мамлакатларида	63 - 67
АҚШда	50 - 52
Японияда	52 - 55

Манба: А.Бланк «Условия регулирования малого бизнеса», 3-4 бетлар.

Юқоридаги 4.1-жадвалдан кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарадиган маҳсулот ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотининг асосий қисмини ташкил қилади. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки бу давлатларнинг иқтисодий ривожланишида кичик бизнес муҳим аҳамият касб этгандир. Бизнинг республикамызда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди.

Тадбиркорлик бўйича хорижий давлатлар тажрибалари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий самарадорлигини ошириш учун тадбиркорлик бўйича хорижда тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва унинг ижобий томонларини ўзимизда қўллаш лозим. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича фаолият чет мамлакатларда биздан кўра олдинроқ бошланган бўлиб, маълум маънода тажриба тўпланган. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шу билан биргаликда, мамлакатимизда кичик бизнесни янада ривожланишини таъминлаш учун хорижий мамлакатлардаги кичик бизнес субъектларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва ҳозирги инқироз шароитида уларда амалга оширилаётган ўзгаришларни ўрганишнинг аҳамияти каттадир.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида 60-70 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кескин ривожланди. Бу даврларда у гуллаб-яшнади ва ҳозирги вақтда ҳам ўз ўрнини мустақамлаб келмоқда. Фирмаларнинг умумий сониди майда ва ўрта корхоналар салмоғи Германияда 95 фоиз, Японияда 99,7 фоизга тўғри келади, ушбу соҳада ёлланган ишчиларнинг 45-47 фоизи банд, чунки тараққий топган мамлакатларда тадбиркорлик хўжалик юритишнинг алоҳида ва илғор усули ҳисобланади. Унинг асосида доимий равишда янги имкониятларни излаш, қўйилган масалани ечиш учун ҳар хил ресурслар манбаларини излаб топиш, жалб қилиш ва ишлатиш ётади. Ғарб давлатларида ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳаракатчанлик, «ташаббускорлик», жасурлик каби тушунчалар билан бир хил маънода ишлатилади.

Тадбиркорлик фаолиятига жуда катта эътибор қаратилади. Тадбиркорлик уларда жуда катта имкониятларни келтириб чиқармоқда, жуда кўплаб ажойиб фойдали фикрларни ҳақиқатга айлантди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг миқёсда ривожланиб бораётган мамлакатлар ичида Америка Қўшма Штатлари алоҳида ўринга эга. 1982 йилда АҚШда 4369726 та мустақил фирма ҳамда 5,5 миллион кичик ишбилармонлик уюшмалари мавжуд эди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда жами Америка ишчи кучларининг 47,8 фоизи ишлаётган эди. Кичик фирмаларнинг бутун мамлакат савдо муомаласидаги молиявий ҳиссаси 42 фоиз бўлиб, АҚШнинг ялпи маҳсулотидаги ҳиссаси 38 фоизга тенг бўлган. Бундай кичик фирмалар сони ҳар йили 10 фоизга ўсиб бормоқда.

Америкадаги йирик фирмалар, компаниялар ва корпорациялар ўз фаолиятларини амалга ошириш учун минглаб кичик бизнес субъектлари билан шартномалар тузмоқдалар. «Вестерн электрик» компанияси ҳар йили 40 мингдан ортиқ фирманинг товар ва хизматларидан фойдаланади, 120 минг компаниядан нархлар тўғрисида маълумот олиб туради. «Женерал электрик» компанияси эса 90 фоизи кичик фирмалар бўлган 45 мингта субпудратчи фирмалар билан алоқада бўлган.

Ҳозирги вақтда кичик фирмалар Америка иқтисодиётида ўз улушларини орттириб бормоқдалар. Ҳатто илмий тармоқларда ҳам кичик фирмалар

ривожланиб бормокда. Кўпгина илмий тармоқларда айнан ихтисослашган кичик фирмалар кўпчиликини ташкил қилади.

АҚШда кичик бизнес субъектларининг 95 фоизида хизматчилар сони 20 нафардан ортмайди. Кичик бизнес даромадлари 18 фоизга ўсиб, синишлар сони 10 фоизга камайди. 1953 йили АҚШда майда бизнес тўғрисида Қонун қабул қилинган. 1958 йили унга майда бизнес миқёсларини аниқ чегараловчи ўзгартириш киритилди. Бу кичик фирмаларнинг бошқа турдаги фирма ва ташкилотларга қараганда анча фарқ қилувчи шароитларда кредитлар олиши учун зарур эди. АҚШда қабул қилинган Қонунда ёзилишича – кичик фирма – бу мустақил яшовчи ва фаолият кўрсатувчи шундай корхонаки, унинг эгаси бошқаларга қарам эмас ва фирма ўз бизнеси соҳасида ўта ҳукмронлик даъво қилмайди. Қонунда ишбилармонлиқнинг конкрет соҳалари учун мезонлар ҳам белгиланган. масалан, саноат корхонаси унда ишловчилар сони 250-1500 киши бўлсагина кичик фирма ҳисобланади. Ёлланган ходимлар сонига кўра, АҚШдаги кичик корхоналар беш хилга бўлинади:

энг кичик – 1-24 ходим

кичик -25-99 ходим

ўртача -100-499 ходим

йирик -500-999 ходим

энг йирик 1000 ва ундан ортиқ ходим.

Улгуржи савдо корхоналари йиллик савдо муомаласи 3-18 миллион доллар атрофида бўлсагина майда бизнес билан шуғулланувчилар сафига киритилади.

Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эса бу чегара 1-5 миллион доллар орасида бўлса майда бизнес билан шуғулланувчилар сафига киритилади.

Туркияда ҳам кичик бизнесга катта эътибор қаратилмоқда. Кичик бизнес мамлакат иқтисодиётидаги ўз мавқеини мустаҳкамламоқда. Туркия Давлат статистика институти маълумотларига қараганда жорий 10 йилликда кичик бизнесда (иш ўрни 10 киши ва ундан кам бўлган корхоналарда) 180 минг иш ўрни мавжуддир. Йирик ҳисобланган корхоналарда (10 кишидан ортиқ киши меҳнат қиладиган) 9 минг иш ўрни мавжуддир.

Туркияда кичик бизнес корхоналари асосан хусусий мулк шаклида бўлиб, улар мустақил равишда фаолият кўрсатадилар, хўжалик мустақиллигига эга бўладилар. Улар ўзлари фаолият юргизаётган соҳаларда ҳал қилувчи овозга даъво қилмайдилар. Уларда ишнинг махсус мезони сифатида қўшимча қиймат, активлар қиймати, йиллик маҳсулот сотуви ҳажми, ходимлар сони сингари кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Кўплаб иқтисодчилар фикри бўйича 50 кишигача меҳнат қиладиган корхоналарни кичик корхонага мансуб деб ҳисоблаш мумкин, 500 ва ундан ортиқ киши меҳнат қиладиган корхоналарни йирик корхоналарга мансуб деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу шартли гуруҳлаш тартиби билан таҳлил қиладиган бўлсак, Туркия саноатидаги корхоналарнинг учдан икки қисми кичик бизнес корхоналаридир.

Ушбу кичик бизнес корхоналарининг асосий қисми озиқ-овқат, тўқимачилик, пойафзал, мебелсозлик саноатларига тўғри келади.

Кичик бизнес корхоналари бозордаги ўзгаришларга тезда мослашадилар. Кичик бизнес корхоналарида янги техника ва технологияни жорий қилиш муддати қисқа, шу билан биргаликда кичик бизнес корхоналарида янгиликка ўчроқ бўладилар. Кичик бизнес корхоналарининг раҳбарлари ишбилармон, ғайратчан бўладилар.

Туркиядаги кўплаб кичик бизнес корхоналари юқори технологияли ишлаб чиқаришларда бандлар. Бу соҳада фаолият юритиш жуда катта таваккалчилик талаб қилади. Шу сабабли, йирик корхоналар бу соҳага камроқ эътибор берадилар. Иккинчидан, янги технология ва техник ишланмалар устида ишловчи мутахассислар ўз ишларини мустақил равишда амалга оширишни хоҳловчи кишилардир. Шунинг учун улар ушбу соҳада ўз фаолиятларини олиб борадилар.

Тадбиркорлик ғарб мамлакатларида олимлар ва тадқиқотчилар томонидан кенг миқёсда ўрганилади. Бундай тадқиқотларда тадбиркорнинг тажрибаси, уларнинг энг кучлиларига хос бўлган хислатлар кўриб чиқилади ва улар асосида қандайдир умумий белгилар аниқлаштирилади. Шундай тадқиқотларнинг бирида тадбиркорликда мустақил иш бошлашдаги асосий босқичларни ўрганиш ва уларни ўргатиш бўйича изланишлар ўтказилган. Қуйида тадбиркорликнинг биринчи йилидаги асосий босқичларни кўриб чиқамиз.

1. Тадбиркорлик билан шугулланиш ғояси. Бу ғоя ҳозирги вақтда кўпчиликда мавжуд. Лекин унинг амалга ошиши ёки ошмаслиги кўпгина нарсага, шу жумладан кейинги босқичларга боғлиқдир.

2. Дастлабки ғоя асосида қабул қилинган қарор. Бу қарор катъий бўлиши керак. Тадбиркор ўз фаолиятида нафақат муваффақиятга, балки кўплаб қийинчиликларга ҳам дуч келиши мумкин.

3. Аввалги иш жойидан кетиш. Ушбу босқич бўйича икки хил қараш мавжуд. Биринчиси, дадил қадам қўйиб, эски иш жойидан кетиш ва барча диққат-эътиборни, ғайрат-шижоатни бизнес билан шугулланишга ишлатиш бўлса, иккинчиси имкони борича эски иш жойидан кетмасдан туриб бизнесдаги фаолиятни бошлаш керак деб ҳисоблайдилар, чунки бизнесдаги илк босқичда ноаниқлик катта бўлади деб тушунтирадилар.

Америкалик мутахассислар айтадиларки: «бизнес кўнгилхушлик эмас. Бу ушлаб олувчи қўлга тушганни ўпадиган сичқон-мушук ўйинининг бир тури эмас».

4. Сиз билан ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган одамлар, шу жумладан адлиячи (юрист), банк ходимлари, иш бошлаётган соҳа мутахассислари билан шартнома тузиш. Бошланаётган соҳа ва ундаги фаолият ҳар томонлама ўрганилиши, уни амалга ошириш учун қандай имкониятлар мавжуд, қандай камчилик, етишмовчиликлар борлигини таҳлил қилиниши лозим. Бу босқичда шошма-шошарлик кетмайди.

5. Корхонани очиш тўғрисидаги таъсис хужжатларини тузиб иш бошлашга расмий руҳсат олиш. Бу босқич энг ташвишлиларидан бири ҳисобланади. Тадбиркор учун реал синов ана шу босқичда бошланади.

6. Илк босқичдаги молиявий харажатлар аниқланади. Тузиладиган корхона турига қараб Устав фонди аниқланади. Ундан ташқари маҳсулот ёки хизмат турини яратиш бўйича харажатлар аниқланади. Фаолият юритиш бўйича ишлаб чиқариш бинолари етишмаса, қўшимча бинолар, иншоотлар сотиб олинади ёки ижарага олинади. Буларнинг барчаси маълум харажатлар билан боғлиқдир.

7. Буюртма олишга тайёргарлик кўриш.

8. Корхонанинг ўз хусусий белгисини намоиш қилиш.

9. Илк буюртмачиларни пайдо бўлиши.

Ушбу учта босқич, яъни 7,8 ва 9-босқичлар корхонани реклама қилиш ва реклама орқали маҳсулотларга харидор топиш билан боғлиқдир.

10. Шартнома бўйича биринчи буюртма ва мажбуриятларни бажариш. Бу босқичда энг муҳими буюртмани ўз вақтида бажаришдир. Ўз вақтида бажарилмаган буюртманинг икки томонлама зарари бор. Биринчидан, шартнома бўйича жарима тўлашингиз лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида бу энг ёмони эмас. Энг ёмони – ўз номингизни йўқотишдир. Кейинги сафар маҳсулотингизга истеъмолчи харидор чиқмаслиги мумкин. Ташкилот имиджини сақлаб қолиш ва уни янада юқорироқ кўтариш – ҳар бир тадбиркорнинг ғоят муҳим вазифасидир.

11. Корхона ёки фирманинг иш йўналишини ўзгартириш имконияти. Одатда бироз ишлагандан сунг, тажриба ошганидан кейин иш йўналишини ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш керак.

Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлар ўз фаолиятларини ана шундай бошлайдилар ва тадбиркорлик фаолияти самарали кечиши учун унинг турли шаклларида бирини танлайдилар.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тадбиркорликка кенг йўл очилди. Эндиликда тадбиркорлар тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларида бирини танлаш имкониятига эгадирлар. Улар ўз имкониятлари доирасида бирон-бир шаклни танлайдилар. Мамлакатимизда қабул қилинган тадбиркорлик тўғрисидаги Қонунда тадбиркорлик фаолиятининг қатор шакллари кўрсатиб ўтилган. Уларга қуйидагилар киради(8-расм):

1. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти.

2. Хусусий тадбиркорлик фаолияти.

3. Ширкат тадбиркорлиги.

4. Аралаш тадбиркорлик.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борилади.

Ширкат тадбиркорлиги фуқаролар гуруҳи томонидан олиб борилади.

Аралаш тадбиркорлик юридик шахс ҳамда фуқаролар томонидан мол-мулкни ўртага ташлаш йўли билан олиб борилади.


Якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан ташқари қолган барча шаклларда иш бошлаш учун корхоналар тузиш лозим бўлади.

Якка тартибдаги тадбиркорликда тадбиркор бутун даромадни ва бизнеснинг бутун таваккалчилигини тўла ўз зиммасига олувчи бир киши ёки оиладир. Бундай тадбиркорлик бизнеснинг энг оддий шаклларида бири ҳисобланади. АҚШ да ишбилармонлар очган корхоналарнинг 80 фоизи якка эгаллик корхоналаридир. Бундай тадбиркорлик айниқса савдода, маслаҳат-йўриқчилик бизнесида, овқатлантириш соҳасида кенг тарқалгандир. Якка тартибдаги тадбиркорлик қатор афзалликларга эга.

1. Якка тартибдаги тадбиркорликда ҳар қандай масала якка тартибда ҳал қилинади. Бундай фаолиятда қарор қабул қилишда юқори ташкилотга ёки ўзаро ҳамкорликка мурожаат қилинмайди.

2. Тадбиркорларни ишга қизиқтирувчи жиҳатларнинг кўплигидир. Фаолиятдан олинadиган даромадларнинг ҳаммаси бир киштига, яъни корхона эгасига тегишли бўлади. У тинимсиз ишлашдан, ишнинг боришини изчил назорат қилиб боришдан, қарорларни эҳтиёткорона қабул қилиш ва иш операциялари миқёсини иложи борица кенгайтиришдан кучли манфаатдордир. У кўпроқ ишлашга рағбатланади.

3. Фаолият самарадорлигини таъминловчи махсус йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, ишни ташкил этишнинг қандайдир янги йўналишлари, техника ва технологиядаги янгиликлар якка тадбиркорнинг асосий бойлиги ҳисобланади. Унда ушбу янгиликлар сирлигича қолиши мумкин, уларни махфий сақлаш имконияти бор.



8-расм. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.

4. Тадбиркорликнинг бошқа ташкилий-хукукий шаклига ўтиш нисбатан енгил кўчади, чунки қарорни тадбиркорнинг ўзи ҳал қилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик ушбу афзалликлар билан биргаликда бир қатор камчиликларга ҳам эга бўлиб, улардан асосийлари қуйидагилардир:

1. Ширкат ёки корпорациядаги каби инвестицияларни ўз ишига жалб қилиш имкониятлари катта эмас. Унинг ўзининг маблағлари ҳам чекланган бўлиб, заиф молиявий пойдеворга эга. Кредит тўловини тўлаш қобилияти унча юқори бўлмагани боис, у кредит учун анча юқори даражада фоизлар тўлашга мажбур.

2. Хусусий тадбиркорнинг фаолият муддатининг ноаниқлиги. Ушбу тадбиркорнинг ўлими, синиши ёки бошқа сабаб билан ишлай олмай қолиши билан хукукий жиҳатдан ўз фаолиятини тугатади, якка эгалик фирма ўз эгасининг фаолияти ҳисобига яшайди ва у фаол пайтдагина сердаромад бўлади. Бундай ташкилотлар яшаб қолиш муддатининг ноаниқлиги боис бошқа бизнесменлар у билан хоҳламайгина узоқ муддатли молиявий шартномалар тузадилар ёки умуман тузмайдилар.

3. Қарзлар учун тўла жавобгарлик. Якка эгалик фирма қарзини тўлаш учун гаровга қўйилган барча мол-мулки ва жамғармасидан ажралиб қолиши мумкин.

4. Ихтисослашган менежерларнинг етишмаслиги. Одатда якка эгалик корхонасининг эгаси ўзи бош менежер ҳисобланади. У олди-сотди бўйича ҳам, ишлаб чиқариш бўйича ҳам, таъминот бўйича ҳам, реклама бўйича ҳам, кадрлар бўйича ҳам менежернинг ўзи бажаради. Ҳар бир соҳа ва йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Якка тартибдаги тадбиркор юқоридаги барча йўналишлар бўйича бирдай ва муваффақиятли иш олиб бориш қобилиятига эга бўлмаслиги мумкин.

5. Функционал камчиликлар. Маблағлар топиш қийинлиги боис якка тадбиркорликда маълум ишларни тез ҳал қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Масалан, фирманинг ноқулай жойга жойлашганлиги, бино ва ускуналарнинг номувофиқлиги, юқори малака етишмаслиги, зарурий материалларни керакли миқдорда сотиб олиш қобилиятининг йўқлиги шундай камчиликлардандир.

6. Хўжалик фаолиятининг барча томонлари учун чекланмаган жавобгарликнинг ҳукм суриши.

Ушбу камчиликлар сабабли ўз фаолиятини самарали олиб бора олмаган тадбиркорлар ўзларининг мол-мулкларини, капиталларини қўшиб, ўзаро бирлашадилар, Натижада ширкатлар, корпорациялар пайдо бўлади.

Ширкатнинг икки асосий тури мавжуд:

1. Масъулияти чегараланмаган(оддий).
2. Масъулияти чегараланган.

Масъулияти чегараланмаган оддий ширкат икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг шерикчилик асосида бизнес билан шуғулланиш учун бирлашишларидир. Кўпчилик оддий ширкатлар икки ёки уч нафар тадбиркорлардан иборатдир. Ширкат аъзолари даромадни ўзлари хоҳлаган усулда бўлишлари мумкин. Ширкатнинг барча аъзолари бир хил маблағ - ҳисса қўшишлари ҳам шарт эмас. Ўзаро келишув асосида қўшилаётган ҳисса ҳам,

олинадиган улуш ҳам белгилаб олинади. Ширкатлар ҳам якка эгалик корхоналари сингари савдода, қишлоқ хўжалигида, хизмат кўрсатиш соҳасида, молия ва бошқа соҳаларда кўпроқ ташкил этилмоқда.

Ширкатларнинг ҳуқуқий асоси унинг аъзолари ўртасида тузилган битим ҳисобланади. Ушбу битимда ҳар бир ходимнинг ваколатлари, битим муддати, қўшилган маблағлар ва олинадиган улушлар, амалга оширилиши лозим бўлган молиявий ишлар тартиби ҳақида баёнот, янги ҳамкорлар қабул қилиш, тузиш ва тугатиш тартиблари келтирилган бўлади.

Бундай тадбиркорлик шакли молиявий жиҳатдан кучли бўладилар. Уларда ҳаракат эркинлиги мавжуд, ишларни тезкорлик билан амалга ошириш имконияти мавжуд.

Оддий ширкатда менежерлар қўшимча имкониятларга эгадирлар. Ширкатга одатда бир-бирини тўлдира оладиган қобилиятли ва тажрибали ишбилармонлар бирлашадилар, бу менежерлик вазифаларини ўзаро тақсимлаш имконини беради.

Оддий ширкат ҳам баъзи бир камчиликларга эга бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Ҳамкорлик масъулиятининг чегараланганлиги. Агар ширкат муваффақиятсизликка учраса ҳамкорларнинг ҳар бири ўзи қўшган маблағга мувофиқ зарар кўради. Бироқ ҳамкорлардан биронтаси ўз ҳиссасига тушган зарарни тўлай олмаса, бошқа ҳамкорлар унинг қарзини ҳам ўз ҳисобларидан тўлашлари керак.

2. Ўзаро ишончсизлик пайдо бўлиши хавфи бор. Бирон-бир тадбиркорнинг хатоси барча аъзоларга таъсир қилиши мумкин.

3. Тажрибанинг етишмаслиги. Тадбиркорлардан бирини жамоадан чиқиши, касал бўлиб қолиши ёки бошқа сабаблар ширкатнинг тарқаб кетишига сабаб бўлади.

Тадбиркорликнинг яна бир шакли ҳисобланган масъулияти чегараланган ширкат масъулияти қўшган маблағлари доирасида чегараланган бир ёки бир неча ҳамкор қатнашиши мумкин. Ҳамкор сифатида нафақат якка ишбилармонлар балки, корпорациялар ҳам қатнашишлари мумкин. Улар ўртасида битим тузилади ва битимда ким асосий ҳамкор, ким масъулияти чегараланган ҳамкор эканлиги аниқ кўрсатилади.

Масъулияти чегараланган ҳамкорликнинг асосий афзаллиги шундаки, у капитал маблағ сарфловчи ишбилармон учун қулайдир. Улар ишга пул қўшадилар, лекин корхона менежерлигида қатнашишдек серташвиш ишдан озод бўладилар. Мабодо ширкат омадсизликка учраса улар ўзлари қўшган капитал маблағларинигина бой берадилар. Даромад келаверса, улар ҳам ўзларига тегишли фоизни олаверадилар. Бундай ширкатчиликни баъзи бир ҳолларда коммандит ширкатчилиги деб аталади. Жамоадаги тўла жавобгар шахслар, ҳақиқий аъзолар, чекланган жавобгар омонатчи – аъзо ёки коммандитлар деб аталадилар.

Масъулияти чегараланган ширкатчилик «аралаш ҳиссадорлик коммандитлиги» шаклига ўтиши мумкин ва бунинг учун аъзолар ўз ҳиссаларини қўшишни акция сотиб олиш йўли билан амалга оширишлари

зарур. Ширкатчиликнинг бундай аралаш шакли уни ҳиссадорлик жамиятига ўтиш шакли бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда кичик бизнесда жамоа корхоналарини ташкил этиш кенг тарқалмоқда. Жамоа корхонаси – бу шундай хўжалик шаклики, унда барча мулк ва олинадиган фойда унинг меҳнат жамоасига тегишли бўлади. Жамоа корхоналарини ташкил қилиш йўналишларидан асосийси – мулкни сотиб олишдир. У қуйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

1. Ўз хомийларига акция сотиш йўли билан.
2. Шахсий омонатларни бирлаштириш йўли билан.
3. Ижарага олиш йўли билан.
4. Банкдан ёки бошқа корхонадан кредит олиш йўли билан.

Жамоа корхонаси тўла мустақил бўлиб, у бегоналарнинг аралашувисиз ўзи ишлаб чиқарган ва сотадиган маҳсулотига, бажарадиган ишига ва кўрсатадиган хизматига бўлган талаб асосида ўз фаолиятини режалаштиради, келажак тараққиётини ҳамда корхонанинг ишлаб чиқаришини, ижтимоий ривожланишини ўзида, меҳнат қилувчиларнинг шахсий даромадини қандай оширишни ўзи мустақил равишда белгилайди. Жамоа корхонаси ҳар бир ишловчисининг шахсий ҳиссаси (улуши) унинг бажарадиган меҳнатига қараб белгиланади.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири бўлган ҳиссадорлик жамиятлари иқтисодиёт ривожига муҳим ўрин эгаллайди. Ҳиссадорлик жамияти – бу жисмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан бунёд этилади. Акциялар фонд биржаларида муомалада бўлади – бир шахсдан иккинчисига эркин ўтади ва акциядор учун унинг ҳиссаси ҳақидаги ҳужжат ҳисобланади.

Ҳиссадорлик жамияти акционерлар олдидаги мажбурияти, акция учун қўядиган пул миқдори, яъни жамоат капиталига киритилган ҳиссаси билан чекланади.

Ҳиссадорлик жаиятининг низом фонди жамиятнинг номинал қийматини маълум акциялар сонига тақсимланган бўлади ва мазкур фонд ушбу акцияларни сотиши орқали шаклланади.

Ҳиссадорлик жамиятининг акциялари очик ёки обуна бўлиш йўли билан сотилса, қимматбаҳо қоғозлар бозорида қонундан ташқари ҳеч ким томонидан чекланмаса эркин савдо-сотиқ қилинса – очик ҳиссадорлик жамияти деб аталади.

Ҳиссадорлик жамиятлар акцияларининг қимматбаҳо қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият низомига биноан маън этилган ёки чекланган бўлса ва у, фақат номланган(эгаси ёзилган) акциялар чиқарса – ёпиқ ҳиссадорлик жамияти деб аталади.

Тадбиркорлар тузиши мумкин бўлган ташкилий шакллардан яна бири – фирмалардир. Фирма – товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мақсадида иқтисодий ресурсларни ишлатувчи ташкилотдир. Кичик бизнесда фирмалар одатда юқори технологик ишлаб чиқаришни бунёд этиш билан банд. Улар ўзларига хос хўжалик юритиш услубларидан фойдаланадилар.

Корпорация – бу умумий касбий ёки табакавий манфаатлари асосида бирлашган шахслар жамияти, уюшмаси ёки гуруҳидир. Тижорат корпорациялар хиссадорлик жамиятлари каби очик ёки ёпиқ турларга бўлинадилар. Очик корпорацияда қўшимча капитални жалб этиш учун акциялар эркин сотилади. Барча йирик корпорациялар очик бўладилар. Уларда бозор конъюнктураси ўрганилади, ҳаракат стратегияси аниқланади, илмий-техникавий тараққиёт дастурларини амалга ошириш орқали эришилган Фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш амалга оширилади.

Холдинг компанияси – бу мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил хиссадорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида бунёд этилган жамиятдир. Холдингга бирлашган корхоналар, одатда шўъба корхоналар деб аталади. Холдинг ёки холдинг компаниялари ўзларининг шўъба корхоналари акцияларининг назорат пакетларини ўзида жамлаш йўли билан молия капиталини тўплайди. Акциялардан олинadиган дивидентлар уларнинг асосий даромадлари ҳисобланади.

Холдинг компаниялари йирик корхоналарни қайта ташкил қилишда уларнинг таркибий бўлинмаларини мустақил юридик шахс сифатида бунёд этиш йўли билан ҳамда юридик жиҳатдан мустақил корхоналарнинг акция пакетларини бирлаштириш йўли билан ташкил этилиши мумкин. Уларни янги хиссадорлик жамиятлари таъсис этиш йўли билан ҳам ташкил этиш мумкин.

Тадбиркорлар ушбу ташкилий шакллардан ўзларига мақбул бўлганини танлашлари ва фаолият юритишлари мумкин.

Кичик бизнес корхоналарининг инвестицион фаолияти ва унинг самарадорлигини баҳолаш

Иқтисодий ривож ва у орқали мамлакатларнинг тараққий этиши бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида муҳим аҳамият касб этади. Молиявий-иқтисодий инқироз ҳар бир мамлакатда иқтисодий масалаларга бошқача ёндошишни талаб қилмоқда. Ҳар қандай фаолият самара келтириш ва шу фаолият натижасида юзага келадиган маҳсулот ёки хизмат тури истеъмол қийматига эга бўлишини таъминлаши лозим. Шундагина маҳсулотлар ва хизматлар сотилиши мумкин. Сотилмаган маҳсулот ёки хизмат тури корхонадаги иқтисодий фаолиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу вазифанинг бажарилиши бугунги молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини тезроқ бартараф этишга ва ундан муваффақиятли равишда чиқиб кетишга асос бўлади. Айниқса, кичик бизнес корхоналарида фаолиятни такомиллаштириш ва уларни мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшадиган ҳиссасини орттиришга катта таъсир кўрсатади.

Ҳозирги босқичда ҳар қандай давлатнинг тез суръатларда ривожланишини хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб таъминлаб бўлмайди.

Хориж инвестициялари фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшаётган мулкый бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг, шунингдек интеллектуал

мулкга нисбатан ҳуқуқларнинг барча турлари хориж инвестициялари ҳисобланади.

Тадбиркорлик сармоясини чиқариш унинг бошқа мамлакатларда узоқ муддатга чиқариш, савдо, молия объектларига сарфланиши демакдир.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, инвестиция муассасалари юридик шахслар бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади: воситачилик фаолияти: қимматли қоғозларни чиқаришни йулга қўйиш: уларни учинчи шахс фойдасига жойлаштириш юзасидан кафолатлар бериш; инвесторларнинг пул маблағларини жалб қилиш мақсадида акциялар чиқариш ҳамда пулларни турли қимматли қоғозларига қўйиш; қимматли қоғозларни чиқариш ва муомаласи бўйича маслаҳат тариқасидаги хизматлар кўрсатиш.

Молия брокерлари, инвестиция компаниялари, инвестиция бўйича маслаҳатчилар, инвестиция фондлари шулар жумласидандир. Молия брокери юридик шахс бўлиб, мижоз ҳисобидан ва унинг топшириғи билан комиссия шартномаси ёки топшириғи асосида қимматли қоғозлар олди-сотдиси пайтида воситачилик вазифасини бажаради. Бизда одатда уларни брокерлик фирмалари деб юритишади. Улар кўпинча инвестиция бўйича маслаҳатчи вазифасини ҳам бирга кушиб олиб боради.

Инвестиция компанияси юридик шахс бўлиб, қимматбаҳо қоғозлар бозорида мижоз ҳисобига эмас, балки ўзининг ҳисобига ишлайди, яъни молия брокеридан фарқли ўлароқ, у дилер ҳисобланади.

Инвестиция компанияси қимматли қоғозлар чиқаришни ташкил этади, учинчи шахслар фойдаси учун уларни жойлаштириш юзасидан кафолатлар беради, қимматли қоғозларга маблағ қўяди, уз номидан ва ўз ҳисобидан қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси билан шуғулланади, жумладан қимматли қоғозларни котировкалаш йўли билан амалга оширади. Республикада йигирма иккита инвестиция компанияси рўйхатга олинган.

Республикада фонд бозорининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у эндигина шаклланиб келаяпти.

Даслабки босқичда инвестиция компаниясининг асосий вазифаси кейинчалик фонд операцияларини ўтказиш учун мижозлар ва шериклар тармоғини вужудга келтиришдан иборат. Ҳозир ҳам келажакда ҳам асосий инвестиция оқими давлат мулкани хусусийлаштиришга боғлиқ бўлади. Компания хусусийлаштириш хизматлари бозорида фаол ҳаракат қилиши, услубий ёрдамдан тортиб акцияларни бирламчи жойлаштиришнинг эмиссия проспектини тайёрлашгача бўлган бутун бир хизматлар туркумини тақдим этиши зарур. Шунингдек, инвестиция компанияси хусусийлаштираётган корхоналарнинг акцияларини ўз маблағига сотиб олади.

Инвестиция бўйича маслаҳатчи ҳам юридик (консалтинг фирма), ҳам қимматли қоғозлар чиқарилиши ва муомалада бўлиши юзасидан маслаҳат тариқасидаги хизматни тақдим этадиган жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Инвестиция бўйича маслаҳатчилар қуйидаги иш турларини бажарадилар (9-расм):

- қимматли қоғозлар бозорини таҳлил қилиш (аниқ битимларни экспертизалаш, конъюнктурани ўрганиш ва башоратлар);

- ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;
- қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича услубий, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қимматли қоғозлар эмиссиясини тайёрлаш ва ташкилий-услубий таъминлаш;
- қимматли қоғозларни таъминлаш;
- қоғозлар мажмуасини таъминлаш;
- умумий мажмуа стратегиясини ишлаб чиқариш, мажмуа жорий бошқариш юзасидан маслаҳатлар бериш;
- ахборот хизмати кўрсатиш.



9-расм. Инвестиция бўйича маслаҳатчиларнинг бажарадиган иш турлари.

Инвестиция фонди юридик шахс бўлиб, у кўпчилик капитал эгаларининг жамоа инвестицияларини бошқаради. Инвестиция фонди кредит тизими ривожланган молия муассасаларининг жуда муҳим кўринишларидан биридир.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, инвестиция фондларига эҳтиёж шундай пайтларда бўладики, бунда кўпдан-кўп майда маблағларни бир ерга тўплаш имконияти ва зарурияти туғилади.

Инвестиция фонди очик ва ёпиқ турда бўлиши мумкин. Ёпиқ турдаги фондлар ўз акцияларини унинг эгаларидан сотиб олиши мажбур эмас, очик турдаги фондлар эса биринчи талабдаёқ сотиб олади.

Инвестиция фондининг асосий вазифаси кўпчилик инвесторларнинг маблағларини сафарбар қилиш ва уларни фонд номидан хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларига, бошқа қимматли қоғозлар ва омонатларга жойлаштиришдан иборат.

Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб этиш йўли билан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонуний-ҳуқуқий асослари яратилган.

Шунингдек бир қатор фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра, республикада чет эл инвесторларининг фаолияти учун қулай ҳуқуқий шароитлар яратилди, республикада ишлаб топилган фойдани чет эл валютасига алмаштириш ва хорижга ўтказишни асослаштириш бўйича валютани тартибга солиш тўғрисида, ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштириш, ажнабий фуқароларнинг уй-жой фонди, объектларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга мулк қилиб олиш имкониятларини яхшилаш, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда меҳмонхона ва сайёҳлик бизнеси соҳаларида эркин иқтисодий ҳудудлар барпо этиш амалда жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислохотларни ўтказиш бориб, халқаро меҳнат тақсимоти қулайликларидан кўпроқ фойдаланишга интилоқда, ажнабий тадбиркорлар учун қулай инвестиция муҳитини яратмоқда.

Мамлакат учун чет эл инвестицияларини жалб этишнинг устивор соҳаларига қуйидагилар киради:

- агросаноат мажмуасини ривожлантириш, бу эса пировардида аҳолини меъёрадаги турмуш фаолиятини таъминлаш имкониятларини яратади;

- саноатнинг устивор соҳаларини, ёқилғи-энергетика мажмуини жадал ривожлантириш, халқ хўжалигининг илм-фан талаб тармоқларида ишлаб турган қувватларни янгилаш ва янгиларини барпо этиш, республиканинг импортга қарамлилигини камайтириш;

- экспорт салоҳиятини кучайтириш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кўтариш, экспортда машинасозлик техника маҳсулотлари, тайёр маҳсулотлар ҳиссасини ва ҳажмини кўпайтириш;

- кичик тадбиркорликни ривожлантириш, қадимги хунарманд ва анъанавий хунармандчиликни тиклаш.

Суғурта тизими – иқтисодиётнинг алоҳида муҳим тармоғидир. Ўзбекистоннинг суғурта бозорида 60 га яқин давлат ва хусусий суғурта компаниялари бор.

Ўзбекистонда учта компания машҳур бўлди. Булар Ўзбекистон Республикасининг давлат суғуртаси Бош бошқармаси; “Ўзбектинвест” миллий суғурта компанияси ҳамда “Мадад” агентлиги акциядорлик жамиятидир.

Кичик бизнес корхоналари ўз фаолиятларини, айниқса инвестицион фаолиятларини суғурта компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширадилар. Шу билан биргаликда кичик бизнес субъектлари ўзларининг инвестицион фаолиятлари учун кредитлаш тизими кредитларидан ҳам фойдаланадилар.

Кредитлаш деганда банклар томонидан бериладиган кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган тадбирлар тушунилади.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан Германия, Буюк Британия, Бельгия каби давлатларда кредитлаш тушунчаси камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Банк маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирлар ҳам молиялаштириш деб аталади.

Бизнинг республикамизда молиялаштириш деганда қайтариб олинмаслик шarti билан маблағлар бериш тушунилади. Масалан, давлат бюджетидан бериладиган субсидияларни молиялаштириш деб аташ мумкин.

Бизда кредитлаштириш ва молиялаштириш тушунчаларининг ўртасида катъий чегара мавжуд.

Ўзбекистонда кичик бизнесни кредитлашнинг ўзига хос томонлари бор. Бундай гуруҳ корхоналарини кредитлашнинг жаҳонда қабул қилинган анъанавий молиялаш манбаларидан ташқари Ўзбекистон Республикасида махсус кредитлаш манбалари мавжуд.

Хукумат қарорига мувофиқ хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш махсус Республика фонди Бизнес фонд ташкил қилинган.

У жалб қиладиган маблағлар Узтадбиркорбанк орқали жамғарилади ва қуйидаги асосий вазифаларни бажариш учун қайтариш шarti билан кредитлар кўринишида ажратилади (10-расм):

- лойиҳани имтиёзли кредитлаш йўли билан хусусий тадбиркорликка ва кичик бизнесга молиявий ёрдам кўрсатиш;


- Республика ҳудудларида хусусий тадбиркорликка ва кичик бизнесни кенг инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес сармоя корхоналарини амалга ошириш учун турли кредит муассасаларидан сармояни жалб қилиш учун талаб қилинадиган кафолатлар, мажбуриятлар, кафилликлар бериш;

- лойиҳаларнинг халқаро андозаларига мос келадиган техник- иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга “Грант” тузиш ва бериш ҳамда уларни амалга ошириш билан боғлиқ суғурта полисини қоплаш;

- хорижий жиҳозлар лизингини ташкил этиш асосида хусусий тадбиркорликка ва кичик бизнесга технологик кўмак кўрсатиш.

Бизнес фонднинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун унга бюджетдан ҳар йили хусусийлаштиришдан тушадиган ҳамма сумманинг 50 фоиз миқдоридаги маблағ ажратилган.



10-расм. Республика Бизнес фонд маблағларининг кичик бизнесда ишлатиш кўламлари

Фонднинг ҳосил қилинган молия салоҳияти сармоялар бозорида кичик бизнесга бериладиган маблағ етишмовчилигини ҳал қилишга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларини амалга ошириш учун маблағ муаммосини ҳал қилиш йўлида ана шу манбалардан фойдаланилади. Инвестицияларни киритган кичик бизнес субъекти бу инвестициялардан самарали равишда фойдаланиши ва ҳар бир сумидан оладиган фойдани орттиришга ҳаракат қилиши лозим.

Акс ҳолда молиявий-иқтисодий инқироз таъсирига тушиб қолиб, банкрот бўлиши мумкин.


Бизнесга молиявий ёрдам кўрсатувчи инфратаркибий тузилмаларга банклар, биржалар, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари киради.

Ҳозирги замон банкнинг муваффақиятли ишлаши тақдим этилаётган молия хизматининг жамоат талаб эҳтиёжига қанчалик мувофиқ келишига ёки бошқа банклар кўрсатаётган бир хил ва айнан ўша хизмат учун нархлар бирдек бўлган шароитда бир банкнинг бошқасига нисбатан нақадар рақобатбардошлиги, яъни нархга нисбатан уларнинг қанчалик сифатли ва рақобатга бардошли бўлишига боғлиқ. Кўпчилик банклар иқтисодиётда етарли даражада чекланган вазифа - депозитларига, омонатларни қабул қилиш ва кредитлар беришни бажаради, холос деб ўйлайди. Ҳар қандай замонавий банк ўзининг рақобатга бардошлигини сақлаб қолиш ҳамда айти пайтда ҳокимиятнинг молия хизматларига бўлган турли-туман ва тобора ўсиб боровчи эҳтиёжларга мос ҳолда иш кўриши учун янги вазифаларни ўзлаштириши лозим.

Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг асосий унсурларидан бири фонд биржасидир. У стандарт молиявий воситалари (акциялар,

облигациялар, векселлар, сертификатлар ва хоказолар) билан савдо қилиш учун уюшган бозор бўлиб, уни қимматли қоғозлар бозорини малакали қатнашчилари ўзаро улгуржи операциялар ўтказиш учун ташкил этган.

Фонд биржасининг вазифаси билан боғлиқ тузилиши унинг фаолияти асосини ташкил этадиган қоидалар билан белгиланади (11-расм):



11-расм. Фонд биржаларининг вазифалари.

- а) доимий ҳаракатдаги бозорни вужудга келтириш;
- б) нархни аниқлаш;
- в) молия воситалари, уларнинг нархлари ва муомала шартлари ҳақида ахборот тарқатиш;
- г) молия воситачиларининг маҳоратларини қўллаб-қувватлаш;
- д) савдо қоидаларини ишлаб чиқиш.

Биржанинг ўзи ҳеч нарса сотмайди ва сотиб олмайди, балки бундай улгуржи савдо ўтказиш учун қоидалар ишлаб чиқади ҳамда шарт-шароит яратиб беради.

Контрактли жамғарма туридаги молия муасссалари ўзлари ва мижозлар ўртасида тузилган узоқ муддатли шартномаларга мувофиқ маблағларни турли бадаллар асосида жалб қилади. Бундай муассасаларга турли-туман суғурта компаниялари ва ҳар хил пенсия фондлари киради. Мазкур компаниялар жалб қилинган маблағларни гаровлик кредитларга, корпорацияларнинг акциялари ва облигацияларига, шунингдек хазина мажбуриятларига жойлайди. Мулкни суғурталаш компанияси бир қадар ликвидли активлар таркибига эга бўлиши мумкин.

Суғурталашда одатда икки томон иштирок этади, бири суғурта ташкилоти бўлиб, суғурталаш шартларини ишлаб чиқади, уни суғурталовчи деб

аталади. Иккинчиси юридик ёки жисмоний шахслар, уларни суғурта қилувчи деб юритилади, бошқачасига мижозлар дейиш мумкин. Бундай шахслар ўзларининг ёки учинчи томоннинг манфаатларини суғурталайдилар, ана шу мақсадлар учун суғурта мукофотлари (тўловлар, бадаллар) тўлайди. Суғурталашнинг энг кўп тарқалган тизимларидан бири мулкнинг ҳақиқий қиймати бўйича суғурталаш бўлиб, у шартнома тузилаётган кундаги мулкнинг ҳақиқий қиймати сифатида аниқланади.

Инвестиция фондлари кредит тизимлари ривожланган молия муассасаларининг жуда муҳим кўринишларидар биридир.

Инвестиция фондининг асосий фаолияти ўз акцияларини чиқариш ҳамда шу тариқа жалб қилинган маблағларни бошқа қимматли қоғозларга шундай қўйишдан иборатки, натижада даромад фоиз ва қоғозларнинг курс қиймати ошиши баробарида келадиган бўлсин, одатда амалиётда инвестиция фондлари кўпдан- кўп кичик инвесторларнинг маблағларини қабул қилади ва уларни бирлаштириб бу акцияларнинг йирик мажмуасига сарф этади. Шу тариқа инвестиция фондлари ўз акциядорларининг инвестиция соҳасидаги таваккалчилиги хавф-хатарини ниҳоятда камайтиради.

Республика миллий иқтисодиёти тармоқлари корхоналарни кредитлашнинг энг муҳим манбаларидан бири- хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлардир. Ўзбекистон хусусийлаштиришдан тушган барча маблағни давлат бюджетига эмас, балки хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб- қувватлашга ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантиришига йўналтирган дунёдаги камдан-кам давлатлардан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг биринчи хусусияти шундаки, маблағларни давлат тасарруфидан чиқариш ҳисобига ҳосил бўлади ва Давлат Мулки қўмитаси махсус ҳисоб варағида жамғарилади.

Иккинчи хусусияти шундан иборатки, Республика Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда кредитдан фойдаланишнинг имтиёзли сурилувчи фоиз ставкалари белгиланади. Фоиз ставкаси миқдорининг ўзгариши ҳар чоракда юз беради, лекин у ҳар доим республика ўртача банк фоиз ставкасидан паст бўлади. Шундай қилиб, мулкчилик шаклини нодавлат мулкчилик шаклига ўзгартирган корхона янги шаклида фаолият кўрсатишнинг биринчи кунидеъ ўз бизнес дастурларини амалга ошириш учун давлат корхоналаридагига нисбатан фойдалирок шартларда маблағ олиш имконига эга бўлади. Шуниси муҳимки, бу ҳолда лойиҳаларни кредитлаш ҳақидаги қарор фармойиш бериш, юқоридан кўрсатиш йўли билан эмас, балки қатъий иқтисодий ҳисоблар асосида қабул қилинади.

Бундай ҳолларда қарорни расмийлаштириш учун Давлат мулки қўмитасига қуйидагиларни топшириш талаб қилинади:

1. Хат - қарз олинadиган корхона кирадиган хўжалик ташкилотининг тавсияномаси.
2. Корхонанинг кредит олиш тўғрисидаги аризаси
3. Лойиҳа (дастурнинг)нинг бизнес режаси ёки техник иқтисодий асоси; унда қуйидагилар акс эттириш талаб қилинади:

- ишлаб чиқаришга тавсия қилинаётган товар (хизмат) лар, ишлаб чиқариш хажми, рақобатбардошлик;
- бозорни баҳолаш (мавжуд аҳвол, сотиш, рақобат);
- таваккалчиларни баҳолаш ва суғурта;
- молиявий режа ва молиялаш стратегияси; (ўз маблағи ва қарз олинган маблағлар ҳисобидан);
- лойиҳани амалга оширишнинг тармоқ ёки календарь режаси;
- мавжуд ва зарур миқдордаги қувват ҳамда ресурслар (ишлаб чиқариш майдонлари, технологиялар, ускуналар, хом ашё ва материаллар, коммуникация ва хоказолар);
- қарз маблағларидан фойдаланишнинг молиявий натижалари ва кредитни узиш тартиби;
- лойиҳанинг экологик хавфсизлиги.

4. Корхонани рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида қарор, устав ва Давлат мулки қўмитасининг мулкӣ эгалик ҳақидаги ордери нусхалари

5. Хизмат кўрсатадиган банкнинг қарз суралаётган пайтида қарз сураётган корхонанинг кредиторлик қарзи бор-йўклиги ҳақидаги маълумотномаси

6. Қарзнинг қайтарилишини таъминлаш кафолати (суғурта компанияси ёхуд вакил қилинган банкнинг гаров ёки кафолат ҳақидаги шартномаси).

7. Корхонанинг охириги ҳисобот даври (кредит сураб мурожаат қилишдан олдинги чорак) учун баланс нусхаси.

8. Бажариладиган лойиҳанинг бизнес-режаси.

Кичик бизнес корхоналари инвестицион фаолиятини амалга ошириш учун ушбу йўналишлардан бири бўйича маблағларни топади ва уларни ўз фаолиятини такомиллаштириш йўлида ишлатади. Инвестицион фаолият ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маълум муаммоларга дуч келмоқда. Сарфланадиган инвестициялар ҳажми камаймоқда. Бундай шароитда кичик бизнес корхоналари қандай йўл тутишлари мумкин. Инвестицион фаолиятни самарали равишда ташкил этиш йўналишларини ишлаб чиқишдан олдин молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кичик бизнес корхоналарининг фаолиятини ва уларда инвестициялардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиб чиқиш лозим бўлади.

Молиявий-иқтисодий инқироз ва кичик бизнес фаолияти

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини камраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг

нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

Шунга кўра, Президентимиз ўз асарларини бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқироzi, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллариини излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар.

«Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»⁷.

Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидаги янги молиявий «махсулот» ҳисобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзуллик ҳолатлари эҳтимоллигини оширди.

АҚШ иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арзон кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал захира тизими (ФЗТ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. Кредитларнинг қимматлашуви аҳолини ипотекага нисбатан талабининг

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг қисқаришига олиб келди. Бошқа томондан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия ресурслари нархларининг ўсиши аҳолининг кредитни қайтариш бўйича молиявий имкониятларининг чекланишига олиб келди. 2000-2007 йиллар мобайнида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўртача икки баробарга ошди, бензин нархи эса 3,5 баробарга ошди. Нефть нархи рекорд даражада, яъни бир баррели 147 доллардан ортди.

Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Британиянинг нуфузли газеталаридан бири бўлган «Гардиан» жаҳон молиявий инқирозининг асосий айбдорлари рўйхатини эълон қилди. Мазкур рўйхатнинг олдинги ўринларида АҚШнинг таниқли сиёсатчилари ўрин олган бўлиб, унда инқироз фақатгина иқтисодиёт ривожланишининг навбатдаги ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Аксарият молиячи-иқтисодчилар вужудга келган молиявий инқирознинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсатининг «меваи» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ҳам изоҳламоқдалар.

Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Пул муомаласи қонунларидан маълумки, иқтисодиёт соғлом ва барқарор амал қилиши учун муомаллага чиқарилаётган пул массаси билан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида муайян нисбатга амал қилиниши лозим. Бироқ, миллий иқтисодиётларнинг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнлари пул муомаласининг амал қилишига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, дастлаб айрим мамлакатлар, масалан АҚШда, кейинчалик кўплаб мамлакатларда мазкур қонунга риоя қилишнинг заифлашувига, кейин эса уни умуман эътиборга олмасликка қадар олиб келди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларига қадар амал қилиб келган жаҳон валюта тизимлари пулларнинг олтин ёки товар мазмунини таъминлаш орқали иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигига замин яратди. Бироқ, жаҳон амалиётида 1976 йилдан бошқариладиган, сузиб юривчи валюта тизимига ўтгач, пулнинг олтин мазмуни йўқолиб, асосан АҚШ доллари етакчи валютага айлангач, унинг муомаллага чиқарилишини назорат қилиб бўлмай қолди. Кейинги йилларда глобаллашув жараёнининг жадаллашуви таъсирида халқаро иқтисодий алоқаларда қатъий валютага бўлган талабнинг янада кучайиши АҚШ томонидан ҳеч қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомаллага чиқарилиш жараёнини янада

тезлатиб юборди. Маълумотларга кўра, муомаладаги пул массаси (нақд, кредит пуллар ва турли тўлов воситалари)нинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажмидан деярли 10 баравар, агар пулнинг айланиш тезлигини ҳам ҳисобга олинса, муомала учун зарур бўлган пул миқдоридан, яъни пулга бўлган талабдан бир неча ўн баравар кўпайиб кетганлигини англатади.

Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабабларидан ҳисобланади:

- норационал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;

- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;

- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;

- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;

- молиявий рағбатлантириш услуби сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;

юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо.

Шу ўринда жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қандай бўлади, деган савол барча юртдошларимизни қизиқтириши табиийдир. Бу борада Президентимизнинг «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»⁸ деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда, бошқа МДХ мамлакатлари сингари, давлат ва жамият қурилишининг қандай тамойиллари ва усулларига асосланиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётини белгилашда қайси йўлдан бориш масаласи кўндаланг турар эди.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини кўяр эканмиз, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий

⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик»⁹.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб етакчи олим ва мутахассисларимиз томонидан иқтисодиётимизда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирини пасайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига инқироз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграциялашмаганлиги, мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капитални ушлаб турувчи компания ва молиявий институтларнинг йўқлиги, хусусийлаштириш механизми ва шарт-шароитлари натижасида деярли барча устав фондларининг корхоналарнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги каби ҳолатлар асосида инқирознинг салбий таъсири у қадар катта бўлмаслиги мумкин. Аксинча, ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўллари қидирадилар. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;
- давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;
- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг

⁹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.

барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;


- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Шундай бўлсада, мамлакатимизда молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини камайтириш ва оқибатларини йўқотиш мақсадида махсус дастур тузилган бўлиб бу дастурда муҳим йўналишлар белгиланган. Ушбу асосий йўналишлар ичида кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар учун турли имтиёзларни юзага келтириш ҳам белгиланган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айти пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.




12-расм. Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, минг бирлик

Натижада 2008 йили фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 400 мингтани ташкил этди, бу мазкур кўрсаткичнинг сўнгги олти йил мобайнида 1,9 баробар кўпайганлигини билдиради (12-расм).

Фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектларининг салмоғи 1,7 фоизга, шу жумладан саноатда – 1,3 фоизга, қурилишда – 3,4 фоизга, транспортда – 22,2

фоизга ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 9 фоизга ошди. Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари улуши 8,6 фоизни ташкил этди. Ўз ўрнида айтиш керакки, бу айрим ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан анча паст.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди (13-расм). Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани айниқса эътиборлидир.



13-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида ўтган 2008 йилда 37 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингга яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, таркибий ўзгартирилаётган монополист-корхоналарнинг фойданилмаётган қувватларида 130 та турли мулкчилик шаклларига асосланган янги кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 7,5 мингга яқин иш ўринлари яратилди. 83 та банкрот корхоналар негизда 92 янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 9,8 мингга иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида – 374 мингга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингга, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Иқтисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди.

Умуман олганда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик соҳаларини барқарор ривожлантириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилиб, улар пировардида аҳоли турмуш даражасининг юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Мамлакатимизда мустақилликка эришилганидан сўнг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида республикамизнинг шу мақсадга қаратилган қатор қонунлари, Президентимиз Фармон ва қарорлари қабул қилинди ҳамда турмушимизга татбиқ этилди. Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусан бу йўлдаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашё ва материалларни очик биржа савдоларида сотишни ташкил этиш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш жараёнини енгиллаштириш, ноқонуний текширишларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари ушбу ҳужжатларда ўзининг ҳуқуқий ечимини топди.

Президентимиз И.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Зотан, маърузада таъкидланганидек, республикамизда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 2008 йилда қарийб 400 мингтани ташкил этди. Ўз навбатида улар ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган 2008 йили салкам 22 фоизга ўсди. Натижада кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга ошди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айна шу соҳада меҳнат қилаётгани унинг салоҳиятидан дарак беради.

Маърузада, шунингдек, 2009 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасининг оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини янада жадал ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолиши таъкидланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай муҳит яратиш мақсадида, жумладан, имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш белгиланганлиги, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга узайтирилганлиги, саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилганлиги, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилганлиги 2009 йилда мамлакатимизда ушбу соҳа равнақини таъминлайди.

Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, Наманган шаҳрида ҳам амалга оширилиши зарур бўлган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, шаҳарда 2008 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 17 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 22,4 фоизга ўсди.

Шаҳардаги саноат корхоналарига жами 10 миллион 376 минг АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестицияси киритилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан 2008 йилда 20,2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

«Водий танҳо сервис», «Нампромлизинг», «Наманган шарбати», «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамиятлари, «Гранд текстил сервис» хусусий корхонаси сингари бир қатор кичик бизнес субъектлари томонидан 1,2 миллиард сўм, шунингдек, «Версал», «Туркистон», «Наманган» меҳмонхоналарига ҳам 2 миллиард сўмга яқин инвестиция маблағлари жалб қилинди. Ушбу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологияларни ўрнатиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ҳамда 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилишига омил бўлди.

Бундай ишлар кўламини 2009 йилда ҳам янада кенгайтириш назарда тутилган. Чунончи, арзон ва сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган «Турбо пласт» хусусий корхонаси жорий йилда 100 миллион сўмлик янги ишлаб чиқариш линиясини ўрнатиш ва шунинг ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмини 2,2 миллиард сўмга ошириш, 30 га яқин янги иш ўринлари яратишни режалаштирган. «Афрўз-Камол-Наби», «Нампром лизинг» МЖЧ шаклидаги корхоналарда ҳам хорижий инвестицияларни киритиш ҳисобига янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қўшимча иш ўринлари очиш чоралари кўриляётир.

Шуниси диққатга сазоворки, ялпи ҳудудий маҳсулот яратишда кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси йилда-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, Наманган шаҳрида якунланган 2008 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда уларнинг ҳисси 32,1 фоизни, қурилишда 71,4 фоизни, савдода 44,5 фоизни, пуллик хизмат кўрсатишда 78,9 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантиришда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига ҳам аҳамият берилаяпти. Жумладан, бугунги кунда «Дамбоғ» ва «Истиқлол» хусусий корхоналарида тайёрланаётган пойафзаллар бежирим ва сифатли бўлгани учун нафақат шаҳар, балки республикамизнинг бошқа вилоятлари аҳолиси томонидан ҳам харид қилинмоқда. Бу кичик корхоналар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириб, иш ўринлари сонини 2 баробарга кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. «Гранд-текстиль», «Люкс плюс сервис», «Асадбек» кичик корхоналарида тикилаётган устки кийимлар эса сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига тўла жавоб бераётганлиги учун хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Шаҳарда иш билан банд бўлган аҳолининг 67,2 фоизи Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган 3800 та тадбиркорлик субъектининг ҳар бири 2 тадан иш ўрни яратса, иш билан банд бўлган аҳоли сони 7600 тага кўпаяди. Бундан ташқари,

касаначилиқ йўли билан 5000 дан ортиқ иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, 234 нафар оилага Бандликка кўмаклашиш маркази кредити ҳамда ҳомийлар маблағи ҳисобидан қорамол олиб бериш ва шу йўл билан фуқароларни иш билан таъминлаш чоралари белгиланган.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, шу жумладан, хизмат кўрсатиш, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг замонавий даражаси ва масалалари

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш бугунги кунда ўта муҳим вазифаларни иқтисодиёт олдида қўймоқда. Айниқса, ҳозирги вақтдаги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бу вазифаларни ҳал қилиш янада долзарблик хусусиятини олади. Ушбу вазифаларни ҳал қилишни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали амалга ошириш зарурлиги кўп марта таъкидланди.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал қилиши белгиланган:

- ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш ва бундаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш.
- бандликни ва аҳоли даромадларининг муҳим манбаи бўлиши.
- кичик мулкдорлар синфини шакллантириш.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал суръатлар билан ривожланиб келмоқда. иқтисодиёт ривожига ва ислохотларнинг биринчи босқичида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти асосан савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат соҳаларида жадал ривожланди. Чунки, кичик хусусийлаштириш 1994 йилдаёқ тугалланди ва маълум натижаларни бера бошлади. Биринчи босқичда хусусийлаштириш механизмнинг ўзи такомиллашиб борди. Ўрта ва йирик давлат корхоналари негизида очик турдаги акциядорлик жамиятлари шаклланиш схемаси ишлаб чиқилди.

Ислохотларнинг биринчи босқичида кичик бизнес ҳам ривожланиб борди. Кейинги йилларда кичик корхоналарнинг сони деярли икки бараварга кўпайди. Хусусий секторни ривожлантиришга ёрдам бериш юзасидан кўрилаётган чоралар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони кўпайиб борди.

Кейинги йилларда, яъни 1999-2008 йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик, айниқса, жадал суръатларда ривожланди, иқтисодиётнинг

ривожланиш суръатига суръат кўшди, ресурс асосларини кенгайтирди, ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлади, аҳолининг бандлик даражасини оширишга олиб борди. Бугунги кунда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг ҳар иккисидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритмоқда. Тадбиркорлик иқтисодиётнинг нодавлат секторини ҳаракатлантирувчи кучдир. Шу сабабли давлатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта аҳамият берилмоқда.

Наманган вилоятининг иқтисодиёт тармоқлари ҳам 2008 йил давомида муваффақиятли равишда фаолият кўрсатдилар. Умуман айтганда, 2008 йилда вилоят аҳолисининг фидокорона меҳнати эвазига бир қатор ижобий натижаларга эришилди, хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари 112,3 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогнозга нисбатан 3,4 фоизга ортди (прогноз 108,9%), саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15,2 фоизга, инвестицияларни ўзлаштириш 18,9 фоизга, чакана савдо айланмаси 16,8 фоизга ва хизмат кўрсатиш ҳажми 20,8 фоизга ўсди.

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф қилиш мақсадида республикамизда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш, янги иш ўринлари барпо қилиш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Наманган вилоятида ҳам ўтган йили касаначилар томонидан 1,1 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Натижада корхоналарда касаначилик иш ўринлари яратиш эвазига 68,3 млн.сўм тежаб қолинди (2-жадвал).

2-жадвалда Наманган вилоятида 2008 йил давомида яратилган касаначилик иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. 2008 йил давомида вилоятда ҳаммаси бўлиб 9403 та касаначилик иш ўринлари яратилган бўлиб, шундан 3168 таси кичик бизнес субъектларида яратилган. Ёки кичик бизнес субъектларида жами яратилган иш ўринларининг салкам 35 фоизи тўғри келади.

Шу билан бирга, Наманган шаҳри, Норин, ва Янгиқўрғон туманлари ҳокимликлари томонидан касаначиликни ривожлантириш борасида етарли иш олиб борилмаяпти. Наманган шаҳридаги “Наманганмаш”, “Наманган мебел”, Норин туманидаги “Норин тола”, Янгиқўрғон туманидаги “Яннамтекстил” корхоналарида касаначилик иш жойлари сонини камида икки баробарга ошириш имконияти ишга солинмасдан қолган.

Наманган вилоятида 2008 йилда яратилган касаначилик иш ўринлари

№	Шаҳар ва туманлар	шундан								
		Йирик саноат корхоналарида			Бошқа корхоналарда			Кичик корхоналарда		
		режа	амалда	%	режа	амалда	%	режа	амалда	%
1	Наманган шаҳри	1175	1175	100,0	1355	1418	104,6	1340	1411	105,3
2	Мингбулоқ т	90	90	100,0	145	145	100,0	130	130	100,0
3	Косонсой т	225	230	102,2	272	273	100,4	95	133	140,0
4	Наманган т	150	150	100,0	215	219	101,9	170	170	100,0
5	Норин т	90	90	100,0	163	166	101,8	120	124	103,3
6	Поп т	210	210	100,0	247	247	100,0	95	99	104,2
7	Турақўрғон т	160	160	100,0	170	188	110,6	259	281	108,5
8	Уйчи т	115	115	100,0	266	297	111,7	116	135	116,4
9	Учқўрғон т	150	162	108,0	225	225	100,0	95	102	107,4
10	Чортоқ т	84	84	100,0	126	127	100,8	160	161	100,6
11	Чуст т	50	50	100,0	277	283	102,2	305	305	100,0
12	Янгиқўрғон т	0	0	0,0	106	134	126,4	113	117	103,5
	Вилоят бўйича	2499	2516	100,7	3567	3722	104,3	2998	3168	105,7

Изоҳ: Жадвал Наманган вилояти Статистика Бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Наманган шаҳрининг 2008 йил бўйича кўрсаткичлари

	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш		Халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш		Қурилиш монтаж ишлари		Чакана савдо айланмаси		Пуллик хизмат кўрсатиш		Маиший хизмат кўрсатиш		Ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ доллари)		шундан			
															Экспорт (минг АҚШ доллари)		Импорт (минг АҚШ доллари)	
	хажм	%	хажм	%	хажм	%	хажм	%	хажм	%	хажм	%	хажм	%	хажм	%	хажм	%
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
Жами	177821,7	117,0	163895, 3	122,4	44732,3	100,9	372122,6	115, 6	139764,5	127, 1	33463,8	148,8	36178,2	109,2	10963,1	88,1	25215, 1	121 ,9
шундан																		
Йирик корхоналар	117954,6	106,4	111204, 1	118,8	12779,7	56,7	40020,9	169, 0	29432,4	101, 2	455,2	170,9	23845,1	114,5	7595,4	85,8	16249, 7	135 ,8
Кичик корхона ва микрофирмалар	20944,4	172,8	18313,2	161,1	23934,5	151,1	67702,3	169, 5	26933,9	115, 9	405,6	53,3	12333,1	100,3	3367,7	94,0	8965,4	102 ,9
Якка тартибдаги меҳнат фаолияти	26142,3	127,8	20618,2	112,4	3731,6	146,0	102791,8	106, 2	83398,2	136, 2	32603,0	148,7	х	х	х	х	х	х

Изоҳ: Жадвал Наманган вилояти Статистика Бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

3-жадвалда Наманган шаҳри бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича маълумотлар таҳлил қилинган. 2008 йилда ҳаммаси бўлиб 177821,7 млн.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 20944,4 млн.сўмлик маҳсулотлар кичик корхона ва микрофирмаларда ишлаб чиқарилган ёки ўтган 2007 йилга нисбатан 172,8 фоизга ўсган. Наманган шаҳрининг иашқи савдо айланмаси 36178,2 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 12333,1 минг АҚШ доллари ёки 34 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келади. Кичик корхона ва микрофирмаларда 18313,2 млн. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Ушбу корхоналарнинг чакана савдо айланмаси 67702,3 млн.сўмни ташкил этди ёки ўтган 2007 йилга қараганда 169,5 фоизга ўсди, пуллик хизмат кўрсатиш 115,9 фоизга ва қурилиш-монтаж ишлари 151,1 фоизга ўсишига эришилди.

4-жадвал

Наманган вилояти ва шаҳрида 2008 йилда иқтисодиёт асосий тармоқларида эришилган ўсиш суръатлари таҳлили

№	Курсаткичлар	2008 йил		Фарқи, (абсолют)
		вилоят бўйича	шаҳар бўйича	
1.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	115,2	117,0	1,8
2.	Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	116,3	122,4	6,1
3.	Чакана савдо айланмаси	116,8	115,6	-1,2
4.	Пуллик хизмат кўрсатиш	126,1	127,1	1,0
5.	Маиший хизмат кўрсатиш	141,9	148,8	6,9
6.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар	118,9	118,8	-0,1
7.	Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти	106,0	108,4	2,4
8.	Қурилиш пудрат ишлари	116,4	100,9	-15,5
9.	Ташқи савдо айланмаси	104,4	109,2	4,8
10.	Экспорт	80,2	88,1	7,9
11.	Импорт	153,9	121,9	-32,0

Изоҳ: Жадвал Наманган вилояти Статистика Бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Наманган вилояти ва шаҳрида 2008 йиллар давомида ижобий ўзгаришлар амалга ошди (4-жадвал). Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 15,2 фоизга, Наманган шаҳрида эса 17 фоизга ортди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса Наманган вилоятида 116,3 фоизни ташкил этган бўлса, Наманган шаҳрида 122,4 фоизни ташкил этди. Вилоятда чакана савдо айланмаси 116,8 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 126,1 фоизга, маиший хизмат кўрсатиш 141,9 фоизга ортиши ижибий натижалардир. Шу билан биргаликда ташкил савдо айланмасида кмчиликларга йўл қўйилди. Вилоят бўйича экспорт ҳажми ўтган 2007 йилдаги даражанинг 80,2 фоизини ташкил этди.

Вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотидаги юқори улуши бўлган (69,7%) кичик бизнес соҳасида қатор камчиликларга йўл қўйилди. Кичик бизнеснинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2009 йил бошида 69,7 фоизни ташкил этди.

2008 йилда кичик бизнес субъектлари 2007 йилга нисбатан 977 тага кам ташкил этилди.

Жорий йил бошида фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектлари сони 3617 тани ташкил этгани ёки ўтган йилга нисбатан деярли олтимиш фоизга, яъни барча туманларда кўпайиб кетишига йўл қўйилгани жуда ташвишли ҳолдир. Хусусан, Янгиқўрғон туманида фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектлари сони 3,4 баробарга (86 тадан 294 тага), Попда - 3 баробарга (85 тадан 260 тага), Норинда - 2,2 баробарга (59 тадан 130 тага), Тўрақўрғонда - 2 баробарга (151 тадан 303 тага) ортиб кетди. Кичик бизнесни ривожлантириш Президентимиз томонидан қўйилган энг устувор вазифалардан бўлибгина қолмай, дотацияни камайтириш ва халқаро молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишнинг асосий чораларидан бири эканлигини ҳисобга олсак, аҳволни тезда ўнглаш зарурлиги аниқ бўлади.

Бунинг натижасида вилоятда аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш жойларини кўпайтириш борасида мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаган.

Меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи ва унга талаб ўртасидаги номувофиқлик сақланиб қолмоқда. Янгиқўрғон, Мингбулоқ ва Уйчи туманларида ишсизлик даражаси анча юқори бўлишига қарамасдан (иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 6 фоиздан юқори), ушбу туман ҳокимликларининг иш жойларини кўпайтириш, жумладан хорижий инвестициялар жалб этган ҳолда ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали кичик корхоналарни ташкил этиш борасидаги ишларининг самараси паст.

Соҳалар бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, тадбиркорлик субъектларининг саноат соҳасидаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Норин (-0,8 фоизга), Поп (-0,5 фоизга), Тўрақўрғон (-1,4 фоизга) Учқўрғон (-0,2 фоизга) туманларида камайган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривождаги тўсиқлар ва муаммолар

Наманган вилояти иқтисодиётининг 2009 йилга мўнжалланган устувор йўналишларининг яна бир муҳими –хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантиришдир.

Президентимиз айтганларидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда.

2009 йилда иқтисодиёт олдида турган асосий вазифалардан бири кичик бизнес субъектларини, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини ошириш ва ушбу соҳада янги иш ўринларини яратишдан иборат бўлиши керак.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож масалалари билан барча ташкилотлар шуғулланиши лозим. Айниқса, Савдо-саноат палатаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, Адлия бошқармалари бу соҳани ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш борасида қатъий иш ташкил этишлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «2010 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида хизматлар ва сервисни ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-640-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2-июндаги 112-сонли қарорлари Наманган шаҳрида 2008 йил давомида ортиғи билан бажаришга эришилди.

Шаҳарда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастури асосида йил давомида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 139,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 127,1 фоизга кўпайди.

Дастурга асосан ҳисобот даврида 29 та савдо ва маиший хизмат шохобчаларини ташкил этиш белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 208 та ёки режа 7 баробар ортиғи билан бажарилди.

Жумладан, 106 та чакана савдо, 102 та маиший хизмат (5 та кийим тикиш устахонаси, 9 та пойабзал таъмирлаш, 9 та сартарошхона, 22 та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, 13 та умумий овқатланиш шаҳобчалари, 44 та хар хил маиший хизмат кўрсатиш) ташкил этилиб фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳудудий Дастури мақсадли кўрсаткичларида жами хизматлар ўтган йилга нисбатан 118,6 фоизга ёки прогноз кўрсаткич (120 фоиз) дан 1,4 пунктга кам бажарилди.

Жумладан,

- савдо хизматлари ўсиш суръати прогноздаги 122,5 фоиз ўрнига 124,8 фоизга,

- транспорт хизматлари ўсиш суръати прогноздаги 119,5 фоиз ўрнига 134,5 фоизга,
- алоқа ва ахборот хизматлари ўсиш суръати прогноздаги 128,5 фоиз ўрнига 150,3 фоизга,
- меҳмонхона хизматлари ўсиш суръати прогноздаги 123,5 фоиз ўрнига 402,4 фоизга,
- автомобилларни таъмирлаш хизматлари ўсиш суръати прогноздаги 120,5 фоиз ўрнига 129,8 фоизга,
- молия ва банк хизматлари ўсиш суръати 106,5 фоиз ўрнига 126,6 фоизга,
- коммунал хизматлар ўсиш суръати 104,8 фоиз ўрнига 94,8 фоизга,
- бошқа хизматлар ҳам топшириқда белгиланган 125,5 ўрнига 105,1 фоизга бажарилди.

Вилоятдаги энг йирик тадбиркорлик субъектларидаги фаолиятни таҳлил қиламиз.

- «Аснамтекстил» Ўзбек-Турк қўшма корхонаси асосан 2008 йилнинг 1-чорагида фаолият кўрсатиб 2,4 млрд.сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарган ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан атиги 50 фоизни ташкил этган. Корхонада айланма маблағлар етишмаслиги, банк кредитларидан қарздорлиги узилмаганлиги оқибатида пахта толасини (хом-ашё) ололмаган ва натижада корхона тўхтаб қолган. Наманган вилоят хўжалик судининг 2008 йил 5-декабрдаги хал қилув қарори билан корхонага банкротлик тамойили қўлланилган. Хозирги кунда корхона Миллийбанк ихтиёрига ўтказилган.

- «Наманганэкстракт-ёғ» акционерлик жамиятида ўтган 2008 йил давомида жами 3,8 млрд.сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқариб ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 67,7 фоизни ташкил этди холос. Бунинг асосий сабаби вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари томонидан жами 48724 тонна техник чигит етказиб берилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 35061 тонна ёки 13663 тонна кам техник чигит етказиб берилган. Натижада ёғ-мой махсулотлари ўтган даврга нисбатан кам ишлаб чиқарилган ўсиш суръати тушиб кетган.

- «Нотўқимачи» акционерлик жамияти томонидан 2008 йилга белгиланган 4500 тонна пахта толаси ўрнига «Ўзенгилсаноат» ДАК томонидан 1800 тонна ёки 2700 тонна кам пахта толаси ажратилган. Натижада корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаган. 2008 йилнинг сентябр-ноябр ойларида хом-ашё ёқлиги сабабли ишчи хизматчиларга иш ҳаққи тўланмайдиган ҳолатда мажбурий таътилга чиқарилган. Декабр ойида ажратилган 200,0 тонна пахта толаси хисобига корхона ўз фаолиятини бошлаган. Йил якуни билан корхона томонидан жами 2 млрд 149 млн.сўмлик кам махсулот ишлаб чиқарилган.

- «Намимпекстекстил» маъсулияти чекланган жамияти томонидан 2008 йилда жами 4 млрд.сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71,6 фоизга таъминланган. Бунинг асосий сабаби корхона 2008 йилнинг 3 ойи давомида электр

энергияси таъминотидаги узилишлари оқибатида ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган. Натижада йил якуни билан ишлаб чиқариш ҳажмларини 1 млрд. 618 млн.сўмга бажарилмаслигига олиб келган.

«Наманган-ёғ» хиссадорлик жамияти саноат моллари ишлаб чиқариш 2007 йилга нисбатан 1 млрд. 813,2 млн сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати атига 67,7 фоизни ташкил этди. Шунингдек, шу даврда халқ истеъмоли моллари 2 млрд. 749,1 млн. сўмга кам ишлаб чиқарилган ёки ўсиш суръати 70,1 фоизда қолиб кетган. Қувватлардан фойдаланиш даражаси 2008 йил якунида 27,5 % ташкил этган ёки корхона ойлаб ишламай турган ҳрллари бўлган.

Корхонанинг 2009 йил 1-январ ҳолатига 1 млрд. 520,2 млн.сўмлик дебиторлик ҳамда 1 млрд. 627,5 млн.сўмлик кредиторлик қарзлари мавжуд. Корхонада иш ҳақидан қарздорлик 73,6 млн сўмни ташкил этади. «Навбахор» ПФК хомийлик маблағини бажарилишида режа 110,0 млн.сўм булиб, умуман топширик бажарилмаган.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 43,5 млн. сўмлик хомийлик маблағларидан атига 5,0 млн сўм ўтказилган ҳолос.

Аҳолини ёғ маҳсулотларига бўлган талаб бугунги кунда ўз вақтида қондирилмаяпти бунинг сабабларидан бири корхона томонидан тозаланган ўсимлик мойи маҳсулотларини биржа савдоларига чиқарилмаслигидир. Корхона ойлаб фаолият кўрсатмай турибди.

«Муштарий» хиссадорлик жамияти қўшма корхонага айлантирилиши мўнжалланган эди. Қўшма корхонага инвестиция киритиш мажбурияти 350 минг АҚШ доллари ўрнига бор йўғи 59,5 минг АҚШ доллари киритилган ҳолос. Инвестиция маблағлари муддатидан 1,5 ой кечиктирилиб киритилган.

Қувватлардан фойдаланиш даражаси 2009 йил 1-январ ҳолатига 71% ташкил этган ёки корхона ойлаб ишламай турибди.

Давлат бюджетидан 26,1 млн. сўм микдорида боқиманда қарзлар мавжуд. Бюджетдан ташкари пенсия жамғармасидан 19,1 млн. сўм боқиманда қарзлар мавжуд. Ягона йул жамғармасидан 17,1 млн. сўм, микдорида боқиманда қарзлар мавжуд. «Навбахор» ПФК хомийлик маблағини бажарилишида режа 1,5 млн.сўм булиб, топширик атига 418,0 минг сўмга бажарилган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 2,0 млн.сўмлик хомийлик маблағлари умуман ўтказилмаган.

«Нотўқимачи» акциядорлик жамияти саноат моллари ишлаб чиқариш 2007 йилга нисбатан 2 млрд 149 млн сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати атига 73,1 фоизни ташкил этди. Шунингдек халқ истеъмоли моллари 575,4 млн. сўмга кам ишлаб чиқарилган ва ўсиш суръати атига 81,4 фоизни ташкил этган.

Қувватлардан фойдаланиш даражаси 2009 йил 1- январ ҳолатига 60 % ташкил этган.

Корхонани 1 млрд. 101,7 млн.сўмлик дебитор қарзлари, 1 млрд. 979,6 млн.сўмлик кредитор қарзлари мавжуд. Корхонада иш ҳақидан қарздорлик 50,1 минг сўмни ташкил этади. Давлат бюджетидан 531,9 млн. сўм микдорида боқиманда қарзлар мавжуд.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан 341,5 млн. сўм боқиманда қарзлар мавжуд. Ягона йул жамғармасидан 177,2 млн. сўм, микдорида боқиманда қарзлар мавжуд. «Навбахор» ПФК хомийлик маблағини бажарилишида режа 30,0 млн.сўм бўлиб. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 12,0 млн.сўмлик хомийлик маблағлари умуман ўтказилмаган.

«Намимпекстекстил» масъулияти чекланган жамиятида саноат моллари ишлаб чиқариш 2007 йилга нисбатан 1 млрд 618 млн сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати атига 71,6 фоизни ташкил этди. Корхонанинг 2009 йил 1-январ ҳолатига 753,5 млн.сўмлик дебитор қарзлари, 1 млрд 850,5 млн.сўмлик кредитор қарзлари мавжуд. Корхонада иш ҳақидан қарздорлик 225,3 млн сўмни ташкил этади. Давлат бюджетидан 1,2 млн. сўм микдорида боқиманда қарзлар мавжуд. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан 1,3 млн. сўм боқиманда қарзлар мавжуд. «Навбахор» ПФК хомийлик маблағини бажарилишида режа 1,5 млн.сўм бўлиб. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 1,0 млн.сўмлик хомийлик маблағлари умуман ўтказилмаган.

«Аснам-Текстиль» қўшма корхонасига Наманган вилоят хўжалик судининг 2008 йил 5-декабрдаги ҳал қилув қарори билан корхонага банкротлик тамойили қўлланилган. Ҳозирги кунда корхонани Миллийбанк ихтиёрига ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Корхонада саноат моллари ишлаб чиқариш 2007 йилга нисбатан 2 млрд 391,3 млн сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати атига 50,0 фоизни ташкил этди. Экспорт режаси 4400 минг АҚШ доллари белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 429,2 минг АҚШ доллар экспорт амалиётлари бажарилган.

Корхонада иш ҳақидан қарздорлик 191,7 минг сўмни ташкил этади. «Навбахор» ПФК хомийлик маблағини бажарилишида режа 1,5 млн. сўм бўлиб амалда фаолият юритмаяпганлиги сабабли маблағ ўтказилмаган.

Вилоятнинг саноат корхоналаридаги тадбиркорлик фаолиятининг бундай аҳволи улардаги тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг самарасизлигини, бугунги кундаги талабларга жавоб бермай қўйганлигини кўрсатмоқда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи раҳбарларда менежерлик санъати етарли даражада эмас. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши масалалари ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган йўналишларни ишлаб чиқиш бугунги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида долзарб масалалардан бирига айланди.

Кичик бизнес корхоналарида инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий таҳлили

Кичик бизнес корхоналари ўз фаолияти доирасини кенгайтириш мақсадида инвестициялардан фойдаланадилар. Улар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига хорижий инвестицияларини жалб этиш – бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айти пайтда - бу аввало янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилгандир. Бу йўналишда кўплаб кичик бизнес корхоналари муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ўз-ўзидан аёнки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, айтиқса хусусий компания чуқур ислоҳотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур қафолат ва истиқболлари мазжуд бўлмаган бозорга ва кичик бизнес субъектларига қадам босмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига хорижий капитални жалб қилиш, хусусан чет эл инвестициялари иштирокидаги ҳамкорликдаги кичик бизнес корхоналарини тузиш қонуний жараёндир. Жаҳон тажрибаларининг далолат беришича, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши доим ҳам ички манбалар ҳисобига муваффақиятга эришавермайди. Улар одатда иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш учун камлик қилади. Шу сабабли республика иқтисодиётига четдан объектив таъсир кўрсатиш эҳтиёжи сезилади. Бу жиҳатдан халқаро молиявий институтлар кредитлари ва чет эл инвестициялари инвестиция сиёсатининг яхшиланиши ва ички инвестиция тақчиллигини қисқартиришга кўмаклашиши мумкин.

Ўзбекистондаги бой табиий ресурслар, арзон ишчи кучи, нисбатан ривожланган инфраструктура ва ҳар томонлама барқарор вазият хорижий инвестициялар учун жозибали бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция жалб қилиш кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг энг муҳим муаммоларидан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида бу корхоналарнинг тараққий этиши учун маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, рақобатдош янги товарлар ишлаб чиқариш зарур. Бу муаммони эса тегишли инвестицияни жалб этмасдан ҳал этиш мумкин эмас.

Ҳозирги иқтисодий шароитда кичик бизнес корхоналарининг ички маблағлари иқтисодий ўсишни таъминлай олмайди:

- биринчидан, бу маблағлар инвестицион дастурлар учун жуда кам, аммо имкониятлар катта, бу эса ўз навбатида умумиқтисодий ўсишнинг чўзилишга олиб келади;

- иккинчидан, корхона ички маблағининг капитал қўйилмалари молиялаштириш учун ишлатилиши ресурсларнинг иқтисодиёт тармоқларига оқиб ўтишини қийинлаштирилади.

Ўзбекистон иқтисодиёти тобора ривожланиб, ижобий томонга ўзгариб бораёпти. Корхоналар инвестицияларни қайси манбалар ҳисобига молиялаштириш устида бош қотиришларига зарурият пайдо бўлмоқда. Бу эса кўпгина муҳим омилларни ҳисобга олишни тақозо этади. Иқтисодий омиллар (маблағлар олиш имконияти ва вақти, солиқлар олиниши ҳисоби билан молиялаш манбасининг суммаси, инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан даромад миқдори, молиялаштириш манбасининг корхоналар барқарорлиги ва қувватлилигига таъсири ва ҳоказолар) ва корхона раҳбарияти, ҳиссадорлик ва кредиторлар манфаатлари ўртасида вужудга келадиган низо омиллари шулар жумласидандир.

Инвестиция фаолиятининг ривожини учун мазкур омиллар таҳлилини амалга ошириш лозим бўлади. Бу таҳлил маблағлари йўналишининг энг мақбул усулини танлаш ва келажакда ҳар бир ҳудудга мос келадиган инвестиция сиёсатини белгилаш имкониятини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, инвестицион сиёсатда фақатгина бозор механизмига таяниб иш тутиш мумкин эмас. Чунки у иқтисодиётнинг тармоқларига турлича таъсир курсатади.

Мамлакатимизда инвестициялар Давлат бюджети воситаларидан ҳам шакллантирилади. 5-жадвалда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган ва асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар тўғрисида маълумотлар келтирилган. 2007 йилда ҳаммаси бўлиб 492864,7 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, 2008 йилда 761835,9 млн. сўмлик инвестициялар йўналтирилди ёки 2007 йилга нисбатан 154,5 фоизга ортди. Самарқанл, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ўтган 2007 йилдагига қараганда камроқ инвестициялар йўналтирилди. Наманган вилоятида 2007 йилда 27461,8 млн. сўмлик инвестициялар асосий капиталга йўналтирилган бўлса, 2008 йилга келиб 28094,8 миллион сўмлик инвестициялар асосий капиталга йўналтирилди ёки 2007 йилга нисбатан олганда 102,3 фоизга ўсди. Бу республика бўйича ўртача кўрсаткичдан камроқ ҳисобланади. Вилоятда белгиланган инвестицияларнинг бир қисми ўзлаштирилмади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига инвестициялар йўналтириш паст даражада бўлиб қолмоқда. Вилоятдаги хом ашё ресурсларини яна бир бор таҳлил қилиб чиқиш ва имкониятларни баҳолаш лозим бўлади. Мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, маҳаллий хом ашё ресурсларидан экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни тузиш ва уларни амалга ошириш учун ички ва ташқи инвестициялар манбаларидан фойдаланиш

лозим. Шунда вилоят иқтисодиёти мўнжалдаги ҳолат бўйича ривожланиши мумкин.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети воситалари ҳисобига асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар (млн. сўм)

Вилоятлар ва ҳудудлар	Ҳақиқатда	
	2007 й.	2008 й.
Жами	492864,7	761835,9
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар	332290,8	409440,3
Қорақалпоғистон Республикаси Вилоятлар:	20386,7	21719,2
Андижон	19711,6	25596,9
Бухоро	19746,6	24558,1
Жиззах	14667,4	18566,3
Қашқадарё	32896,2	40734,6
Навоий	10315,8	14930,5
Наманган	27461,8	28094,8
Самарқанд	44468,8	36879,5
Сурхондарё	31488,2	28891,6
Сирдарё	9992,3	8949,2
Тошкент	30505,5	36114,1
Фарғона	34685,1	31646,8
Хорезмская	18492,5	22053,2
Тошкент шаҳри	17472,4	70705,4

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

6-жадвалда мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларидаги асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар 2008 йил учун келтирилган. 2008 йилда жами киритилган инвестициялар 8483,7 млрд. сўмни ташкил қилди. 2007 йилда эса 5479,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилган эди. 2008 йили 2007 йилга нисбатан 154,8 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар миқдори 2007 йилда 3840,3 млрд. сўмга тенг бўлган бўлиб, жами инвестицияларнинг 70,1 фоизини ташкил этди. 2008 йили ишлаб чиқариш соҳасига 6397,5 млрд.сўм ҳажмида инвестициялар йўналтирилди ёки ўтган 2007 йилга нисбатан 166,5 фоизга ўсди. Бу жами йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиш суръатидан салкам 12 фоизга кўпроқдир. Жами инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг ҳиссаси 2007 йилги 70,1 фоиздан 75,4 фоизга ортди. Демак, ишлаб чиқариш соҳасининг жами инвестициялар таркибидаги улуши ортиб бормоқда. 2009 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ичида ҳам

ишлаб чиқариш соҳасининг жадал суръатларда ривожланиши белгилаб қўйилган.

Ёқилғи энергетика тармоғида 2007 йилда киритилган инвестициялар 1165,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жами инвестициялар таркибида 20,4 фоизни ташкил этди. 2008 йилга келиб ёқилғи-энергетика тармоғида йўналтирилган инвестициялар 1170,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу тармоқнинг жами инвестицияларга нисбатан тутган ҳиссаси ҳам аста-секинлик билан пасайиб бормоқда, яъни 2007 йили ёқилғи-энергетика тармоғига йўналтирилган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши 20,4 дан 13,8 фоизга туширилган.

6-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича 2008 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар
(млрд. сўм.)

Тармоқлар	2007 й.	Жамига нисбатан, фоизда	2008 й.	Жамига нисбатан, фоизда
Жами	5479,7	100,0	8483,7	100,0
Ишлаб чиқариш соҳаси	3840,3	70,1	6397,5	75,4
Ёқилғи-энергетика	1116,5	20,4	1170,2	13,8
Металлургия	355,9	6,5	430,2	5,1
Кимё ва нефтехимия	67,3	1,2	164,4	1,9
Машинасозлик	94,0	1,7	190,2	2,2
Енгил саноат	145,8	2,7	240,1	2,8
Озиқ-овқат	109,9	2,0	198,1	2,3
Қурилиш материаллари	71,5	1,3	100,3	1,2
Қишлоқ хўжалиги	180,8	3,3	258,4	3,1
Транспорт ва алоқа	1249,8	22,8	2227,6	26,3
Бошқа тармоқлар	448,8	8,2	1418,0	16,7
Ноишлаб чиқариш соҳаси	1639,3	29,9	2086,2	24,6
Уй-жой қурилиш	633,0	11,5	841,8	9,9
Таълим	686,4	12,5	748,9	8,8
Маданият ва санъат	20,0	0,4	43,3	0,5
Соғлиқни сақлаш	73,4	1,3	134,4	1,6
Коммунал хўжалик	107,1	2,0	123,6	1,5
Бошқалар	119,4	2,2	194,2	2,3

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

7-жадвалда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотнинг йўналишлар бўйича тузилиши келтирилган. Жами ялпи ички маҳсулотни 100 фоиз деб олсак, унда турли мулк шакллариининг тутган ўрни аниқланган. Жами ялпи ички маҳсулотнинг 79,4 фоизини нодавлат мулки ташкил этади.

2007 йили бу кўрсаткич 79,3 фоизга тенг бўлган эди. 2008 йили 0,1 фоизга ўсди. Қолган 20,6 фоизини давлат мулки ташкил этади. Давлат мулки камайиш тенденциясига эга. Ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми фуқаролар мулкига тўғри келади. Фуқаролар мулки ҳисобига мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 32,4 фоизи яратилмоқда. 2007 йилда 34,1 фоизига тўғри келар эди ёки 2008 йилга келиб фуқаролар мулки ҳисобига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ҳиссаси 1,7 фоизга камайди. Фермер хўжаликларига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ҳиссаси эса 2008 йили 2007 йилга қараганда 0,5 фоизга камайди ва 6,5 фоизни ташкил этди. Мамлакатимиздаги қўшма корхоналар ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг катта қисми тўғри келади. 2007 йили қўшма корхоналар ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг 8,9 фоизи тўғри келган бўлса, 2008 йили бу кўрсаткич 12,8 фоизга тенг бўлди ёки 3,9 фоизга ўсди. Бу мамлакатимизда қўшма корхоналар ривожланиб бораётганини кўрсатмоқда.

7-жадвал

2008 йилда мулкчилик шаклига кўра ялпи ички маҳсулотнинг тузилиши

Мулк шакли	Ҳиссаси, фоизларда	
	2007 й.	2008 й.
Жами	100,0	100,0
Нодавлат мулки	79,3	79,4
шундан:		
фуқаролар мулки	34,1	32,4
фермер хўжаликлари	7,0	6,5
деҳқон хўжаликлари	0,2	0,2
хўжалик бирлашмалари	24,0	24,3
қўшма корхоналар	8,9	12,8
бошқалар	5,1	3,2
Давлат мулки	20,7	20,6

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти 2007 йилда 28 триллион 186,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йили 36839,4 миллиард сўмга етди ёки 2007 йилга нисбатан олганда 9,0 фоизга ўсди. Инфляция даражаси эса 2008 йили 7,8 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётимизнинг жаҳон молиявий инқирози таъсирида ҳам ривожланиши давом этмоқда.

8-жадвал

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	Ўтган йилга нисбатан, %%	
				2007й.	2008йг.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	Ўтган йилга нисбатан, %%	
				2007й.	2008йг.
1. Ялпи ички маҳсулот	млрд. сўм	28186,2	36839,4	109,5	109,0
2. Инфляция даражаси					
Бир ойга ўртача	%	0,6	0,6	х	х
Ўтган йил декабрь ойига	%	6,8	7,8	х	х

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
маълумотлари асосида тайёрланди

Иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиш суръатларини қуйидаги 9-жадвалдан ҳам кузатиш мумкин. Бу жадвалда 2009 йил 1-чорак натижалари келтирилган. Ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари давом этмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари тўхтаган, ҳатто баъзи мамлакатларда ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ҳам камайиши юзага келган.

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси 2009 йилнинг 1 чорагида ижтимоий-иқтисодий
ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари
(2008 йил биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
1	Ялпи ички маҳсулот	107,9
2	Саноат маҳсулотлари ҳажми	109,9
3	Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	112,5
4	Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	105,7
5	Асосий капиталдаги инвестициялар	131,4
6	Қурилиш ишлари	112,1
7	Чакана савдо айланмаси	118,3
8	Пуллик хизматлар кўрсатиш	117,6

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. «Халқ
сўзи» газетаси, 2009 йил 30 апрелт, № 86 (4749)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2008 йил ноябрда тасдиқланган инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида комплекс чора-тадбирларни ва 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш борасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши 2009 йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор ижобий суръатларини сақлаш имконини берди.

2009 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 7,9 фоизни ташкил этди

Иқтисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутади. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди (10-жадвал).

10-жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари, олдинги йилга нисбатан фоизда

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил
Бозор хизматлари	126,6	121,0
Шундан: савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	132,5	126,8
Транспорт хизматлари	121,1	112,7
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1
Молия ва банк хизматлари	123,8	132,2
Туристик-саёҳат хизматлари	122,3	126,3
Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5
Маиший ва коммунал хизматлари	109,3	108,4
Автомобилларни таъмирлаш ва бошқа техник хизматлар	138,7	139,2
Бошқа хизматлар	142,5	130,6

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

Президентимиз ўз асарларида «2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади»¹ деб белгилаб бердилар. 2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Халқ сўзи», 2009 йил 14 февраль.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормокда

Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

Жорий йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди.

Шунингдек, ягона солиқ тўлови ставкаси бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлардаги чакана савдо, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини юритувчи дорихоналар учун 1 фоизгача пасайтирилди. Бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш йиғими белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида, савдо корхоналаридан эса минимал ойлик иш ҳақи миқдорида ундириш белгиланди. Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш борасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Имтиёзли кредит ставкалари, масалан, бизнесни бошлаш учун ажратилувчи кредит ставкаси 5% дан 3% га қадар пасайтирилди ва ҳ.к.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хом ашё ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари позициялари 136 тадан 195 тагача кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги 36-сонли «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабини ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига монопол маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйдириш бўйича ваколат ҳамда юқори ликвидли товарлар моддий балансларига тегишли ўзгартириш киритиш бўйича имконият берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг комисион харажатлари ўртача 25% гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10% гача оширилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

- архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;

- экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 фоиздан 90 фоизгача;

- турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;

- лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинадиган тўловлар умуман бекор қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни тартибга солишчи 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди. Бунинг натижасида 26 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 76 та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш даражасини ошириш

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ва истиқболдаги тараққиётини белгилашнинг асосий йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўпроқ эътибор бериш, уларнинг инвестицион фаолиятини самарали ташкил этишга кўмак бериш, зарур ҳолларда инвестициялар билан таъминлаш. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларининг раҳбарларини ўқитишни ва малака оширишларини ташкил этиш, хорижий ҳамкорларни мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектлари билан яқиндан танишишларига имконият яратиш лозим. Инвестициялардан самарали фойдаланишни ривожлантириш учун албатта мавжуд ички имкониятларни қўллаган ҳолда кичик бизнес ривожига имконият яратиш керакдир.

Ўзбекистонда иш билан бандлик сиёсати аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда, уйда ва хусусий ёрдамчи хўжалигида, ширкатларда, мулкчиликнинг турли шаклларида шакллантириш заминидagi кичик корхоналарда, чет эл давлатлари билан қўшма корхоналарда иштирок этишнинг кенг омилларини ривожлантириш учун имкониятлар яратиш эътибори кучайиб бормоқда. Мазкур маълумотга эътибор қиладиган бўлсак, республика аҳолиси сонининг динамикаси бўйича аҳолининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилади. Шу туфайли, маҳаллий иқтисодда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик - асосий бир тармоқ бўлиб ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисоднинг мавзусини ўрганиш даврида асосий эътиборни ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий тармоқларни жойлаштириш, ҳамда демографик ва экологик ҳолатларни ўрганган ҳолда минтакалараро, ҳудудлараро, давлатлараро бўлган муносабатларга аҳамият бериш зарур. Яъни, бизда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ фаолиятларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Республикамиз аҳолисининг 63,3 фоизи қишлоқ аҳолиси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун биз қишлоқ жойларда кичик бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият беришимиз лозимдир.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарнинг аксарият раҳбарлари маблағни кам талаб қилувчи, ҳамда хўжалик маблағларининг айланиш муддати қисқароқ бўлган соҳалар - савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларда ташкил этмоқдалар. Жумладан, мамлакатимизда 2009 йилнинг 1 январи ҳолатига жами кичик корхоналар улушида, савдо ва умумий овқатланиш тармоғидаги жами кичик корхоналар - 15,2 фоизни, қурилишда – 5,1 фоизни, қишлоқ хўжалигида – 46,2 фоизни, саноатда эса - 9,6 фоизни хусусий мулкдаги кичик корхоналар ташкил этди. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тадбиркорлик фаолияти ҳамма йўналишда ривожланмоқда, агарда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қурилиш ва шу каби соҳаларда иш юритиш керак бўлса, у ҳолда тадбиркор бир қанча муаммоларга дуч келмоқда, яъни товар ишлаб чиқармоқчи бўлган тадбиркор нимани, қаерда, қанча ва қандай ишлаб чиқариш керак, бундан ташқари, яъни кичик бизнес, тадбиркорлик фаолиятини қаерда очиш қулайроқлиги ва шу каби саволларга жавоб топишда қийин ҳолатга тушади.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини ташкиллаштиришда «бизнес режа» мукаммал бўлишига катта эътибор бериш лозимдир. Албатта, ҳар бир ташкилотни ташкил этишдан аввал (агар бу халқ хўжалиги истеъмол молларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса) корхоналарнинг раҳбарлари билан иш олиб бориш керак, чунки ташкил этилмоқчи бўлган корхона бир қандайдир вақтдан сўнг инқирозга учрайдиган бўлса, у ҳолда тадбиркор ҳам, ёлланган ишчилар ҳам, ҳамда жойлардаги маҳаллий органлар ҳам кўзланган мақсадга эриша олмайдилар, яъни ишсизлик даражасининг ошиши; маҳаллий бюджетга келадиган даромаднинг (солиқ ва йиғимлар кўринишида) пасайиши; истеъмолчиларнинг маҳаллий ҳудудларда жойлашган бошқа корхоналарга бўлган талабининг пасайиши; маҳаллий ҳудуддаги корхоналарга инвестициянинг пасайиши; корхона томонидан олиб бориладиган ободонлаштириш ишларининг тухтатилиши; маҳаллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини пасайиши; бошқа корхоналарнинг бир-бирига бўлган ишончининг пасайиши; ижтимоий-иқтисодий таъминотнинг пасайиши ва ҳ.к. муаммолар пайдо бўлади.

Юқоридаги муаммоларнинг келиб чиқмаслиги учун жойлардаги ўз-ўзини бошқариш органлари кичик бизнесга аҳамиятни кучайтирсалар, у ҳолда бу соҳа ўзининг маҳаллий иқтисодиётга аниқ ва равшан баҳо бериши билан устунлигини кўрсата олади, яъни

- иқтисодий инқирозда ўзгари турган шароитларга тез суръатлик билан мослашиши;
- кичик тадбиркорлик субъектларининг мустақил ҳаракатлари;
- эпчиллик ва амалга ошириладиган қарорларнинг қабул қилиниши;
- нисбатан юқори бўлмаган ҳаражатлар, айниқса бошқарув фаолиятига;
- ўзларининг ғояларини катта имконият билан амалга ошириши;
- маҳаллий бозорнинг талабига жавобан тезкорлик билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга янгилик кирита олиши;
- янги технологияларни олиб келиши;
- қимматли коғозлар бозорини шакллантиришда улушини қўшиши;
- маҳаллий ялпи ички маҳсулотга ўз улушини қўшиши.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятида бошқарув фаолияти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти самарали тарзда амалга оширилиши учун кўпдан-кўп омиллар таъсир кўрсатади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар ичида ушбу субъектларни бошқаришни такомиллаштириш йўналиши муҳим аҳамиятга эгадир. Биз юқорида амалга оширган таҳлиллар вилоятнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бошқарув фаолияти самараси пастлигини кўрсатди. Ушбу корхоналарда замонавий бошқарув тамойилларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги, бошқарувнинг самарали усуллари ва воситаларидан фойдалана билмаслик натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарасининг паст бўлиб қолишига олиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларини бошқариш билан шуғулланаётганлар ичида бошқарув соҳасидаги малакаси ва тажрибаси пастлиги билан ажралиб турувчилар мавжудлиги сабабли, уларни бошқариш даражаси паст бўлиб қолмоқда. Бундай аҳволни бартараф қилиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятида бошқарув фаолиятини самарадорлигини ошириш талаб этилади. Ҳозирги вақтда бундай корхоналарда бошқарув фаолиятини таҳлил қилган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида бошқарувни такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

Биринчи ва дастлабки муаммолар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини иқтисодий ресурслар билан таъминлаш масаласидир. Корхона агар зарурий бўлган ресурслар билан ўз вақтида таъминланмас экан, бу корхона фаолиятидан самарани кутиб бўлмайди. Юқорида таҳлил қилинган корхоналарда ҳам ашё ресурсининг етишмаслиги, электр энергия ва ёнилғи таъминотидаги узилишлар, молиявий ресурслар тақчиллиги, меҳнат ресурсларини ўз вақтида иш ҳақи ва бошқа тўловларини

тўлай олмаслик сингари ҳолатлар оқибатида корхоналарнинг фаолиятида самарасизлик юзага келиб, ҳатто банкрот ҳолатига ҳам тушиб қолди. Демак, корхонадаги менежерлар авваламбор, ўз корхона ва ташкилотларининг таъминотини яхшилашлари ва бу фаолият тури билан шуғулланувчи ходимлар малакасини доимо такомиллаштириш, яхшилаш билан шуғулланишлари талаб этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги ресурслар билан таъминотни яхшилаш учун биринчи навбатда уларни кредит ресурслар билан таъминлашдаги ҳолатни яхшилаш, турли тўсиқларни йўқотиш ва шу сингари ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Президентимиз кўп бора таъкидлаб ўтганларидек ҳозир ҳам кўпгина тижорат банкларида кичик бизнесга кредит бериш тизимидаги номаъқулчиликлар йўқ эмас. Экспертизадан ўтиш ва кредит олиш масаласи корхона учун жуда мураккаб муаммолардан бирига айланиб қолмоқда. Албатта, бу ўз ишини очишга ҳаракат қилаётган ва мавжуд корхоналарини кенгайтириш мақсадида бўлган тадбиркорлар томонидан норозиликларга олиб келади. Кичик бизнес корхоналарининг хорижий валютадаги кредитларга эришишлари кредит фоизларининг юқорилигидан, корхоналарнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқишдаги тажрибасизликларидан, шунингдек, кредитлар учун талаб килинадиган гаров миқдорининг юқорилигидан жуда қийиндир. Бундан ташқари тадбиркор гаров суммасидан ташқари амалга ошираётган лойиҳасининг 25 % идан кам бўлмаган миқдордаги ўз маблағларига эга бўлиши шартдир. Ўз маблағи сифати тадбиркор бино ва иншоотларни, лойиҳа учун зарур бўлган машина ва ускуналарни ҳамда молиявий харажатларни қоплаш учун ва айланма маблағларига қўшилиши мумкин бўлган маблағларни киритиш мумкин. Лекин ҳозирги кундаги ўрта меъёردаги тадбиркор 7-8 млн сўмдан ошiq бўлмаган миқдордаги маблағларга эгадир.

Кредит олувчига қуйидаги талабларга мувофиқ ҳолда кредит берилади. Кредит унинг қийматининг 120 фоизи миқдорида гаров билан таъминланиши керак. Бунинг учун эса мамлакатдаги тадбиркорларнинг кўпчилигида имкониятлар йўқ. Шу билан бирга, мол-мулк билан гаровни таъминлашга қодир бўлмаган кичик корхоналар учун учинчи шахслар томонидан кафолатлар механизми ҳам йўқ. Бундан ташқари, инвестиция лойиҳаларини гаров билан таъминлаш расм-русумлари кредит олувчининг гаровга қўяётган активлари бозор қийматини ҳисобга олмайди.

Бу гаплар тадбиркорларнинг амалга ошираётган инвестиция лойиҳаларида 25 фоиз миқдоридаги ўз маблағлари билан иштироқ этувчи талабга ҳам тааллуқлидир, мамлакатдаги инвестиция институтларининг устав фондини шакллантириш мўлжалланаётган иштироки эса уларнинг ўзаро муносабатлари механизмини тартибга солувчи меъёрий база мукамал эмаслиги туфайли амалга оширилмаётир. Буларнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан чет эл кредитларидан фойдаланиш имкониятларини анча мураккаблаштириб қўймоқда. Бунда инвестиция лойиҳаларининг молиялашни очишдан бошлаб ўтиш механизми

мураккаблиги, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш баҳоси кўпчилик тадбиркорлар учун баланд бўлиб, сўралаётган кредит ҳажмининг 5 фоизигача ҳаражатлар қилишни талаб қилаётганлиги ҳам секинлаштирувчи омиллари жумласига киради.

Муаммонинг яна бир томони лойиҳаларни кўриб чиқиш муддатининг узайиб кетишидир. Масалан: Миллий банкнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банкида лойиҳани кўриб чиқиш муддати ярим йилдан то 1 йилгача чўзилиб кетади. Бу эса ўз навбатида шу муддат ичида бозор конъюктурасининг ўзгариб кетишига ва лойиҳанинг кейинчалик самарали амалга ошишига шубҳа туғдиради. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир кун ўзгаришлардан иборатдир.

Юқоридагилардан ташқари яна бир катта муаммо мавжуд - бу тадбиркорларнинг ҳуқуқий онгларининг пастлигидир. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун ёки бирор бир бошқа фаолият билан шуғулланиш учун фақатгина хорижий асбоб-ускуналарга таяниб фаолият кўрсатиш эмас, ҳамда тадбиркорнинг ўзи корхонада ишлаётган ходимларнинг чуқур билимга, юқори малакага эга бўлишлари ҳамда ўз ишларининг усталари бўлишлари ҳам керакдир. Афсуски бу талабларга ҳар доим ҳам риоя қилинмайди. Етарли билимга эга бўлмаганликлари сабабли, кўп ҳолларда, тижорат банкларида кўрилаётган ўз лойиҳаларига тааллуқли саволларга жавоб бера олмайдилар. Бу саволлар одатий саволлар бўлиб, хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилиши, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган технологик жараёнлардир. Бу борада тадбиркор ўзининг айби билан лойиҳа пухта ўйланмаганлиги туфайли кредит олиш учун бўладиган ҳаражатларнинг бекор бўлишига олиб келади.

Фикримизча, Халқаро кредит линиялари кредитларидан ҳамда маҳаллий кредитлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш, мавжуд кредит тизимини ихчамлаштириш, уни расмийлаштиришдаги тўсиқларини бартараф этиш тақозо этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида инвестиция жараёнини ҳам самарали ташкил этиш керак. Инвестицион жараёнини жадаллаштириш ҳам талаб этилади. Инвестициялаш жараёнини жадаллашуви учун инвесторга қулай инвестиция мухити яратиш зарур бўлади. Чунки, инвесторнинг инвестиция мухитини олишдан асосий мақсади инвестициялаш натижасида кўзда тутилган даромадини хатарлилик даражасини аниқлашдан иборат. Бу эса маълум омилларнинг ижобий ёки салбий таъсири натижасида намоён бўлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги фаолият натижасини яхшилашга олиб борадиган қуйидаги масалаларнинг ечимини топиш ҳамма вақт муҳим ҳисобланган:

1. Солик тизимини янада такомиллаштириш.
2. Тадбиркорликнинг ривожланиш жараёнини олдиндан аниқлаш.
3. Инфраструктуранинг ривожланмаганлиги даражаси.
4. Суғурта қилиш механизмидаги қонун ва қоидалардаги камчиликлар.

5. Маданият ва маънавият.

6. Инвестиция лойиҳалари учун аниқ маълумотларнинг йўқлиги.

Фикримизча келгуси йилларда кичик бизнесни ривожлантириш, унинг салмоғини ошириш учун қуйидагиларга катта аҳамият бериш зарур:

1. Лизинг усулларини такомиллаштириш.

2. Инвестиция тавакалчилигини суғурталашни такомиллаштириш.

3. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун тижорат ва хусусий банкларини такомиллаштириш.

4. Чет эл капиталлари орқали чет эл инвестицияларини кафолатловчи фондларни ташкил этиш.

5. Замон талабига жавоб берувчи тендер усулларини такомиллаштириш.

6. Бизнес инкубаторларини иқтисодий зоналарда кенг қўллаш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим масала бор. Хозирда дунёдаги ривожланган мамлакатларда илмий-техника базаларини, ҳар хил янгиликларни қўллаб-қувватлашмоқда ва бунга нафақат йирик корхоналарни ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳам жалб қилиб келишмоқда. Шу тажрибага мувофиқ холда бизнинг республикамизда ҳам ўзи янгилик яратиб ишлаб чиқараётган корхоналарга нисбатан қўшилган қиймат солиғини бекор қилинса мақсадга мувофиқ бўларди деб уйлайман. Бу билан биз тадбиркорларни янгиликлар яратишга озгина бўлса ҳам қизиқтириб қўйган бўламиз. Шу билан бирга Солик кодексимизга назар соладиган бўлсак корхона ҚҚС дан ихтиро қилишга патенти (рухсатномаси) бўлган холда ва ҳар бир ихтироси учун ўрнатилган меъёрга мувофиқ холда 120 минг сўм миқдорида тўлов тўлаганидан сўнг мутахассислар ихтирони ҳақиқий деб ҳисоблаш учун уни ўрганишга киришишади ва тасдиқланганидан сўнг озод бўлишлари мумкин. Бу эса ўз навбатида тадбиркорларнинг ўз мақсадларидан қайтишига олиб келади.

Хозирги кундаги яна бир долзаб муаммолардан бири тадбиркорлик сектори инвестиция ва экспорт соҳасидаги имкониятларини реклама-ахборот жиҳатидан етарли даражада таъминланмаганлиги, ҳозирги талабларга унчалик жавоб бермаслигидир. Тармоқлар ва минтақаларни устивор ривожлантириш йўналишларини ҳисобга олган холда ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш бўйича лойиҳаларни ахборот билан таъминлаш эндигина шаклланиб келмоқда. Бозорларнинг ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотларнинг ҳажмини баҳолаш, эҳтимол тутилаётган рақобатчиларнинг нарх-наво ва ишлаб чиқариш соҳасидаги сиёсатини режалаштира олиш учун тажрибада керак бўладиган маълумотлар мажмуаси, хом ашё ва ресурслар соҳасидаги имкониятлар, янги ишлаб чиқаришларни ривожлантиришнинг экологик оқибатлари ва ҳоказолар бўйича ахборотнинг етишмаётганлиги лойиҳаларни пухта ишлаб чиқишга таъсир кўрсатмоқда. Кўпчилик тадбиркорлар учун замонавий ускуналар ва технологияларни, чет эллик шерикларини излаш ҳамда ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорларга чиқиш жуда қийин кечмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил этиш ва бошқариш тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шартлардан биридир. Тўғри ташкил этилган бошқарув жараёни мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали даромадларнинг кўпайтиришга олиб келади.

Фирманинг бошланғич вазифаси менежмент стратегиясини келажак учун бош йўналишларини, мақсадни ва унга эришиш йўлларини танлашдир. Ҳақиқий рақобат, кучли касаба уюшмалари, истеъмолчиларнинг жамоатчилик ташкилотлари давлатнинг монополияга қарши сиёсатидан ҳукмронлиги шароитида бундай стратегияни амалга ошириш осон бўлмайди. Юқори фойда даражасига товар сотиш ҳажмини ошириш, айланма воситалар айлантиришнинг тезлаштириш, ҳамкорлик шароитларига риоя этиш, янги бозорлар ва янги технологияларни эгаллаш орқали эришилди. Жамоа бўлиб тадбиркорлик фаолиятини олиб боровчилар учун нафақат фойданинг кўпайиши ва фойда даражасининг юксалиши, балки ялпи даромаднинг ошиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа фондлар унга боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш ва савдо менежменти мақсадига минимал харажат сарфлаб шартнома асосида келишилган муддатга товарлар ишлаб чиқариш ёки товарлар моҳиятини етказиб бериш, ҳамда хизмат кўрсатишдан кўпроқ фойда орттириш киради. Менежер учун қийинчилик туғдирувчи масалаларнинг энг асосийларига қуйидагилар киради:

- компьютер ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиб бориш учун қўл келадиган кўрсаткичларнинг энг зарурлигини танлаш;
- фирма бошқарувининг энг самарали тартибини юзага келтириш;
- маҳсулот сифатини бошқариш;
- ходимларни бошқариш;
- ишлаб чиқариш воситаларини янгиллаб туриш ва хом-ашё билан ишлаб чиқаришни бетўхтов таъминлашни ташкил этиш, ҳамда захираларни бошқариш;

-бозорни ўрганиш, харидорлар талабини, даромадларини, баҳолар даражасини келажак учун аниқлаш;

-лойиҳаловчиларга баҳолар лимитини ва техник вазифаларини бўлиб товар андозасини яратиш бўйича буюртма бериш;

-реклама, турли кўргазмалар ташкил этиш, буюртмачиларга маълумотлар жўнатиш орқали бозор учун янги маҳсулотни шакллантириш;

-шартномалар тизими, ишлаб чиқаришни бошлаш ва моҳиятни янада такомиллаштириш чораларини кўриш;

-товар сотилишини ташкил этиш;

-истеъмолчиларга қўшимча хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳамда уларни фойдаси бўйича маслаҳатлар бериш ва бошқалар.

Ушбу тадбирларни самарали тарзда амалга оширилиши мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ва субъектларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга олиб боради.

Кичик бизнес корхоналарида инвестицион фаолиятни такмиллаштириш йўналишлари.

Кичик бизнес корхоналарининг келажакдаги ривожланиш истиқболини яратишда уларда инвестициялардан фойдаланишнинг самараси ниҳоятда каттадир. Шу сабабдан, кичик бизнес корхоналарини инвестицион фаолиятини такмиллаштириш талаб этилади. Ҳозирги вақтда бу соҳада инвестицион фаолиятни юритиш ўзгариб бораётган замон талабларига ва юзага келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларига умуман тўғри келмайди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози иқтисодиёт субъектларини оператив фаолиятини янада жадаллаштиришни талаб қилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ҳам оператив бошқарув фаолиятини ҳамда унинг воситасида инвестицион фаолиятни янада такмиллаштириш лозим бўлади. Бу ишни амалга ошириш учун кичик бизнес корхоналарига жалб қилинадиган инвестициялар миқдорини ошириш лозим.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида ва кичик бизнес субъектларида инвестиция ҳажмини ўстириш учун изланишларни олиб бориш лозим. Бу изланишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг ресурслари ва муддатларини инобатга олган ҳолда уларни қайта ишлаб чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириш;
- инвестицион жараёни тартибга солишнинг мақбул механизмини танлаш;
- ўз ресурсларини топиш ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларини оқилона нисбатини аниқлаш;
- хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш ва улар маблағларини минтака иқтисодиётига жалб этиш;
- капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш.

Инвестицияларни молиялаштириш, асосан, мамлакатдаги иқтисодий сиёсат, қонунчилик (асосан, солиқ қонунчилиги), инвестицияни жалб қилиш инфратузилмасининг ривожи, мамлакат иқтисодий аҳволи ва бошқаларга боғлиқ булади.

Кичик бизнес субъектларига қўйиладиган яна бир масала жалб қилинган инвестициялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишдир. Инвестициядан фойдаланишда муҳим йўналиш бўлиб, аниқ лойиҳа ва ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, маълум бир вақт давомида бутун жамиятнинг ихтиёрида бўлган инвестицияларни тақсимлашда уларнинг устуворлиги рақобатдан ташқарида қолади

Ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг инвестицион фаолиятини такмиллаштириш учун уларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш керак бўлади. Бунда

бўлғуси инвесторларнинг ҳудудий манфаатларини кўп даражада эътиборга олиш керак.

Инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш учун эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш лозим. Эркин иқтисодий ҳудуд - мамлакат ичидаги махсус ҳудуд бўлиб, унда чет эл сармоясини фаол жалб этиш асосида фақат экспорт товар ва хизмат ишлаб чиқариш учун юқори самарали зарур барча шарт-шароитлар яратилади.

Жаҳон ҳўжалигида эркин иқтисодий ҳудудларнинг ҳозирги тарқалиш кўламида солиқ имтиёзлари жорий сармоянинг ҳудудга оқиб кириши учун асосий рағбат омил бўла олмайди. Бугунги кунда сармояни жалб қилиш учун сиёсий барқарорлик, инвестиция кафолатлари, инфратузилма сифати, ишчи кучининг малакаси, маъмурий тадбирларнинг соддалашиши каби омиллар, шунингдек ички бозорда нисбатан арзон кредитлар олиш имконияти муҳимдир. Шу билан бирга барча саналган устуворликлар мазкур ҳудуднинг типик хусусиятларини олдиндан белгиловчи базавий преференциялар билан уйғунлашгандагина «ишга тушади».

Эркин ҳудуднинг амал қилиш тажрибаси ва хорижий сармояни жалб қилишдаги ҳудудларaro рақобат шартларини бир хиллаштиришга олиб келади ва мана шу асосда ҳудудга инвесторлар таклиф қилинади. Мамлакатимизнинг Навоий шаҳридаги аэропортда шундай ишлар амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес корхоналарининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш учун яна бу фаолият учун қатор имтиёзлар тизимини юзага келтириш мумкин

Имтиёзларни тўрт асосий гуруҳи мавжуд:

- ташқи савдо имтиёзлари (махсус бож тарифлари тартибини, экспорт-импорт божини камайитириш ёки бекор қилиш) киритишни ва ташқи савдо операцияларини оддий тартибда амалга оширишни назарда тутати;

- фискал имтиёзлар иқтисодий фаолиятнинг аниқ турларини солиқ билан рағбатлантириш меъёрларидан иборат. Бу имтиёзлар солиқ базаси (фойда, даромад, мол-мулк қиймати ва ҳ.к), унинг алоҳида қисмлари, солиқ ставкалари даражаси, солиққа тортишдан доимий ёки вақтинчалик озод этиш кабиларга дахл қилиш мумкин;

- молиявий имтиёзлар субсидияларнинг турли кўринишларни ўз ичига қамрайди;

- маъмурий имтиёзларга корхоналарни рўйхатдан ўтказиш қоидалари ва хорижий фуқароларнинг келиши-кетиши тартибини соддалаштириш, шунингдек турли хизматлар кўрсатиш киради.

Санаб ўтилган имтиёзлар турли комбинацияларда қўлланилиши мумкин.

Маълум бир тармоқда инвесторларни жалб қилувчи хусусиятлар куйидагилардир:

- тармоқнинг ривожланиш ҳажми ва даражаси, тармоқдаги рақобатчилик характери;

- мавжуд корхоналарнинг ривожланиши, тармоққа янги

корхоналарнинг кириб келиши ва ундан чиқишидаги тўсиқлар;

- янги инновация ва технологияларнинг тармоқдаги роли;
- қонунчиликка кўра тартибга солиш;
- иқтисодий тенденциялар;
- кейинги бир неча йил ичида тармоқдаги умумий сотиш ҳажмлари;
- тармоқнинг кутилаётган ўсиши;
- тармоққа кейинги бир неча йил ичида қўшилган янги корхоналар сони;
- сўнгги пайтда тармоқда пайдо бўлган янги маҳсулотлар;
- асосий рақиблар ва уларнинг мазкур бозордаги роли;
- асосий рақибларнинг маҳсулотлар сотиш ҳажмидаги ўсиш

тенденциялари;

- ҳар бир рақибнинг кучли ва заиф томонлари;
- асосий рақибларнинг молиявий ахволи;
- ҳар бир харидорнинг баёни;
- харидорларнинг рақиблар харидорларидан фарқ

қиладиган тавсияномаси.

Иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишини ва таркибини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш зарурки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олиши лозим. Бундай ҳолатда инвестициянинг тезда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу инвестицион жараёни жонлантириш учун туртки бериш, кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал тармоқлар ва ҳўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратиб беради. Инвестициянинг қисқа муддатли сиёсати иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар ва корхоналар аҳамиятини ҳисобга олиб, узоқ муддатга мўлжалланган стратегияга эга бўлиши лозим.

Кичик бизнес субъектларида инвестицион фаолиятни такомиллаштириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланишини таъминлашга ҳисса қўшамиз, хом ашё ресурсларини қайта ишлашни янада чуқурлаштиришга муваффақ бўламиз, хорижий мамлакатларга хом ашё ресурсларини экспорт қилиш ўрнига тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини оширишга муваффақ бўламиз ва мамлакат аҳолисининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга эришамиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси кўп жиҳатдан бизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига боғлиқдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун улар фаолиятини самарали бошқаришни йўлга қўйиш лозимдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида бошқарув тизимини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш катта самара беради деб ҳисоблаймиз:

1. Ҳозирда рўй бераётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Бошқача изоҳлаганда, бу

инкироз кўланкаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора қамраб олмоқда. Натижада, мазкур давлатларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашуви кузатилмоқда. Бундай шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг аҳволини яхшилаш мумкин. Шу сабабли, ҳозирги шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқарувини такомиллаштириш энг долзарб масалалардан бўлиши керак. Унга биринчи даражали аҳамият берилиши лозим.

2. Тадбиркорлик - бу ички ва ташқи хавф хатарлар бўлишига қарамасдан бозор эҳтиёжларини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш ҳамда қондиришга олиб боровчи алоҳида фаолият туридир. Бундай фаолият натижасида фойда олинади. Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти деганда фуқароларнинг ўз таваккалчиликлари ва мулкӣ жавобгарликлари доирасида фойда олишга йўналтирилган мустақил фаолиятлари тушунилади. Улар ўз мулкларини ва капиталларини маълум даражада хатарли бўлган ҳамда таваккалга асосланган ҳолда фаолиятга сарфлайдилар ва фойда олишни кўзлайдилар. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши иқтисодий муваффақиятга эришишда юқори даражада таъсир кучига эга бўлиб, ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларини таъминлайди. Тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодиётининг инновацион характерининг асоси ҳисобланади. Тадбиркорлик орқали янгиликлар яратилиши ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши тезлашади. Уларнинг сони ва фаолияти тури кўпайиб борган сари иқтисодиёт ривожини сезиларли даражада олға силжийди.

3. Биринчи ва дастлабки муаммолар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини иқтисодий ресурслар билан таъминлаш масаласидир. Корхона агар зарурий бўлган ресурслар билан ўз вақтида таъминланмас экан, бу корхона фаолиятидан самарани кутиб бўлмайди. Кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида хом ашё ресурсининг етишмаслиги, электр энергия ва ёнилғи таъминотидаги узилишлар, молиявий ресурслар тақчиллиги, меҳнат ресурсларини ўз вақтида иш ҳақи ва бошқа тўловларини тўлай олмаслик сингари ҳолатлар оқибатида уларнинг фаолиятида самарасизлик юзага келиб, ҳатто банкрот ҳолатига ҳам тушиб қолди. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидаги менежерлар авваламбор, ўз корхона ва ташкилотларининг таъминотини яхшилашлари ва бу фаолият тури билан шуғулланувчи ходимлар малакасини доимо такомиллаштириш, яхшилаш билан шуғулланишлари талаб этилади.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги ресурслар билан таъминотни яхшилаш учун биринчи навбатда уларни кредит ресурслар билан таъминлашдаги ҳолатни яхшилаш, турли тўсиқларни йўқотиш ва шу сингари ишларни амалга ошириш талаб этилади.

5. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида аниқланган асосий муаммолардан бири - бу тадбиркорларнинг ҳуқуқӣ онгларининг пастлигидир. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун ёки бирор бир бошқа фаолият билан шуғулланиш учун

фақатгина хорижий асбоб-ускуналарга таяниб фаолият кўрсатиш, балки, тадбиркорнинг ўзи ҳамда корхонада ишлаётган ходимларнинг чуқур билимга, юқори малакага эга бўлишлари ҳамда ўз ишларининг усталари бўлишлари ҳам керакдир. Афсуски, бу талабларга ҳар доим ҳам риоя қилинмайди. Етарли билимга эга бўлмаганликлари сабабли, кўп ҳолларда, тижорат банкларида кўрилатган ўз лойиҳаларига тааллуқли саволларга жавоб бера олмайдилар. Бу саволлар одатий саволлар бўлиб, ҳом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилиши, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган технологик жараёнлардир. Бу борада тадбиркор ўзининг айби билан лойиҳа пухта ўйланмаганлиги туфайли кредит олиш учун бўладиган ҳаражатларнинг бекор бўлишига олиб келади.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида инвестиция жараёнини ҳам самарали ташкил этиш керак. Инвестицион жараёнини жадаллаштириш ҳам талаб этилади. Инвестициялаш жараёнини жадаллашуви учун инвесторга қулай инвестиция муҳити яратиш зарур бўлади. Чунки, инвесторнинг инвестиция муҳитини олишдан асосий мақсади инвестициялаш натижасида кўзда тутилган даромадини хатарлилик даражасини аниқлашдан иборат. Бу эса маълум омилларнинг ижобий ёки салбий таъсири натижасида намоён бўлади.

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида истиқболни одиндан белгилашнинг даражаси яхши эмас. Тадбиркорликнинг ривожланиш жараёнини олдиндан аниқлаш лозим ва бундаги бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларга тайёргарлик кўриб боришни таклиф этамиз.

8. Худудлардаги инфраструктуранинг ривожланмаганлиги даражаси ҳам тадбиркорлик фаолиятини янада ривожланиб кетишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, вилоятнинг барча туманларида ва шаҳарларида инфраструктурани такомиллаштиришга асосий эътиборни қаратишни таклиф қиламиз.

9. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун инвестиция лойиҳалари учун аниқ маълумотларининг йўқлиги натижасида янги тузилаётган баъзи лойиҳаларни етарли даражада асослай олинмаслиги рўй берапти. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва хорижий инвестициялардан фойдаланиш даражаси паст бўлиб қолмоқда. Тадбиркорлик фаолияти бўйича аниқ маълумотлар тўпламини тайёрлаш лозим. Бу ишга мамлакатимиздаги етакчи илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилиш зарур. Шундагина хорижий инвестициялар иштирокидаги тадбиркорлик субъектлари кўпроқ ташкил этилади ва самарали фаолият кўрсата бошлайди.

10. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим масала бор. Ҳозирда дунёдаги ривожланган мамлакатларда илмий-техника базаларини, ҳар хил янгиликларни қўллаб-қувватлашмоқда ва бунга нафақат йирик корхоналарни ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳам жалб қилиб келишмоқда. Шу тажрибага мувофиқ ҳолда бизнинг республикамизда ҳам ўзи янгилик яратиб ишлаб чиқараётган корхоналарга нисбатан қўшилган қиймат солиғини бекор

килинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу билан биз тадбиркорларни янгиликлар яратишга озгина бўлса ҳам қизиқтириб қўйган бўламиз.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ривожланиши мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида бошқарув фаолиятини ривожлантиришнинг ушбу йўналишларини ҳаётга татбиқ этиб бориш катта самара келтиради.

Тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожининг асосий йўналишлари

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйилиши энг устувор йўналишлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳага эътибор кучайтирилмоқда. Президентимиз ва ҳукумат раҳбарлари ўз диққат-эътиборларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратмоқдалар.

2006 йил 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Президентимиз И.А.Каримов «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» мавзусида маъруза килди. Унда иқтисодиёт ривожи учун тадбиркорликни ривожлантириш муҳим шартлардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

«Кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш муҳим омил ҳисобланади.

... Хусусий бизнес кафолатларини мустаҳкамлаш, унинг ривожи учун қулай муҳит яратиш мақсадида давлат бошқарув идоралари ва бозор институтларида маъмурий процедураларни бажариш билан боғлиқ, ҳали-бери анча юқори бўлиб келаётган бизнес харажатларини камайтириш нуқтаи-назаридан қайта қўриб чиқиш лозим.

...Кичик бизнесни ривожлантириш ва фермер хўжаликларини шакллантиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор бериш ва бу масалада катъий назорат ўрнатиш зарур»¹.

Мамлакат салоҳиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон шароитида уларнинг имкониятларидан янада кенг фойдаланиш захиралари мавжуд. Чунки, мамлакат ва унинг ҳудудларидаги табиий ва меҳнат ресурслари, иқлими, ер ости ва ер усти бойликларининг беқиёслиги жиҳатидан етарли салоҳиятга эгадир. Бу ердаги асосий мақсад - шу

¹ И.А.Каримов Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 11 февраль, 29-сон.

бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, меҳнат ресурсларини тўлиқ жалб этиш, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жорий этиш натижасида қисқа муддат ичида кўзланган мақсадларга эришиш имконияти туғилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ресурсларни хўжалик субъектлари ўз ҳаракатлари билан топадилар. Иқтисодий ислохотлар жараёнида ҳусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришдан мақсад жамиятнинг чекланган ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборат бўлиб, ҳусусий мулкчиликка асосланган ва рақобат мавжуд бўлган бозор иқтисодиётида инсон ўз фойдасини кўпайтириш учун ресурслардан оқилона фойдаланиши шарт. Ишлаб чиқарувчилар янада кўпроқ фойда олиш учун истеъмолчилар томонидан талаб этилаётган маҳсулотларга (хизматларга) инвестициялар қўйилиши керак.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фуқаролар ва кичик мулкдорлик, ҳусусий мулкчилик, иқтисодий ҳамкорлик, моддий манфаатдорлик ва қонуний устуворлик тамойилларига биноан хўжалик фаолиятларини ташкил қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш бугунги куннинг иқтисодий ҳаётий зарурияти бўлиб, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг ривожланишига шарт-шароитлар ва кафолатлар асосий масаласидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асл мақсади иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб иқариш самарадорлигини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шу асосда аҳоли турмуш даражасини муттасил яхшилаб боришга эришишдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этиши қуйидаги омиллар билан боғлиқдир:

1. Авваллари яширин ва ярим яшириш фаолият олиб борган корхоналарнинг очикчасига фаолият кўрсата бошлаши.
2. Кичик ҳусусийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ва унинг натижасида корхона активларининг хорижий ва ички инвесторларга сотилиши.
3. Эркин иқтисодий муҳитнинг қарор топиши.
4. Тадбиркорликни рағбатлантирувида кўп асрлик анъаналаримизнинг саралаб олинishi.
5. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишидир.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳуқуқий мезонларни таъмин этиш мақсадида қуйидагиларга амал қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг қонун талабларига жавоб бериши.
2. Ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро мувофиқлаштириш ва уларнинг бир-бирига зид келишига йўл қўймаслик.

3. Қабул қилинган қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишига эришиш мақсадида тадбиркорларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча аъзоларини қонунга риоя қилишини таъминлаш механизмини шлаб чиқиш.
4. Тадбиркорлар манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолият эркинликларини амалда кенгайтириш учун суд идоралари ва уюшмалар, иттифоклар каби жамоат ташкилотларининг мавқеини ошириш.
5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ўринсиз аралаштиришлар ва текширишлар сонини кескин камайтириш мақсадида уларни юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш.
6. Кичик бизнес корхоналари ва йирик корхоналар ўртасида ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам янги техника ва технологияларни барпо этишда ҳамкорликни, интеграция жараёнини ривожлантириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биринчиси – бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўлса, иккинчиси хусусий тармоқнинг жадал ривожлантиришини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушининг кўпайишини таъминлаш ва учинчи муҳим устувор вазифа – кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборатдир. Бундан кўринадики, иқтисодий ислохотларни ҳаётга жорий этишнинг муҳим устувор йўналишларининг барчасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга аҳамият қаратилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида хусусий бизнес фаолият кўрсатаётган макроиқтисодиёт ва тадбиркорлик муҳити анча яхшиланди. Шу билан биргаликда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мавжуд. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакат ялпи ички маҳсулотида унинг улушини, қўшадиган ҳиссасини ошириш учун қуйидаги йўналишларни амалга ошириш лозим:

1. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада чеклаш, ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўпроқ ўрганиш. уларнинг ижобий томонларини олиш ва ўзимизда қўллаш катта самара бериши мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига турли идоралар томонидан молиявий ва маъмурий жазолар берилиши мумкин. Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов ҳам бир неча маърузаларида таъкидлаган эдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига текширишлар натижалари бўйича маъмурий ва молиявий жазоларни (масалан.

- хўжалик субъекти фаолиятига жиддий таъсир кўрсатадиган катта миқдорда жарима солиш, корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳисоб рақамидан фойдаланишни таъқиқлаш ва шу кабиларни) фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш лозим.
2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини енгиллаштириш томонига қайтадан кўриб чиқиш керак. Қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ тўлаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.
 3. Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш.
 4. Биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажминини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўриш.
 5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун бу соҳага кўпроқ молиявий кўмак бериш, қўшимча солиқ имтиёзларини белгилаш ва ш у кабиларни амалга ошириш лозим.
 6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳисоблашда ошкора ва соддалаштирилган усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.
 7. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун руҳсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини жорий этиш.
 8. Йирик корхоналарни буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги кичик корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.
 9. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлайдиган, айниқса кишлоқ жойларида уларга тегишли корхоналарда ишлайдиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш лозим.
 10. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар билан ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш лозим.
 11. Тадбиркорларга имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни амалга ошириш.
 12. Шартнома мажбуриятларини бажариш юзасидан қатъий интизом ўрнатиш.

Ушбу йўналишлардан самарали тарзда фойдаланиш Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини мамлакат иқтисодиётидаги таъсирини янада оширади.

Тадбиркорликда инновацион бошқарувни такомиллаштириш

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида кўзланган асосий мақсадлардан бири иқтисодийнинг нодавлат секторида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар тизimini шакллантиришдир. Ушбу соҳага инвестицияларни жалб этиш салмоғини ошириш ва энг асосийси, хусусий тадбиркорликни республикаимиз аҳолисининг фаровонлигини оширишни белгилловчи, аҳолини иш билан бандлигини таъминловчи, экспортбop товарлар ишлаб чиқарувчи ва иқтисодийтимиз учун зарур бўлган валюта тушумларини келтирувчи етакчи соҳага айлантириш кабиларни ўзида ифода этади.

Ушбу вазифаларни самарали тарзда ечиш учун Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини бошқаришда инновацион фаолиятга катта аҳамият бериш лозим.

Инновацион фаолият тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини ташкил қилиши керак. Шарафли номга эга бўлиш учун ҳар қандай шахс ўз устида ишлаши, янгиликларни қидириши, яратиши, изланиши лозим. Бозор иқтисодиётидаги кескин рақобат курашида енгиб чиқиб, яшаб қоламан деган тадбиркор инновацион фаол бўлиши, инновацион бошқарувни амалга ошириши керак. Бу ҳаётий зарурият ҳисобланади. Инновация – бу рақобат қонунидир, бозор иқтисодиётининг ўзига ҳос хусусияти бўлиб, усиз бозор тизими ҳеч қачон ривожланмайди.

Ҳар қандай тадбиркорда бир хил салоҳият бўлавермайди. Уларнинг инновацион салоҳиятини белгилашда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим.

1. Рағбатлар. Тадбиркорни инновация йўлида таваккал қилишга ундайди.

2. Имкониятлар. Тадбиркорни инновацияни амалга ошириш имконияти.

3. Чеклашлар. Тадбиркорнинг инновацион фаолиятини чеклайди, сустлаштиради.

Тадбиркор ўз фойдасини орттириш йўлида тинмай изланади. Бунинг учун, у сифатли, рақобатбардошли ёки умуман янги хил маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Бунинг учун у ўзидаги технологияни такомиллаштиради, инновацияларни жорий этади, яъни янгиликларни қидиради, топади, ўз корхонасида қўллайди. Бу ўзига яраша харажатларни талаб қилади. Шу билан биргаликда, катта харажатларни қилиб, бозорга олиб чиқилган маҳсулотни бозорда яхши қабул қилмасликлари мумкин. У етарли миқдорда сотилмасдан, қилинган харажатлар қопланмаслиги мумкин. Маҳсулотнинг бирон-бир хусусияти етарли даражада ҳисобга олинмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай тадбиркор ҳар қандай янги ишни, инновацияни амалга ошириш учун кўп марта ўйлаши, ҳисоб-китобларни амалга ошириши лозим. Шу билан биргаликда, тадбиркорни инновацион таваккалчиликка етаклайдиган бир куч бор. Бу бозордаги рақобат кучидир.

Бозорда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кўплигидан, улар ўртасида кучли рақобат кураши мавжуддир. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи кўпроқ маҳсулот сотишга ҳаракат қилади. Кимда-ким ҳаракатни сусайтирса, хотиржамликка берилса, рақобатда ютқазиб қўйиши мумкин. Бундай хавф ҳар қандай тадбиркорга доимий равишда йўлдош бўлади. Шу сабабли, тадбиркорни инновацион фаолиятга ундовчи куч бўлади. Ана шу нарса – инновацион рағбатдир.


Тадбиркор инновацион лойиҳа устида шуғулланиши учун маълум имкониятларга ҳам эга бўлиши талаб қилинади. Унда қандайдир ўйлаб топилган янгилик ёки илмий-техникавий фаолият натижаси бўлиши керак. Тадбиркор қандайдир илмий муассасага топшириқ бериши, ички ёки ташқи бозордан тайёр лицензия сотиб олиши, патент тадқиқоти ўтказиши мумкин. Муаммо бўлса, олимлар ва тадқиқотчилар бу муаммо устида ишлайдилар ва ечимини топишга ҳаракат қиладилар. Шу сабабли, тадбиркор ўз муаммоларини илмий-тадқиқот муассасаларига етказиши лозим. Бундай ишларнинг ҳаммаси тадбиркорда маблағ бўлишини талаб қилади. Яратилган янгиликни жорий қилиш учун ҳам маблағ бўлиши керак. Бу ҳолда тадбиркор ўзида бор бўлган ресурслардан маблағлардан фойдаланиши, ўзида йўқ бўлган ҳолда кредит, заём воситаларидан фойдаланиши лозим. Ресурс имкониятлари турли тадбиркорларда турлича бўлади. Кризис ва депсиниш ҳолатларида ресурсларни жалб қилиш янада катта қийинчилик туғдиради.

Ҳар қандай тадбиркорнинг малакаси, таваккалга бориш қобилияти, қизиқиши, билим доираси турлича бўлади. Уларда стратегик фикр юритиш турлича бўлади. Кўп ҳолларда бундай сифатлар тадбиркорнинг ёшига боғлиқ бўлади. Ёш, навқирон тадбиркорлар инновацияга ўч бўладилар. Ўрта ёшлардаги тадбиркорларда ўзгаришларга қизиқиш анча пасаяди.

Тадбиркорларнинг инновацион фаолиятидаги учинчи муҳим омил – бу чеклашлардир. Йирик инновацияларни амалга ошириш учун кўп тадбиркорларда маблағ етишмайди, ташқи манбалардан маблағ жалб қилишга ҳам имконияти бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, тадбиркорлар холдинга, концернга, консорциумларга бирлашишлари мумкин. Шу йўл орқалигина бундай чеклашларни енгиб ўтиши мумкин.

Вақт омилини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бундай инновациядаги харажатлар қопланиши учун ҳам кўпроқ вақт лозим. Таваккал даражаси ортади.

Инновацион таваккалчиликнинг муҳим омилларидан бири илмий-техникавий фаолиятнинг узлуксизлигидир. Вақти-вақти билан янги




14-расм. Инновацион бошқарув ва инновациясиз фаолиятнинг бир-биридан фарқи.

турдаги маҳсулотлар, янги технологиялар яратилиши мумкин ва аввалроқ ишлаб чиқарилганлари тезда эскириши мумкин.

Демак, тадбиркорларда инновацион салоҳият бирламчи, кучли бўлиши билан бирга у чексиз эмас. У ўз йўлида чекланган бўлади. У турли чеклашларга дуч келади. Шундай ҳолатларда тадбиркорлар давлат билан ҳамкорлик қилишлари талаб этилади.

14-расмда инновацион фаолиятни амалга ошираётган ва амалга оширмаётган тадбиркорлик фаолиятларининг фарқлари келтирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда инновацион бошқарув самарадорлигини оширишда давлат муассасаларининг қатнашиши ҳам яхши самара беради. Давлат инновацион жараёнда асосий қатнашчилардан ҳисобланади. У жуда ҳам муҳим, масъулиятли ва малакали функцияни бажаради. Тадбиркорлик фаолиятидаги инновацион жараёнда давлатнинг иштироки бир неча омиллар билан асосланади (15-расм).



15-расм. Давлатнинг инновацион жараёнда фаол қатнашиши омиллари.

Давлат мамлакат тақдири, иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги даражаси ва миллий хавфсизлиги учун масъулдир. Бу масъулият унга инновацион фаолият учун мажбурият ҳиссини юклайди. Давлат инновацион соҳада стратегик қарорлар қабул қилади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади, амалга оширади.

Иккинчи муҳим омил – инновацион муҳитни шакллантиришдир. Давлат инновацион муҳитни шакллантиради, ҳуқуқий меъёрларни ҳамда инновацион фаолиятни амалга ошириш меъёрларини белгилайди. Қулай инновацион муҳит инновацион жараён қатнашчилари учун маълум имтиёзларни аниқлашни, янги техника ва технологияни ўзлаштириш вақтидаги ортиқча харажатларни қисман қоплашни, инновацион-инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитларни, инновацион таваккални суғурталаш тизимини ичига олади.

Учинчидан давлат инновацион жараёнда стратегияни танлашни ўз зиммасига олиши шарт. У бозордан ташқари секторда инновацион фаолиятни амалга оширилишини ташкил қилади. Фундаментал фанларни, давлат бошқарувини, мудофаани, ҳуқуқ-тартибот, йирик экологик лойиҳаларни амалга оширилишини ташкил қилади. Аҳоли ҳам, тадбиркорлар ҳам ушбу секторни янгилашни ўз устига ола олмайди. Мамлакат иқтисодиётининг ривожини учун бу сектор жуда муҳим ҳисобланади, мамлакатни гуллаб-яшнаши ва унинг хавфсизлиги учун ҳам бу секторда инновацион фаолият амалга оширилиши лозим.

Давлат инновацион инфраструктура билан кичик инновацион бизнесни ҳамкорликдаги ривожига таъсир кўрсатиши, улар ўртасида боғловчи бўғин вазифасини бажариши керак. Бу икки йўналиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Кейинги муҳим омил ҳисобланган – ходимлар тайёрлаш давлат қамхўрлигига муҳтождир. Давлат инновацион жараён учун ходимлар тайёрлашни ўз зиммасига олади. Ўрта ва олий таълим инновацион йўналишда бўлиши керак. Кадрлар малакасини ошириш, масофадан ўқитиш, инновацион дастурлар бўйича махсус ўқитиш вазифасини у кабиларда инновацион фаолият ҳисобга олиниши лозим.

Инновацион тараққиёт учун кадрлар тайёрлашнинг асослари олий таълим муассасалари, академик ва тармоқ институтлари ва инновацион фаол корхоналар ўртасида ҳамкорликдадир. Уларнинг ҳамкорлигини давлат ташкил қилб боради, назорат қилади, рағбатлантиради ва зарур ўзгартиришлар киритади.

Давлат инновацион жараёнда қатнашувчиларнинг интеллектуал мулкни ҳимоя қилади. Интеллектуал мулк – бу миллий бойлигимиздир. Давлат бу янгиликни экспертизадан ўтказди, баҳолайди, уларни мамлакатда ёки чет элда патент олишига ёрдам беради, ҳатто молиявий ёрдам ҳам бериши мумкин.

Инновацион бошқарувни амалга оширишда инновацион ҳамкорлик муҳим ўрин эгаллайди. Айрим тадбиркорлар инновацион фаолиятни амалга оширишда ресурс етишмовчилигидан, тажриба ва қобилият етарли эмаслигидан, илмий салоҳият пастлигидан қийналиб қоладилар. Шундай ҳолларда инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. қуйидаги 16-расмда инновацион ҳамкорлик таркиби келтирилган.

Инновацион ҳамкорликда учта қатнашчи бўлиши мумкин:

1. Тадбиркор
2. Ижодий шахс
3. Фуқаролик жамияти

Ижодий шахс сифатида интеллектуал мулк яратиш жараёнида қатнашаётган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. У олим, муҳандис, конструктор, техник, ишчи, менежер, магистр, аспирант бўлиши мумкин. Мактабда, институтда ва бошқа таълим муассасаларида, узлуксиз таълимда, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида илмий ижод асосларини ўргатишни назарда тутиши керак.

Шундай қилиб инновацион ҳамкорлик таркиби жамиятдаги тадбиркорлар ва ижодий шахслардан иборатдир. Улар ўзаро муносабатларга киришиб, биргаликда фаолият кўрсатадилар, бир-бирларига ҳамкорлик қиладилар, қўллаб-қувватлайдилар.



16-расм. Инновацион ҳамкорлик таркиби.

Инновацион ижодий жараёнда фуқаролик жамияти ва унинг институтлари қатнашадилар. Фуқаролик жамияти ўз ходимларини илмий-тадқиқот ишлари қатнашчиларини давлат ва ҳудудий органларга тавсия этиши, сайлаши мумкин. Улар ўз навбатида инновацион фаолият учун қулай ҳуқуқий шароитларни яратишга ҳаракат қиладилар.

Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситаларидан ҳам самарали фойдаланиш лозим. Газета, радио, телвидение, интернет ва бошқа воситалар инновацион жараён смарасига таъсир қилади. Авваллари телевидениеда таълим дастурлари берилар эди. Ана шу таълим дастурларини қайтадан тиклаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида экспорт-импорт операцияларини бошқариш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари

Мустақил мамлакатимиз ҳаётида кундан кунга сингиб бораётган чуқур иқтисодий ислохотлар, кўп мулкчилик шакллари танилиши, кўп укладли бозор муносабатларини шаклланиш жараёни Республикамиздаги мавжуд кичик бизнес фаолиятини бошқаришга бўлган муносабатга янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни ривожланган давлатлар даражасига етказиш, бунинг учун минтақаларда кичик бизнес субъектларини бошқарув механизмлари самарадорлигини ошириш ҳамда тадбиркорликни экспорт амалларини институционал усуллар ёрдамида қўллаб-қувватлаш лозим бўлади. Кичик бизнесни институционал усуллар ёрдамида бошқариш ва қўллаб-қувватлаш муайян давлат органларига тадбиркорлик ва кичик бизнес муаммолари билан шуғулланиш вазифаларини юклаш, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ва давлат органларини ифода этувчи нодавлат ноτιжорат ташкилотларини ташкил этилиши ва фаолият юритишига кўмаклашиш, кичик бизнес субъектларига ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тузилмаларни яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш масканлари барпо этиш, турли форумлар, семинарлар уюштириш, илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб боровчи институтлар, марказлар фаолиятини кучайтириш, моддий-техника таъминотини амалга оширувчи, маҳсулотларни сотишга кўмаклашувчи ҳамда турли хизматлар кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини шакллантиришга кўмаклашиш ва айниқса, кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи ва самарали бошқарувчи механизмлар фаолиятини таъсирчанлигини аниқлашни назарда тутати.

«Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир»¹

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарурий ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизими яратилган бўлсада, минтақа ва маҳаллий ҳудудларда уларни амалга жорий этиш бўйича бир қатор муаммолар мавжуд. Мавжуд муаммоларни, айниқса, иқтисодий-ижтимоий ривожланишда оқсаётган минтақаларда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида экспорт-импорт операцияларини бошқариш муаммоларини бартараф этиш, минтақавий бошқариш механизмларини такомиллаштириш, кичик бизнесни институционал усуллар ёрдамида қўллаб-қувватлаш зарурияти туғилади.

Шундай экан, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат минтақалари учун қай даражада долзарблиги, минтақалар иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг барқарорлигини таъминлашда ва халқ фаровонлигини ўсишида роли жуда катта эканлиги барчамизга маълум.

Минтақавий омиллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари бўйича рационал ихтисослашувига, экспорт ва импорт маҳсулотлари таркибига, табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишга, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудлар бўйича рационал жойлашувига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Республикамызда кичик корхоналарнинг маҳсулот экспорт қилиш потенциал имкониятлари жуда юкори. Кичик корхоналар экспортини кенгайтиришни қийинлаштираётган асосий муаммолар қуйидагилардир: экспортни ташкил қилиш ва маркетинг тадқиқотлари ўтказиш чиқимларини молиялаш учун кичик корхоналарда маблағ етарли эмаслиги, хориж бозорларида у ёки бу товарлар конъюнктураси ва фаолиятининг ҳуқуқий шартлари тўғрисида тадбиркорларнинг етарли маълумотларга эга эмаслиги, сифат, қадоқлаш, сертификация, штрих-кодлаш таъминлаш зарурлиги.

Ўзбекистон экспорт номенклатураси ҳозирча 300 га яқин номни ўз ичига олади (қийёслаш учун: Хитой экспорт номенклатурасида – 50 минг ном мавжуддир). Маълумки, Ўзбекистон экспортининг катта қисмини пахта толаси, энергия ресурслари ташкил этади ва ускуналарнинг салмоғи 1996 йилда тахминан 3 фоизни ташкил этади. Бу шундан далолат берадики, ҳозирги босқичда республика миллий иқтисодиёти жаҳон хўжалигининг энг кам истиқболли бозори - хом ашё бозорига қарамдир.

Фақат хом ашё экспорт қилишга умид боғлаш мумкин эмас. Бой хом ашё ресурсларига эга бўлган мамлакат, шубҳасиз муайян устунликларга эга, чунки хом ашё жаҳон бозорида осон сотилади. Уни сотишдан тушган экспорт тушуми жорий операциялар бўйича балансга ижобий таъсир кўрсатади ва ташқи қарз олмай туриб, импорт маҳсулот сотиб олишни осонлаштириш мумкин.

Бироқ, бой хом ашё ресурсларини экспорт қилиш бир қанча сабабларга кўра, ижобий ички ривожланиш учун етарлича асос бўла олмайди.

Биринчидан, хом ашё экспорт қилувчи мамлакат кўп жихатдан жаҳондаги талаб ва таклиф ҳамда хом ашёга бўлган нархлар даражасига

боғлиқ бўлиб қолади. Масалан (Ўзбекистон мустақилликга эришган дастлабки йилларда) пахтага бўлган нархларнинг тушиб кетиши республиканинг жорий операциялар бўйича балансига ёмон таъсир кўрсатди. Кўриниб турибдики, келажакда ҳам ашёга бўлган нархлар ўзгариши эҳтимоли ҳам ашё экспорт килувчи мамлакатлар учун оғир талафотларга олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, ҳам ашё экспорт қилиш яратилган меҳнат қийматининг нисбатан катта бўлмаган миқдори билан боғлиқдир. Ҳам ашё нархи юқори даражада унинг тегишли тури табиий чекланганлигига асосланади. Айни вақтда иқтисодий ривожланиш яратилган меҳнат қийматининг катта ҳажмини ўз ичига олган товар ишлаб чиқаришни доимий равишда ўстириб борилган тақдирдагина республикада фаровонликни барқарор ошириб бориш учун туғилади. Агар чекланганлик учун рентали товар экспорт қилиш асосий ўринда турса, бу – мамлакат иқтисодиётининг кам ривожланганлигидан далолат беради.

Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлайди: “Кичик бизнесни, савдо тармоқлари инфратузилмани ривожлантиришга, ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга етарли эътибор қаратилмаётганлиги муносабати билан қатор маҳаллий бюджетларни, биринчи навбатда, Сурхондарё, Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳамда кўпчилик қишлоқ туманлари бюджетларини дотациялаш сақланиб қолмоқда”

Наманган вилоятидаги тадбиркорларни ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишларида бир қанча муаммолар мавжудлиги кузатилган (11-жадвал).

11-жадвал

Кичик бизнес субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдаги муаммолари

№	Муаммолар	Респондентларнинг жамига нисбатан
1	Импорт операцияларини оғирлиги	25,6
2	Божхона тартибларини қийинлиги	22,1
3	Экспорт-импорт операцияларини қийинлиги	24,4
4	Экспорт-импортда транспорт хизматларининг қимматлиги	22,1
5	Импорт билан шуғулланмоқчи эдим, уддасидан чиқа олмадим	12,4
6	Экспорт билан шуғулланмоқчи эдим, уддасидан чиқа олмадим	12,6
7	Валютани конвертация қилишда тез-тез муаммога дуч келаман	24,4
8	Божхона процедураларидан ўтишда тез-тез муаммога дуч келаман	43
9	Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда муаммога дуч келаман	16,3

Манба: Муаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида тузилган.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектларида экспорт-импорт операцияларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида муаммолар хали етарли. Сўралганлардан 24,4 фоизи экспорт-импорт операцияларини қийинлиги, 43 фоизи эса божхона процедураларидан ўтишда тез-тез муаммога дуч келаман, деб таъкидлашган.

Бирон бир мамлакатдаги потенциал харидорлар ҳақида маълумотларнинг (фаолият тури, молиявий-иқтисодий аҳвол, рақобатчилар билан алоқалар, бозордаги ҳулқ-атвор ва ҳоказо) юзаки бўлиши ёки умуман бўлмаслиги экспорт сиёсатида маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса маркетинг тадқиқотларининг замонавий усуллари, жумладан, сўров ва синовларни қўллаш имкониятини камайтиради ҳамда репрезентатив танловлар яратишга имкон бермайди. Экспорт товар сиёсатида товар маҳсулотлари етказиб берилувчи мамлакатлар билан боғлиқ реал сиёсий таваккалчиликларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ташқи бозорда экспортчи оптимал муддат ичида қонуний асосда ва осонгина бартараф этиш мумкин бўлган қуйидаги тўсиқларга учрайди:

1. Мамлакат божхона кодексининг ўзига хос хусусиятлари, божхона хизматининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, божхона тарифларининг ҳажми ва барқарорлиги, антидемпинг қоидаларининг қўлланишидан келиб чиқувчи божхона тўсиқлари.

2. Импортчи мамлакатдаги қонунчиликнинг барқарор эмаслиги, унинг талаблари, халқаро ҳуқуқий муносабатлар шартлари ва тамойиллари, товар белгиларига мутлақ эгалик ҳуқуқининг мукамал эмаслигини ифодаловчи ҳуқуқий тўсиқлар.

3. Импортчи мамлакатнинг товар маҳсулоти сифати, дизайни, хавфсизлиги, гигиена нормаси, упаковки бўйича миллий техник нормалар, манфаатлар, анъана ва одатлар билан боғлиқ қарор ва фармонлар кўринишидаги тартибга солувчи тўсиқлар.


4. Экспорт товарининг импорт қилувчи мамлакатнинг ижтимоий қадриятларига зарар етказиши, товарни мамлакатда жиддий сиёсий келишмовчиликларга сабаб бўлиши ва унга нисбатан салбий муносабатнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлган сиёсий тўсиқлар.

Юқорида таъкидланган муаммоларни бартараф этиш учун мамлакатимизда, жумладан турли минтақаларда кичик бизнес субъектларини ташқи бозорларга чиқишларини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш лозим бўлади.

Президентимиз ўз асарларида инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва

махаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (17 - расм).



17-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари


Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма

Иккинчидан — жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чоратadbирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан — қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно — озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш (18 - расм).



18 - расм Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма

Шу билан бирга кичик бизнес корхоналарида экспорт сиёсатини амалга оширишда халқаро характерга эга бўлган қуйидаги маркетинг тадқиқотларини ўтказиш лозим:

1. Мазкур товар ёки хизматлар халқаро бозори конъюнктурасини ўрганиш, мазкур товар бозоридаги потенциал ҳамкор ёки рақобатчи фирмаларни аниқлаш ҳамда уларнинг иш усулларини таҳлил қилиш.

2. Халқаро бозорнинг мақсадли қисмини аниқлаш.

3. Халқаро бозорнинг мақсадли участкасида фаолият юритишнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва божхона шартларини аниқлаш.

4. Мазкур товар маҳсулотининг потенциал истеъмолчиларини сегментлаш.

5. Халқаро маркетинг коммуникация воситаларини қўллаш имкониятларини излаб топиш.

6. Халқаро бозорда мазкур товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш.

7. Экспорт товар ассортименти, уни кенгайтириш ёки торайтириш усулларини белгилаш.

Халқаро бозорнинг мақсадли участкасининг ижтимоий-маданий муҳитини (миллий ўзликни англаш даражаси, диний хусусиятлар, жамият аъзолари ўртасида ижтимоий ролларни тақсимлаш, тил, имо-ишоралар ва урф-одатлар) ўрганиш.

Рационал ва мақсадга мувофиқ экспорт шакллари аниқлаш (истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш, қўшма фаолиятга йўналганлик, чет эллик воситачилар тармоғидан фойдаланиш).

Мамлакатимиздаги кичик корхоналарнинг халқаро савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш экспорт-импорт операцияларини лицензиялаш воситасида амалга оширилади. Ушбу фаолият турларига мос келувчи давлат органларининг махсус (асосий ва индивидуал) рухсатномалар бериши назарда тутилади.

Экспорт товар сиёсатида товарнинг истеъмол қиймати ўз кўрсаткичлари бўйича чет эллик истеъмолчининг талабларига жавоб берган тақдирда юқори бўлади. Товарни импорт қилувчи мамлакатдаги аввалдан белгиланган, кутилаётган мақсадли харидорлар гуруҳига аниқ йўналтирган ҳолда лойиҳалаштириш, яъни «ўртача статистик харидор»га эмас, балки муайян харидорларга йўналтириш лозим.

Халқаро савдода кичик корхоналар экспорт товар сиёсатининг уч вариантини қўллашлари мақсадга мувофиқ:

1. Марказлашган вариант, ташқи бозорда мазкур ишлаб чиқарувчининг мавжуд товарига техник ва технологик жиҳатдан ўхшаш ва унга мос келувчи, чет эллик янги харидорларни жалб қилиши мўлжалланган янги товарни яратиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

2. Горизонтал вариант. Бунда мазкур ишлаб чиқарувчининг ташқи бозорга чиқарилувчи янги товари илгари мавжуд бўлган товарга ўхшаш бўлиб, янги шаклланган истеъмолчилар гуруҳига мўлжалланади, уни ишлаб чиқариш эса кичик технологик ўзгаришлар билан амалга оширилади.

3. Конгломерат вариант. Бунда ташқи бозорга мазкур ишлаб чиқарувчининг илгари мавжуд бўлган товарга умуман ўхшамаган, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва янги бозорни эгаллашни талаб қилувчи янги товар киритилади.

Экспорт товар сиёсатида импортчи мамлакатларда амал қилувчи турли хил меъёрий ҳужжатлар (халқаро ва миллий стандартлар, божхона талаблари ва ҳоказо) қўлланиб, бу товар қутиларга жойланиши, маркировкаси, дизайни, айрим тавсифномалари ва ҳужжатларига таъсир кўрсатади. Маҳсулот экспорт қилувчи ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида аниқ тасаввурга, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва сотув ресурсларига эга бўлиши лозим. Халқаро савдо усуллари ва тамойилларини қатъий ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этиб, улар кўп ҳолларда ички усул ва тамойиллардан сезиларли фарқ қилади. Бундан ташқари, савдо операцияларини расмийлаштириш ва амалга ошириш хусусиятлари, божхона томонидан тартибга солиниш, валюта назорати, савдо амалиёти ва мамлакатда амал қилувчи урф-одатларни ҳам инобатга олиш жоиз.

Жаҳон тажрибаларининг кўрсатишича, турли хилдаги рақобатбардош экспорт товарларининг етарли бўлиши тижорат оламининг жавоб тариқасидаги ҳаракатларини – юқори сифатли товарлар импорти ва чет эл инвестициялари оқимининг ўсишига сабаб бўлади.

Халқаро савдода кичик корхоналарни муваффақиятга эришишида маркетинг тадқиқотларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- бозорда талаб ва таклиф ўртасидаги энг оптимал мутаносибликка эришишга имкон берувчи шартларни аниқлаш;
- муайян бозорда тижорат муносабатларининг характери ва структураси ҳамда уларнинг ривожланиш анъаналарига таъсир кўрсатувчи барча омилларни аниқлаш;
- маълум бир бозор конъюнктураси ҳолатининг мамлакат ва минтақанинг мос келувчи умумхўжалик конъюнктураси билан ўзаро алоқалари бўйича мажбуриятларини аниқлаш;
- товарнинг истеъмол хусусиятлари халқаро бозор талабларига мос келишини аниқлаш;
- экспорт товари устунликларини, унинг рақобатбардошлигини бошқа хорижий товарлар билан солиштириш асосида баҳолаш.

Халқаро бозор экспортчи олдиға товарни унумли тайёрлашдан ташқари уни бозорга йўналтириш муаммосини ҳам қўяди. Шу муносабат билан экспорт товар сиёсатини асослаш экспортга мўлжалланган товарнинг рақобатбардошлигини, уни сотиш шароитларини ўрганиш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ва ишлаб чиқариш мўлжалланаётган товар маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини аниқлашни назарда тутувчи халқаро маркетингга асосан амалга оширилиши лозим.

Тадқиқот натижалари ва хулосалари муайян товарни рақобатчилик шароитларида халқаро бозорда сотишнинг максимал ҳажми ва реал имкониятларини аниқлашга ҳамда экспорт товар сиёсатини асослаш ва мувофиқлаштириш, жумладан, экспорт товар ассортиментини режалаштириш ва шакллантиришга имкон беради. Маркетингда турли хил ижтимоий-маданий, истеъмолчилик ва харидорлик одатларини ҳисобга олиш зарур, чунки кўп ҳолларда товарнинг асосий сифатларидан бири бир мамлакатда ижобий қабул қилинса, иккинчи мамлакатда унга бефарқ қаралиши, учинчи мамлакатда эса экспортни секинлаштириб қўйиши ҳам мумкин.

Экспорт товар ассортиментини режалаштиришда худди шундай товар ишлаб чиқарувчи экспортчи-рақобатчилар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш зарур. Хусусан, улар ишлаб чиқарувчи маҳсулотнинг характери, товарнинг жозибадор хислатлари ва упаковки, кўрсатилувчи хизматлар тури ва ҳажми, сотув фаолиятини ташкил этиш, молиявий аҳволи, рақобатчи маҳсулот ишлаб чиқариш кучларининг тўла қувват билан ишлаши, буюртмалар портфели ва ҳоказоларни билиш муҳим аҳамият касб этади.

Экспорт товар ассортиментини режалаштиришда товарнинг жойлаштирилиши, яъни муайян ташқи бозорда устивор ҳолатини таъминлаш

лозим. Товарни жойлаштириш потенциал истеъмолчилар доирасини кенгайтириш имконияти, товарни қабул қилиш, ишбилармонлик тавсиялари ва таклифлардан келиб чиқади. У товарнинг истеъмол хислатларини реал баҳолаш, унинг обрўлилик омилларини аниқлаш, рақобатчи товарларга нисбатан устунликларини ажратиб кўрсатишга асосланади.

Юқорида амалга оширилган тадқиқот ва таҳлил натижаларига асосланиб шундай хулосага келишимиз мумкин, республикамизнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувида етарли даражада табиий, иқтисодий, сиёсий, интеллектуал ва инфраструктуравий салоҳиятга эга. Бизнинг фикримизча Ўзбекистондаги кичик бизнес субъектлари халқаро меҳнат тақсимоотида ўз ўрнини топиши ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириши учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- * республиканинг экспорт имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга шароит яратиш, экспортга йўналтирилган миллий иқтисодни шакллантириш;

- * ташқи иқтисодий фаолият тармоқлари мажмуини - иқтисослаштирилган савдо уйлари, лизинг, консалтинг, франчайзинг ва суғурта фирмаларини; банк, транспорт, коммуникация тизимини янада такомиллаштириш;

- * маҳсулотларни стандартлаш ва сертификациялаш халқаро тизимига жадаллик билан ўтишни таъминлаш;

- * кичик бизнес субъекти таркибида экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи махсус цех ёки бўлим ташкил қилиш ва уларни замонавий технологиялар билан таъминлашни йўлга қўйиш;

- * технопарк ёки технополислар ташкил қилиш асосида илмий тадқиқот ва тажриба - лойиҳа ишларини бевосита ишлаб чиқариш билан қўшиб олиб бориш;

- * миллий лицензиялаш ва патентлаш тизимини бугуннинг талаби асосида ташкил қилиш;

- * доимий равишда ички ва ташқи бозор конъюнктураси маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, харидорлар эҳтиёжига мос келадиган товарлар гаммасини яратиш ва ҳоказолар.

- республикамиздаги экспортчиларнинг маҳсулотини сотиш бозорини шакллантиришда муҳим роль ўйновчи хорижий мамлакатлардаги корхоналар билан Ўзбекистондаги экспортчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш;

- чуқур қайта ишлаш маҳсулотларини юқори технология ва илм талаб қилувчи буюмлар ишлаб чиқариладиган экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш соҳаси ва унинг таркибини такомиллаштириш;

- экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техника ва тижорат сирларини сотиш, инжиниринг ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турини ривожлантириш йўли билан республикамизда эришилган фан-техника ютуқларининг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш;



19-расм. Янги тадбиркорлик корхонасини ташкил қилиш тартиби.

- илмий лойиҳаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий лойиҳаларга бозор йўналишини бериш учун шароитлар яратиш мақсадида инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

- инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорий қўллаб-қувватлашнинг оптимал уйғунлашувининг асосий йўллариини белгилаб олиш ҳамда илмий-техникавий лойиҳаларни тижорат аҳамиятига эга бўлган натижалар даражасигача етказиш;

- ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги етакчи институтлар, ташкилот ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

Шундай қилиб, кичик корхоналар учун юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижоратлаштириш ва технологиялар менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси, сиғими, талабнинг мавжудлиги ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш зарур бўлади. Бу ишларни амалга оширилиши Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарасига сабаб бўлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарасини орттириш улардаги бошқарув механизмини такомиллаштиришни ва бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини оширишни тақозо этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш ўз ичига бир неча функцияни олади. Улар қуйидагилардир:

1. Ташкил этиш
2. Режалаштириш
3. Рағбатлантириш
4. Назорат қилиш
5. Таҳлил қилиш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришнинг иқтисодий самарасини ошириш учун бошқарувнинг ушбу функцияларини самарали тарзда амалга ошириш лозим. Авваламбор ташкил этиш функциясини такомиллаштириш лозим.

Янги корхона ташкил этишга аҳд қилган тадбиркор буни 19-расмда кўрсатилганидек амалга оширишини тавсия қиламиз.

Янги корхонани ташкил қилишга қарор қилган тадбиркор авваламбор таъсисчилар таркибини аниқлайди ва таъсис хужжатлари ишлаб чиқилади. Шу билан биргаликда корхона Устави ҳам ишлаб чиқилади. Сўнгра таъсисчиларнинг корхонани ташкил қилиш ва фаолияти ҳақидаги шартнома тузилади.

Кейинги босқичда раҳбар ва тафтиш комиссияси тайинланади ва бу ҳақда 1-сон қарор қабул қилинади. Шундан кейин рўйхатдан ўтказилади ва ҳисоб рақами очилади. Шундан кейингина чин маънода ташкил этиш ишлари бошланди. Тадбиркор ўз корхонаси фаолияти учун зарур бўлган ресурслар, моддий ресурслар – хом ашё ва бошқа ёрдамчи материаллар, технология ресурслари ҳамда меҳнат ресурсларини қидириб топади, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини аниқлайди, унга сарф меъёрлари бўйича хом ашё, электроэнергия, ёнилғи ва бошқа материалларни етказиб берилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўраш, сақлаш ва сотиш тартиблари белгиланади. Тадбиркор ўз ходимларининг сонини аниқлайди ва уларнинг иш ҳақлари миқдорини белгилайди, рағбатлантириш тартибини ўрнатади.

Тадбиркорлик субъектини бошқаришда режалаштириш муҳим функция бўлиб, унда тузиладиган бизнес-режаси муҳим ҳужжат ҳисобланди. Тадбиркорлик корхонасининг бизнес режаси бизнингча 12-расмда кўрсатилган тартибда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркор ўз фаолиятини режалаштираётганда ўзи оладиган фойдадан ташқари, ўзи яшаб турган муҳитга, жамоага қандай наф келтириши мумкинлигини ҳисоблаши лозим. У ижтимоий масъулиятли бўлиши унга катта самара келтириши мумкин, яъни яшаб турган ҳудуддаги аҳолига ёрдам, кутубхона ёки соғлиқни сақлаш муассасаси қуриб бериш, атроф-муҳитни химоя қилиш ва шу сингари ишларни бажариши уларга келажакда катта самара келтириши мумкин.

Ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркор бошқарув соҳасида қатор муаммоларга дуч келади. Улар ичида дастлабкиси хўжалик юритиш маконида ўз ўрнини топишдир. Тадбиркорга бозор ҳолатини ўрганишига, у ёки бу товарга бўлган талабни аниқлашга тўғри келади. Фаолият юритиши даврида юзага келган тўсиқларни, эга бўлиши мумкин бўлган имтиёзларни кўзда тутиши лозим. Тадбиркор ўз ўрнини аниқлаб олгач энди фаолият турини белгилаб олади. Тадбиркорлар ўз фаолиятлари турини аниқлашлари учун истеъмолчиларни ўрганишлари, уларнинг имкониятларини баҳолаш, ўз рақобатдошлари ҳақида тўла маълумотга эга бўлишлари, техника ва технология масалаларини, хом ашё ва ресурслар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиши керак.

Тадбиркорликни бошқариш жараёнида дуч келинадиган навбатдаги масала – бу ишлаб чиқариш базасини шакллантиришдир. Тадбиркор олдида корхона бино ва қурилмаларини, дастгоҳлар, асбоб-анжомларни сотиб олиш ёки ижарага олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материалларни ҳамда меҳнат ресурсларини топиш вазифалари туради. Бунинг учун у кўплаб ташкилотлар билан ўзаро муносабатларга киришади.


Корхонани бошқариш жараёнидаги яна бир масала – бу молиявий маблағларни жалб қилиш. Ўз маблағи етишмаган тақдирда қўшимча маблағларни қидириб топади ва олишга ҳаракат қилиши лозим.

Тадбиркорлик корхонаси учун бошқарув соҳасидаги асосий муаммолардан бири – корхонани самарали бошқарув механизминини ташкил этиш ҳисобланади. Унинг корхонаси юқори даражада созланган, мукамал


бошқарилувчи корхона бўлмаса, у қанчалик сифатли маҳсулот ишлаб чиқармасин, энг илғор ғояларни татбиқ этмасин, ҳар қанча ҳаракат қилмасин бу корхона самара бермайди. Корхона самарали ҳолда бошқарилиши лозим, акс ҳолда у синишга боради.

Самарали бошқарувни йўлга қўйиш учун:

1. Асосий эътиборни истеъмолчига, рақобатдошга қаратиш. Бозорни ўрганиш.
2. Режалаштиришга катта эътибор бериш.
3. Бошқарув тизимининг ҳар бир бўғинига ва поғонасига эътибор бериш.
4. Корхонанинг таъминотига эътибор бериш.
5. Ўз имкониятига ва кучидан самарали фойдаланиши мумкин бўлган соҳаларни аниқлай олиши.



20-расм. Тадбиркорнинг бизнес-режаси.




21-расм. Тадбиркорлик корхонасида бошқарув жараёнини ташкил этиш.

Тадбиркорлик корхонасини келажакда муваффақиятли фаолият юритишида унда олий бошқарув ва махсус бошқарувчи гуруҳ ташкил этиш лозим. Бундай бошқарув ишини ўз корхонасининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини таҳлил этишдан, корхонанинг яшаб қолишини сақлаб қолиш учун муҳим ҳисобланган бўлимларни аниқлашдан, ҳар бир бўлим учун зарур бўлган мақсад ва вазифаларни белгилашдан иборат бўлади (21-расм).

Тадбиркорлик корхонасини бошқаришдаги барча ишлар ишлаб чиқаришни амалга оширилишини белгилашга бағишланади. У орқали ишлаб чиқариш ташкил этилади, мувофиқлаштирилади, рағбатлар яратилади. Натижа сифатида ишлаб чиқариш жараёни амалга ошади. Ишлаб чиқариш жараёнига ички ва ташқи таъсирлар бўлади. Тадбиркор бу таъсирларни яхши билиши ва улардан самарали тарзда фойдаланишни билиши лозим. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларидаги бошқарув ишлари шу корхоналарнинг самарадорлигини таъминлаш билан биргаликда улар фаолият юритаётган ҳудуд аҳолисига ва ҳудудга ижтимоий жиҳатдан кўмак беришга йўналтирилиши катта аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш жараёнидан оператив ҳисоб юритилади, унда қачон, қанча маҳсулот ким томонидан ишлаб чиқарилди, меъёрларнинг бажарилиши ҳам ҳисобга олинади. Оператив ҳисоб материаллари асосида корхона фаолияти назорат қилинади ва ишлаб чиқариш жараёни таҳлили амалга оширилади.



22-расм. Тадбиркорлик корхонасига таъсир этувчи омиллар

Корхонага таъсир кучларнинг таъсирини ўрганишда 22-расмдаги омилларни билиш лозим деб ҳисоблаймиз. Унда ички муҳит, яъни корхона ичидаги муҳит, корхона структураси, маданияти ва ресурслари таъсир қилади. Шу билан биргаликда, тадбиркорлик фаолиятига ташқи таъсир омиллари ҳам таъсир кўрсатади. Улар қаторига иқтисодни, сиёсатни, давлат

органларини, истеъмолчиларни, таъминотчиларни, рақобатдошлар, савдо ташкилотлари, технология ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини тезлаштиришда ва унинг самарадорлигини оширишда асосий йўналишлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги бошқарув жараёнини такомиллаштириш. Уларда замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш, самарали бошқарув структурасини яратиш лозим.
2. Турли маблағлар, хусусан чет эл капитали ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш учун шароитлар яратиш.
3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун кредит муассасалари ташкил этишга керакли шароитлар яратиш, уларни кредитлар олишлари имкониятларини кенгайтириш.
4. Банкларни ҳисоблаш тизимини яхшилаш. Ўз маҳсулотини экспорт қиладиган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар бериш.
5. Тадбиркорларни иқтисодий ресурслар билан таъминлашда амалий ёрдам бериш, уларни ахборот маълумотлар базасига киришларини таъминлаш, тадбиркорларни ижтимоий жиҳатдан химоя қилинишини таъминлаш.
6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимлари учун лизинг хизматларини ривожлантириш.
7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларга эҳтиёжни аниқлаш мақсадида вилоятда ахборот марказини ташкил этиш.
8. Самарали фаолият юргизаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ҳар томонлама рағбатлантириш.

Ушбу тадбирлар ва йўналишлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришда иқтисодий самарадорлик оширилишига эришилади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнесда модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини бошқариш

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча жабҳаларда ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу жумладан, бу инқироз ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўтқир қилиб қўймоқда ва бунинг учун мавжуд имкониятларни ва ресурсларни сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш жараёни 2000 йилдан бошланган эди. Бугунги кунда

юзага келган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози бу соҳадаги ишларни жадаллаштиришни кун тартибига асосий масалалардан қилиб қўймоқда.

Президентимиз иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнлари борасидаги ислохот ва янгиланишлар йўналишини 2000 йилдаёқ белгилаб олинганлигини, бироқ жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўяётганлигини, бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз зарурлигини қайд этдилар.

Мустақилликнинг ўтган йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида ва тармоқ ҳамда соҳаларида амалга оширилган кенг кўламли ишлар бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини пасайтиришда кучли ҳимоя воситаси бўлганлигини таъкидлаб Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида қуйидагиларни таъкидладилар:

«Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислох этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди»¹³.

Эндиликда иқтисодиёт олдида янада кенг қамровли тадбирларни амалга оширишни ва бу тадбирлар натижасида катта миқдорда иқтисодий ва ижтимоий самара олиниши лозим бўлади. Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан самарали равишда чиқиб кетишга олиб борадиган йўналишларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда жорий қилиш бугунги куннинг асосий масалаларидандир. Иқтисодиётнинг саноат ишлаб чиқариши соҳасида бу қзғаришларни амалга ошириш ва унинг юқори даажадаги самарасини таъминлаш, авваламбор бу соҳада бошқарув фаолиятини такомиллаштиришга боғлиқдир. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш йўналишида ишларни амалга ошириш самарадорлиги биринчи навбатда бошқарувни такомиллаштиришга боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ва вилоятнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш, ушбу йўналишда фойдаланилмаётган ички имкониятлар мавжудлигини ва такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди. Хусусан, саноат ишлаб чиқариш корхоналари олдида мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолисининг талаб-эҳтиёжларини тўлароқ кондириш, маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланган ҳолда экспортбоп маҳсулотларни ишлаб

¹³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари олдига молиявий-иқтисодий инқироз шароитида қўйилган вазифаларни самарали равишда ҳал қилиш учун улардаги бошқарув тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Ҳозирги вақтдаги анъанавий бошқарув тизими бундай самарани таъминлай олмайди. Биринчидан, бошқарувнинг бозор шароитларига мўнжалланган тамойилларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш, бошқарувнинг тез мувофиқлашувчи тизимини жорий этиш, бошқарув усуллари қайтадан кўриб чиқиш бўлса, иккинчидан маъмурий-бошқарув ходимлари сонини қисқартириш лозимлиги бошқарувни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва усуллари» номли асарларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва бунда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар таннархини 20 фоизга қисқартиришнинг йўл-йўриқлари ичида юқоридаги тадбирларни амалга ошириш кўрсатиб берилган.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим Фармон ва қарорлар орқали намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган микдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга

йўналтириш орқали банклар томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;

- иқтисодиётда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Ўзбек миллий автомагистрали» лойиҳасини, яъни 4 қаторли халқаро автомобиль йўли қурилишини амалга ошириш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айнан янги ташкил қилинаётган кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб-қувватлаш;

- маҳаллийлаштириш дастурига асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдорини 3,1 баробарга ва шу борадаги лойиҳалар сонини 3,5 баробарга ошириш ва ҳоказо.

Ўз моҳиятига кўра ушбу чора-тадбирлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмунини ҳам ифода этиб, уларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилиши жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини пасайтиради ва барқарор ривожланиш учун қулай шарт-шароит ва имкониятларни яратади

Мамлакатимизни молиявий-иқтисодий инқирозидан муваффақиятли равишда олиб чиқиб кетиш ва юқори даражада тараққий этган давлатлар қаторига чиқиши учун қуйидаги йўналишларни амалга ошириш лозим:

Саноат ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Ҳусусан, Наманган вилоятининг тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида ҳам ушбу йўналишни амалга ошириш лозим. Наманган вилоятидаги «Атлас», «Нотўқимачи», «Муштарий» ва «Уйчи йигирув-тўқув» акциядорлик жамиятларида модернизациялаш ишларини олиб бориш, фойдаланилаётган дастгоҳларни янгиларига алмаштириш, уларни юқори унум билан ишлаш қобилиятига олиб бориш учун мосламалар билан таъминлаш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежамкорлигини йўлга қўя олувчи технологияларни жорий этиш сингари тадбирларни амалга ошириш лозим. Ушбу корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарини пасайтириш чораларини кўриш, маҳаллий ва хорижий бозорларда рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш сингари ишларни амалга ошириш бугунги кунда бу акциядорлик жамиятларидаги бошқарув тизимининг асосий вазифалари бўлиши керак.

Президентимиз ўз асарларида узоқ муддатга, яъни 2009-2014 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Бу дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида

рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топади.

Бугунги кунда иқтисодий-технологик модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

«Маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни топиш – бу ҳар бир корхона раҳбари ва муҳандис-техник ходимларининг биринчи навбатдаги энг муҳим вазифаси ва мажбурияти бўлмоғи керак»¹⁴

Бугунги кундаги бошқарув фаолияти биринчи навбатда рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизматларни йўлга қўйишга йўналтирилиши керак. Мамлакатимиз ва дунё бозорларида рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали истеъмолчилар сафини кўпайтириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсишини таъминлайди ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулотида Наманган вилоятининг улушини орттириш имкониятига эга бўлишга олиб боради. Бугунги кунда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг таркибида Наманган вилоятининг истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича улуши атиги 4 фоизни ташкил этмоқда. Бу жуда паст кўрсаткичдир. Барча чоралар билан бу кўрсаткични ошириш устида ишларни амалга ошириб бориш лозим. Бу ишни амалга оширишда конкрет таклиф сифатида қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Маркетинг фаолиятининг самарали бўлиши корхона ва ташкилотлардаги ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматларнинг ҳажмини оширишга олиб боради. Маркетинг фаолияти самарали тарзда йўлга қўйилмаганлиги натижасида баъзи бир кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиб бормоқда, баъзи бир корхоналари ўз фаолиятларини тўхтатишга ва ҳатто банкрот бўлишгача бормоқдалар. Бундай ҳолатда маҳсулот сотуви ҳажмини ошириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолади. Маҳсулот ёки хизматлар сотуви ҳажмини ошириш учун маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш лозим бўлади.

2. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳажмини орттириш учун корхоналар қатнашадиган бозорларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш лозим. Бозорларни таҳлил қилишда, улардаги ҳолатни ва келажакдаги ривожланиши йўналишларини олдиндан белгилай олишга катта аҳамият қаратиш керак бўлади.

3. Корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сотуви ҳажмини оширишнинг муҳим йўналиши – конъюнктурага таъсир ўтказа оладиган

¹⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

технологик ва ташкилий сиёсатни юргизилишидир. Корхона ўз техникаси ва технологиясини мунтазам равишда такомиллаштириб боради ва бу орқали бозор конъюнктурасига таъсир кўрсатади. Корхона ўзгаларга қараганда ўз маҳсулотлари ва хизматларини арзонроқга сотишга имконияти бўлади.

4. Наманган вилоятидаги саноат ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар сотувини кўпайтириш учун амалга ошириладиган ишлардан муҳими – улардаги сотувни рағбатлантиришдир. Сотувни рағбатлантириш замонавий менежментнинг вазифаларидан бири бўлиб, бозорга киритиладиган маҳсулотлар реализациясини режалаштирилган миқдорга етказишга имкон беради. Сотувни рағбатлантириш қилинган сарф-харажатларнинг ўрнини тўлдириб, фойда олишга имкон беради. Сотувни рағбатлантириш учун ярмаркалар, моллар сотиладиган кўرғазмалар сингари актив шакллардан, махсус савдо агентликлари хизматларидан фойдаланиш, имтиёзли нархлар белгилаш сингари усуллардан фойдаланиш катта самара беради.

5. Маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлилик даражасини ошириш учун мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш жуда зарурдир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида рақобат кураши ҳаракатсизликни ва сабабсиз йўналишларни кечирмайди. Ўз имкониятидаги иқтисодий салоҳиятдан етарли даражада фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учраши учун ўзи асос яратади. Шу сабабдан барча турдаги иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўлимларида ва бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхона ва ташкилотларида бошқарув фаолиятига юқори малакага эга бўлган ходимларни ишга жалб қилиш, уларнинг самарали фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириб туриш, улар учун самарали ишлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида фаолият юритувчи барча ходимлар меҳнатини рағбатлантиришни йўлга қўйиш ҳам молиявий инқироз таъсиридан тезроқ чиқиб кетиш имкониятини орттиради.

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида бошқарув фаолиятини амалга оширилишида ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширишга ҳам эътибор бериш талаб этилади. Ишлаб чиқаришда ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган, ҳам жисмоний жиҳатдан, ҳам маънавий жиҳатдан эскирган дастгоҳларни янгिलाш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан биргаликда маҳсулот сифатини яхшилашга ҳамда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳамда рақобатбардошли хизматлар кўрсатишга эришилиши мумкин.

8. Ҳозирги вақтда иқтисодиётни интенсивлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётни интенсивлаштириш учун биринчи навбатда меҳнат унумдорлигини ошириш талаб этилади. Меҳнат унумдорлиги ҳар қандай жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Бунинг меҳнат унумдорлигини оширишга олиб борадиган иқтисодий,

ижтимоий, ташкилий ва техникавий тадбирларни амалга ошириш лозим. Меҳнат унумдорлигини ошириш орқали маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ганнархини пасайтиришга ҳамда корхона оладиган фойдани оширишга эришамиз. Бу тадбирлар корхона самарасини оширишга олиб келувчи асосий тадбирлардандир. Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини орттириш билан биргаликда ишчи-ходимларнинг меҳнат қилиш шароитларини яхшилашга, оғир қўл меҳнатини енгиллаштиришга олиб боради. Демак, ушбу йўналиш орқали ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара олиниши мумкин.

9. Бошқарув меҳнатининг самарадорлиги корхонада меҳнат қилаётган барча ходимлар малакасига боғлиқдир. Юқори малакали меҳнатни ташкил этишга ва унинг унумли меҳнатининг самарасини оширишга катта эътибор бериш муваффақиятга эришининг гарови ҳисобланади. Меҳнат ресурсларини ишга қабул қилиш, иш билан таъминлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, улар учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиб бериш орқали меҳнат ресурсларини бошқарилишини амалга оширилади. Меҳнат ресурсларини бошқариш фаолияти самарага келтириш йўналишида ташкил этилиши лозим.

10. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида амалга оширилиши мўнжалланаётган ишларни самарали тарзда режалаштириш ва бу рсжаларни амалга оширилишини таъминлаш. Саноат ишлаб чиқариш корхонасида ишларни режалаштириш ва ташкил этишда раҳбарлар ўз ташкилотлари қандай ишларни амалга оширилишини, қандай мақсад сари боришини белгилайдилар. Агар бу вазифалар муваффақиятли тарзда ҳал қилинган бўлса, раҳбарлар ўз қўл остилагиларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирадилар ва амалга оширадилар, Раҳбар ўз қўл остидагиларнинг меҳнати ва ҳаракатидан фойдаланиб, қўйилган мақсад сари интилиши лозим. Бу ишда улар рағбатлантиришдан фойдаланадилар.

11. Рағбатлантириш тизими корхонадаги барча тизимлар ва бошқарув функциялари билан узвий алоқададир. Уларнинг барчасида ишларни самарали тарзда амалга ошириш рағбатлантиришни самарали амалга оширилиши натижасини юзага келади. Корхонадаги рағбатлантиришнинг ҳажми ва микдори корхонадаги фойда ҳамда ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси асосида амалга оширилади. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонаси оладиган фойда ҳажмининг ортиши рағбатлантириш учун асос бўлади. Ўз иавбатида рағбатлантириш корхона фойдасини ошириш йўлида корхона аъзоларига туртки беради. Амалга оширилган барча ҳаракатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига олиб боради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида бошқарув фаолиятини такомиллаштириш йўналишида олиб борилаётган тадбирлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлидаги рағбатлантиришни тизим холига келтиришни ва уни амалга оширишда рағбатлантириш тизимининг маълум тамойилларига амал қилишни тақозо этади. Рағбатлантириш соҳасида қабул қилинаётган ҳар қандай қарорлар холисона

бўлиши ва ҳар томонлама асосланган бўлишига эришиш лозим. Акс ҳолда рағбатлантириш ва мусобақанинг моҳияти бузилиши мумкин. Бизга маълумки, рағбатлантириш тизими корхонадаги барча тизимлар ва бошқарув функциялари билан узвий алоқададир. Уларнинг барчасида ишларни самарали тарзда амалга ошириш рағбатлантиришни самарали амалга оширилиши натижасида келиб чиқади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги рағбатлантиришнинг ҳажми ва миқдори корхонадаги фойда ҳамда ишлаб чиқариш рентабеллиги даражаси асосида амалга оширилади. Корхона оладиган фойда ҳажмининг ортиши рағбатлантириш учун асос бўлади. Ўз навбатида рағбатлантиришнинг корхона фойдасини ошириш йўлида корхона аъзоларига туртки беради. Амалга оширилган барча ҳаракатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонасида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига олиб боради.

Бошқарувни такомиллаштириш асосида молиявий инқироз оқибатларини бартараф қилиш йўллари

Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш учун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози хусусиятларини яхши билиш ва унинг асосида хулоса ясаш мумкин. Бугунги кунда иқтисодиёт ривожигадаги барча фаолият ушбу инқироз оқибатларини бартараф этишга йўналтирилиши лозим. Шу жумладан, бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ҳам охи-роқибатда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишга йўналтирилиши керак. Бошқарув фаолиятини такомиллаштириш учун бошқарув услубини ўрганиб чиқиш ва унинг самарали йўналишларини танлаш лозим.

Бошқарув услуби - бу иш услубларининг тўплами бўлиб, у ўзининг фаолиятида ушбу бошқарув аппаратини қўллайди. Менежмент услуби - бу раҳбарни шахсий сифатларининг тўплами, раҳбарни қўл остидагилар билан ўзаро муносабати, раҳбарнинг ўз фаолиятида ишлатадиган услуби ва йўллари раҳбарнинг ўзига бўйсунувчиларни амалда билишидир.

Бошқарув услуби - бу ижтимоий табақа, чунки бу бошқарувдаги мураккаб ижтимоий - иқтисодий ишлаб чиқариш, ижтимоий - технологик муносабатларни ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириш шаклининг намоён бўлишидир. Бу жиҳатдан услуб натижаси ҳам ижтимоий - технологик аҳамиятга эга, чунки раҳбар қўллаган услубнинг тавсифи сезиларли даражада бошқарув аппаратининг самарали ишига боғлиқдир.

Бошқарув услубининг аниқланиши ва мазмуни ҳақида гапирар эканмиз, уни раҳбар фаолияти каби тавсифлаш мумкин.

Бошқарув услуби бошқарув усулидан келиб чиқади. Бошқарув усули - бу бошқарув фаолиятини амалга оширувчи усули ва йўллариининг тўпламидир.

Йўл - бу ўзига яраша объектив табақа, яъни фаолиятни амалга ошириш, ташкил қилиш учун танлаб олинadиган усул ёки бир неча усуллардир. Энди

эса бошқарув йўли ва услуби қандай нисбатда бўлишини кўриб чиқамиз. Бу нисбатни аниқлаш мумкин, бунинг учун аввал ўхшаш вазиятни маданият соҳасида ҳал қилиш керак. Мусиқачи «мусиқа» асарини фортепьянода бажармоқда. Унинг қўлида бу асарнинг нотаси бор. «Асар нотасини» нима деб атаймиз-у, уни «бажариш усулини» нима деб атаймиз? Ҳар бир ижрочи асарни ўзи билганича ижро этади, нотаси ўша-ўша битта-ю, ижроси эса бошқа-бошқа. Шундай қилиб, асарни мусиқачи ижро этиш усулини «стиль» билан тенглаштиришимиз, яъни субъектив жиҳатдаги тоифа деб аташимиз мумкин.

Келтирилган вазиятга ўхшатиб биз юқорида қўйилган бошқарув услуби ва йўли нисбати ҳақидаги саволга жавоб беришимиз мумкин. Улар ўзаро тўғри нисбатда гўёки субъектив ва объектив тоифа бўладилар. Бошқарув услуби бу муносабатда шундай шахсий сифатларга эга бўлиши керак: ахлоқ, жамоадаги ўзаро муносабатлар, раҳбарни ижтимоий фаоллиги, уддабуронлиги, тартиблиги ва ҳоказолар. Биз қоидага асосан бошқарув тизимидаги раҳбарлик услуби ҳақида гапирамиз. Тадбиркорлик ва бошқарув ходимлари худди шунга ўхшаб шахсий услубга эга бўлишлари мумкин. Масалан, менежер-молиячи у махсус тавсияномага эга, яъни фойдадан солиқ ажратмасини ҳисоблаш бўйича унинг касб фаолиятини вазифа усули бажаради. Унинг ўз вазифасини бажариш йўли, усули унинг шахсий тавсифига тўла боғлиқ: қобилияти, касбни қанчалик эгаллаганлиги, ишбилармонлиги ва бошқалар. Буларнинг ҳаммасига иш услуби деб қараш зарур. Ҳизматчи ўзига ҳос қанча тавсифга эга бўлса, бу касб услублари шунчалик ёрқин намоён бўлади.

Амалиётда ишлаб чиқариш раҳбарларининг шундай шахсий сифатлари борки, уларнинг ишчанлик, ташкилотчилик савиялари, уларга ишониб топширилган ташкилот, фирмаларнинг ҳақиқий фаолият кўрсаткичлари орасида аниқ ўзаро боғланиш мавжуд.

Жамоанинг ишлаб чиқариш фаолиятининг муваффақиятлари кўпчилик ҳолларда раҳбарнинг шахсий сифатига боғлиқ. Ушбу муносабатлар қуйидагича бўлмоғи керак: «Биринчидан, ўзаро дўстлик муносабатлари зарур бўлганда хизматчилар ёрдамга келади».

Иккинчидан, агар раҳбарнинг малакаси ҳақида гапирадиган бўлсак, унда у юқори малакали мутахассис бўлиши ва ўз касбини яхши билиши зарур.

Учинчидан, у ташкилотчилик қобилиятига эга бўлмоғи, ишда жамоани бирлаштира олиши лозим.

Агар раҳбар бир вақтда бир неча масала ечадиган бўлса, унда у улар ичида энг асосийсини ажратиши, ўз иш вақтини тўғри тақсимлаши, агар зарур бўлса ўз хизматчиларининг иш вақтини ҳам тўғри тақсимлай олиши лозим. Менежмент услуби бўлинманинг ва унга бўйсунувчиларни ўзаро муҳокама жараёнида намоён бўлади. Бунда раҳбарнинг иши битта муҳим хусусиятга эга бўлади. Бир томондан юқори идора раҳбарлари таъсири остида, иккинчиси унинг қўл остидагиларга бўлган таъсири, учинчиси - ўзига ҳамма томондан мос бўлганлар билан муносабати. Ушбу учта ўзаро таъсир

бошқарув услубини аниқлайди, у самарали ёки унчалик самарали бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бизда тез-тез: «Менежмент услубини такомиллаштириш керак» деган сўз ишлатилади. Бу раҳбарнинг уч хил ўзаро муносабатини жамоада яхшилаш зарур деганидир.

Бошқарув фаолиятини амалга ошириш вақтида раҳбарлар турли бошқарув услубларини қўллайдилар. Улар қуйидагилардир:

1. Авторитарик услуб
- 2, Демократик
3. Бюрократик
4. Либерал

Авторитария - якка ҳокимлик тушунчасини билдиради, яъни ҳукмронликни ушлаб турувчи ва амалга оширувчи биргина одам. Унга қуйидаги усул хусусиятлидир: якка ҳокимлик билан қарор қабул қилиш, маъмуриятчилик, қўл остидаги ишга доим аралашиб туриш. Авторитар раҳбар бошқариш гуруҳининг диққат марказида ва фаолиятида туради. Барча ҳукмронлик унинг қўлида бўлиши керак ва барча катта-кичик муаммоларни қўл остидагилар билан кам гап, талабчан, гоҳида қўрқитиш усули билан якка ўзи ҳал қилади. У қўл остидагиларни ўта пассив, агар қўл остидагиларнинг фикрини эшитишга тўғри келса, у буни ўз обрўйига путур етказаяпти деб тушунади. Авторитар раҳбар қўл остидагилар билан совуқ муомалада бўлади, ўзининг хонасини безатишни яхши кўради, қабулига кирувчилар учун қўшимча расмийликлар кўрсатади. Авторитар раҳбар камдан-кам кулади, унинг кўриниши доим иш билан банд бўлганини акс эттиради. Унинг асосий белгиси шундаки, кам билимли бўлса ҳам, итоаткор ишчи унга ёқади. Авторитар раҳбарнинг салбий сифати тўғрисида тез маълумот беради. Чунки, унда ташкилотчилик қобилияти, бошқарувнинг умумий маданияти - касб тайёргарлиги етишмайди, ўз устидан зарур назоратни йўқотган, бу каби раҳбар ўзини-ўзи идора қилолмаслиги ва золимга айланиши, ишчиларни, инсон қадрини пастга урувчи бўлиши мумкин.

Биз авторитар раҳбарга берган тавсифда кўпроқ унинг салбий томонларига сифат бердик. Аммо шу билан биргаликда, авторитар услубда ижобий белгиларини ҳам топиш мумкин. Масалан, бу турдаги одамлар анча-мунча чакмоқ тезлигидаги реакцияга эга бўлиши, чаккон ва доно бўлиши мумкин, улар қийинчиликларни қўрқмай бартараф этадилар. Улар тез ва дадил қарор қабул қиладилар ва уларни бажарилишини каттиқ текширадилар. Улар ўзларига ишонадилар ва жамиятга раҳбарлик қилиш қобилиятига эришадилар. Бу каби услубда таъсир тезлашади, бу эса ишлаб чиқаришда мураккаб ҳолат ва шароитлар юзага келганида қўл келади. Афсуслар бўлсинки, баъзи бир раҳбарлар ўзининг таълим бериш ролини «инсон омили» заруратини, яъни қўл остидагилар билан муносабат маданиятини тушуниб етмаслиги, авторитар услубни каттиқ маъмуриятчиликка айланишига олиб келади, жамоат ташкилотларининг фикри билан ҳисоблашмаслик жамоанинг ишлаш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида раҳбарликнинг ушбу услуби яхши самара бериши мумкин. Фақат унинг

баъзи бир сифатларини раҳбарликнинг бошқа услублари билан биргаликда қўшиб олиб бориш лозим.

Демократик сўзи юнонча «демос» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «халқ» маъносини билдиради. Демак, демократия халқ хокимлиги, демократик халқ эса, одамлар манфаатини акс эттиради. Агар демократик услуб ҳақида гап кетса, унда «раҳбар- бўйсинувчи» нинг ўзаро муносабати, ўзаро ҳурмат, ишониш асосида қурилади, бу эса халқ фикри билан ҳисоблашиш демакдир.

Ушбу раҳбарлик услубининг қуйидаги хусусиятларини такомиллаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қўллаш мумкин:

1. Қабул қилинган қарорларни иш бажарувчиларга яхшилаб тушинтиришга интилиш.

2. Қўл остидагилар ташаббусини қабул қилиш ва қўллаш;

3. Демократик раҳбар қарор қабул қилишдан аввал, уни хизматчилар орасида кенг доирада муҳокама қилади, қўл остидагиларга жамоадаги ишлар ахволи ҳақида тизимли равишда ахборот бериб боради, бунда у муваффақиятлар ва қийинчиликларни очикдан-очик гапириб беради;

4. Демократ ўзига айтилган танқидга тўғри ёндошади, хизматчилар билан қилинадиган муомалада ўзининг устунлигини сездирмайди;

5. Ўзи қабул қилган қарорлари учун жавобгарликдан қочмайди, қўл остидагиларнинг хатоси учун зарурий жазо белгилайди, яхши томонларини маътайди, ўз кўрсатмаларини аниқ ва ишонарли ифодалайди;

6. Ўта бандликни сохта бунёд этмайди, қўлидан келганича ишлайди, меҳнат қилади.

Демократик услуб тобелар учун уларнинг ташаббусларини тараққиёт эттиришда ўз ҳуқуқлари доирасида ўзларини эркин тутишлари учун яхши шароит яратади. Бу касбда бошқарув жамоаларининг дунё қарашларини умумийлиги ва раҳбарнинг юқори обрўга эгаллиги аниқ кўзга ташланади.

Либерал сўзи раҳмдил, саҳий, олийжаноб деган маънога эга, бу услубнинг хусусияти шундаки, раҳбар ўзини раҳбарлик ҳолатини намойиш этмайди, аксинча, у бундан уялади ва ходисаларнинг ўзи тараққиёт топишига шароит яратиб бериб уларга аралашмайди. Қўл остидагиларга ҳурмат билан мурожаат қилади ва «жуда илтимос қиламан» деган сўзни тез-тез ишлатади. Қўл остидагилар фикрини босиқлик билан тинглайди, улар таклифидан фойдали фикрларни излайди ва уларни ҳаётга тадбиқ қилишга ҳаракат қилади. Ўзининг сиполиги ёки уятчанлиги учун «Биринчи қаторлардан» қочади, афиша, ошқоралигини ёқтирмайди. Аммо, бу ижобий томонлар тобеларга ёқади ва улар унинг бу ҳислатларини ўзларига сингдирадилар.

Бу каби ёқимли ҳислатларга қуйидагилар киради:

1. Либерал ишда унча фаол эмас;

2. Ҳамма ишларга аралашини ёқтирмайди;

3. Бегоналар таъсирига осон бўйсинади ва бевақт қабул қилинган қарорлардан тезда воз кечади;

4. Мураккаб вазиятларда иккилана туриб, унда бир фикрга келишлик ва изчиллик хусусияти йўқ;

5. Қўл остидагилар билан муносабатни бузмаслик учун жиддий тадбир ва ҳаракатлардан ўзини тияди.

12-жадвалда раҳбар услубларининг таҳлилининг туркумланиши ва раҳбарларни қўл остидагилар билан ўзаро муносабатларини ўлчамлари берилган.

Учта бошқарув услубига баҳо бера туриб, асосан демократик услубга устуворлик берилади, чунки ҳозирги вақтда моҳиятли вазифа бизнинг жамият ва ишлаб чиқариш муносабатларимизни демократлаштириш, яъни бошқарув тизимини демократлаштиришдир.

Бошқарувнинг бюрократик услубида раҳбар бошлиқ сифатида, юқоридан тасдиқланган ҳужжатга асосан амалга оширилишини, бу мажбуриятлар ва тавсияномалар ўз вақтида ва аниқ бажарилишини талаб қилади.

Бюрократик иш услуби ушбу фарқланувчи белгиларда намоён бўлади:

1. Эски, аммо одат бўлиб қолган ташкилий таркибга яқин бўлиши.
2. Ўзининг ташаббуссизлиги сабабли ҳуқуқ бўлган қарорларнинг ечимини кўрсатма кутиши эвазига кечиктириши.
3. Қоғозбозликга мойиллиги, ўзини химоя қилиш мақсадида ҳар бир қилинган ҳаражатини расмий ҳужжат билан тасдиқлаш. Бу эса ёзма ҳужжатларни кўпайишига, иш хажминини кенгайтиришига ва муқобил бошқарувни секинлашига олиб келади.
4. Ўз қўл остидагиларни бачкана химоялаш, ҳар куни уларнинг ишларига асоссиз аралашуви.
5. Хизматчиларнинг реал талабларини бепарво бўлиши.

Ушбу бешта сифат ичида энг асосийси, учинчи - *бюрократик* номини олишига сабабчиси ҳисобланади.

«Бюрократик» сўзи эскидан «қоғозбозлик», кўп ёзиш усули билан иш юритишни билдиради. Мана шу, ёзув меҳнати билан шуғулланадиган одамнинг ёзув столи «бюро» номи билан юритилади. Ҳозирда бюрократик сўзи кенг маъноли тушунча бўлиб салбий маъно топган.

Бюрократ - раҳбар расмий қоғозларни ёзишни ва қуйидаги турдаги кўрсатмаларни беришни ёқтиради: «тубдан яхшиланишига эришиш», «таъсирчан чоралар кўриш», «ишлаб чиқиш ва кўрсатиш», «огохлантириш», «намунали тартиб ўрнатиш» ва хоказолар. Бу каби «чақириқ»лар реал ташкилий иш билан тасдиқланмаган, бу сиз уларнинг бажаралиши амри маҳолдир. Агар қўл остидагилар фаолиятида камчиликлар сезилса шу жойнинг ўзида сабабини аниқлаш ва бартараф этишга уриниш ўрнига уларни тозалаш учун фармон яратилади. Бу каби иш юритиш усулида кутилган натижага эришиб бўлмаслиги ҳаммага аёндыр.

Раҳбарлик услубларининг туркумланиши

№	Раҳбар ва қўл остидагиларни ўзаро муносабатлари кўрсаткичлари	Раҳбарлик услублари		
		Автократик	Демократик	Либерал
1.	Қарор қабул қилиш усули	Масалаларни якка ўзи ечади	Қарор қабул қилишдан аввал қўл остидагилар билан маслаҳат- лашади	Юқори раҳбарни кўрсатмасини кутади, ёки кенгаш қарорини кутади
2.	Қарорни иш бажарувчилар-га етказиш усули	Кўрсатади, фармон беради, буйруқ беради	Таклиф қилади, илтимос қилади	Илтимос қилади, ялинади
3.	Жавобгарликни тақсимлаш	Ўз зиммасига олади ёки қўл остидагиларга юклайди	Жавобгарлиги-ни ҳуқуқларга қараб тақсимлайди	Ўзидан ҳамма жавобгарлик-ларни олиб ташлайди
4.	Ташаббусга муносабат	Тўла ташаббусни бостиради	Рағбатлантира-ди ва иш манфаати учун ишлайди	Ташаббусни қўл остидагиларга топширади
5.	Кадрлар танлашга муносабати	Малакали хизматчилар-дан кўрқади, улардан озод бўлиш йўлини қидиради	Ишбилармон, ўқимишли ишчиларни танлаб олади	Кадрлар танлаш билан шуғулланмай-ди
6.	Шахсий билим етишмаслигига бўлган муносабат	Ҳамма нарсани билади ва бажара олади деб ҳисоблайди.	Ўз малакасини узлуксиз ошириб боради, танқидга ижобий қарайди	Ўз билимини тўлдириб боради, бунини қўл остидагиларга маслаҳат беради
7.	Алоқа қилиш услуби	Оралик сақлайди, муомалага киришмайди	Дўстлар муносабатида муомалани ёқтиради	Алоқа қилишдан кўрқади, бошқа лар ташаббуси билан муомала қилади
8.	Тавсифи қўл остидагилар билан муносабати	Кайфиятга қараб	Бир текис ахлоқ, доимий ўзини ўзи назорат қилиш	Расмиятчилик интизомини талаб қилади
9.	Интизомга муносабат	Расмиятчилик билан қаттиқ интизом тарафдори	Маъноли интизом тараф- дори, одамларга қараб муносабат бўлиш	Худди шундай ҳаракат қилади
10.	Қўл остидагиларга маънавий таъсир кўрсатишга муносабати	Жазо беришни асосий тарбия усули деб билади. Баъзи бир танланган одамларни байрамда мукофотлайди.	Доим турли рағбатланти-ришларни ишлатади	Худди шундай ҳаракат қилади

Ҳозирги вақтда бизнинг иқтисодий тараққиётимизнинг бирдан-бир жонли йўли - бу бозор муносабатларидир. Табиийки, бу янги бошқарув услубининг шаклланишига олиб келади.

Маданий тараққиёт даражаси юқори бўлган давлатларнинг ва бу йўналишда биринчи қадамлар қўяётган мустақил давлатларнинг бозор иқтисоди даврини таҳлил қила туриб биздаги бошқарув услубини аниқлаб берувчи баъзи бир белгиларни ва гуруҳ белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи гуруҳ, белгилари - бу иқтисодий фикр юритишнинг янги тури бўлиб, у ёки бу тавсифларни фаолият томонини қайта баҳоланишини ўз ичига олади.

Гап шундаки, бозор иқтисоди янги турдаги иқтисодий муносабатларини, эркин тадбиркорлик муносабатларини тахмин қилади. Бу муносабатларга раҳбар идораларини аралашishi аввалгидан биров камроқ бўлади. Шундай экан, бозор муносабатларини шаклланишида ишбилармон одамларни (раҳбарларни, ташкилотчиларни, мутахассисларни) тайёрлаш зарур.

Ҳозирги вақтда бошқарув меҳнати билан банд бўлган одамларни белгилари мажмуасига қуйидагиларни киритиш мумкин. Бу энг аввал ўз соҳасида ўта билимдон, маданий, тараққиёт даражаси юқори давлатларда тўпланган тажрибани ўзлаштирган, бозор иқтисодиётининг барча замонавий соҳаларини - яъни тадбиркорлик, менежмент, маркетинг, банк иши, солиқ солишни ва бошқаларни билувчи мутахассис бўлмоғи керак. Замонавий менежернинг яна бир муҳим хислатлари гуруҳи қуйидагилар бўлиши мумкин: шерикларига нисбатан тартиблилик, тўғрилиқ, юлғичликнинг йўқлиги, обрў ҳақида ғамхўрлик, маданиятлилик, зиёилиқ. Бу гуруҳ белгиларининг мазмуни шундаки, замонавий, маданий тараққиётли бизнесда иқтисодий операцияларда тартиблиликни ўта зарур, ўз-ўзидан керакли бўлган сифат, деб қаралади.

Кўплаб ширкат, кичик ва шерикчилик корхоналарини тартибликдан анча йироқ бўлган шахслар томонидан, (катта даромад олиш учун интилувчи) фақат меҳнати учун эмас, балки турли найрангбозликлар ва алдашлар ҳисобига катта даромад олиш ниятида бунёд этилди. Шу билан бир вақтда ҳозирги даврда жамиятда ижобий йўналишга эга одамлар фаолияти биринчи қаторга чиқарилмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш халқни, инсонни фаровонлигини тиклаш ва яхшилаш учун зарур. Шунга биноан инсон омили бевосита барча амалий ҳаракатларда бирга бўлмоғи керак. Бозор иқтисодиёти тараққий топган давлатлар тажрибаси шу ҳақида сўз юритадики, улар бу каби тизимга ёки унга яқин бўлганига эгалиқ қиладилар, уларнинг асосий белгилари: ижтимоий ҳақлик, унинг аъзоларини тенглиги ва ишбилармон одамларни ўз ватандошларига ғамхўрлиги ва ҳоказолардан иборат.

Хақиқий тадбиркор ишбилармонлик оламида фақат ўта юқори даромад ҳақида ғамхўрлик қилмасдан, балки ишнинг яхши сифати ва унинг корхонасидаги меҳнаткашларни фаровонлиги ҳақида ўйлаши зарур.

Биз кўриб чиққан менежмент услубини тавсифи бирданига, қисқа вақтда ўз шаклига келмайди, бунинг учун махсус янги кадрларни тайёрлаш зарур.

Бошқарув кадрлари тушунчаси билан қуйидаги иккита тушунча: кадрлар сиёсати ва кадрлар билан ишлаш боғлиқдир. Кадрлар сиёсати - бу узоқ даврга мўнжалланган бўлиб керакли ишбилармонлик, касб ва шахсият сифатига эга юқори малакали бошқарув кадрлар тараққиёти йўналиши тушунилади. Кадр сиёсатининг мақсади корхонада, фирмада кадрларни тайёрлаш, ва қайта тайёрлашни узоқ муддатли дастурини ишлаб чиқишдан иборатдир. Масалан, ҳозирги вақтда кичик бизнесга доим янгидан-янги, ўқитилган ёш эркак ва аёллар талаб қилинади, ҳамда тўхтовсиз ўзини-ўзи ўқитиш ва билимини такомиллашуви, айниқса менежмент, маркетинг, банк иши учун талаб қилинади.

Кадрлар сиёсатини тубдан такомиллаштириш йўли - бу бошқарув аппаратини сонини қисқартиришдан иборатдир. Бизнинг бошқарув тизимимиз самарасизлигининг асосий сабаби - унинг сифатини такомиллашмаганлигидадир. Бу иш тизимни сонидан эмас, балки сифатини ўзгартириш заруратидадир.

Бошқарув фаолиятини такомиллаштиришда яна бир муҳим йўналиш – бу янги турдаги бошқарув хизматчисини, яъни янги турдаги иқтисодий, асосий фикр юритувчиларни тайёрлаш. Гап шундаки бозор иқтисодиёти янги турдаги муносабатни, яъни эркин тадбиркорлик муносабатини кўзда тутди. Бу муносабатларга раҳбарлик идораларини аралашуви аввалгига қараганда анча кам бўлади. Бозор муносабатларини шаклланишида ишбилармон одамларнинг (раҳбарларнинг, ташкилотчиларнинг, мутахассисларнинг) қуйидаги сифатлари: жумладан тадбиркорлик, маркетинг, банк менежменти, кичик бизнесни бошқариш ва хоказолар биринчи даражали ролни ўйнайди.

Бошқарув фаолиятининг такомиллашуви орқали мамлакатимиз иқтисодиётига турли инқирозлар таъсирини камайитишга ва ҳатто, улардан ижобий равишда фойдаланишга ҳаракат қилиниши мумкин.

Иқтисодий ресурслардан фойдаланишни самарали бошқариш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарадорлиги улардаги ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириб бориш мулкчилик шакли, фаолият натижаси ва юзага келган ташкилий тузилманинг қандайлигидан қатъий назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш корхоналарга, биринчи ўринда, бошқарув тизимининг самарадорлигини

оширишга, иккинчидан, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга имкон яратади.

Бугунги кунда бошқарув тизимини мукамаллаштириш соҳасида қуйидаги анъаналар юзага келмоқда: бошқарув фаолиятининг мақсадли тавсифини кучайтириш; бошқарувнинг мослашувчан тузилмаларини яратиш ва бошқарув аппаратининг фаолиятини яхшилаш, жумладан, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ҳисобига; ишлаб чиқаришни бошқаришда жамоалар ролининг ўсиши ва уларнинг юқори натижаларга эришишга йўналтирилиганлиги; меҳнат фаолияти ижтимоий шароитларининг яхшиланиши. Бу анъаналарга асосан корхоналарнинг бошқарув бўғинлари тузилмаларини такомиллаштириш йўналишлари ҳам аниқланиб, уларга аввало сифат кўрсаткичлари асос қилиб олинган.

Кичик бизнес корхоналарида моддий ресурслардан фойдаланишни бошқаришни такомиллаштириш учун алоҳида тадбирлар тизимини тузиб олиш лозим. Уларда ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурслардан фойдаланиш даражасини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- а) ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш;
- б) моддий ресурсларни тежашнинг иқтисодий воситаларидан фойдаланиш;
- в) корхонада бошқарувни такомиллаштириш;
- г) ишлаб чиқаришни ташкилий тузилишини такомиллаштириш;
- д) техник-технологик тадбирларни амалга ошириш;
- е) ишлаб чиқаришни янги техника билан жихозлаш ва қайта жихозлаш;
- ж) ишлаб чиқаришдаги барча жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш ишларини амалга ошириш;
- з) меҳнатни илмий ташкил этишни ва унинг асосий йўналишлари бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- и) ишлаб чиқариладиган маҳсулот тузилишини такомиллаштириш;
- к) корхонада чиқаётган чиқиндилардан ва иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;
- л) меҳнат ресурсларини танлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш;
- м) моддий ресурслардан фойдаланишдаги тежамкорликни рағбатлантириш тизимини яратиш.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-ишлаб чиқариш йўналишлари қаторига, бирламчи хом ашёни ишлаб чиқаришда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш, машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хом ашё, материал, ёқилғиларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқитларини камайтирувчи ҳамда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йўқотишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника ва технологияларни жорий қилишни киритиш мумкин.

Ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига, маҳсулотлар материал сиғимини режалаштириш ва нормалаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг

техник жиҳатдан асослаб берилган норма ва нормативларини ишлаб чиқиш, “эски” ва “янги” маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида прогрессив пропорцияларни белгилаш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали усуллари кўллаш ҳамда рағбатлантиришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар киритилади.

Моддий ресурслар ва уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида (бригада, цех ва ишлаб чиқариш участкаларида) битта миқдордаги хом ашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни кўпайтиришдадир. У ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника таъминоти, моддий ресурслар захираларини сарфлаш нормаларига боғлиқ бўлади.

Моддий ресурсларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ва таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади. Моддий ресурслар корхоналарда айланма ишлаб чиқариш фондларини ташкил этади. Кичик бизнес корхонасининг айланма фондлари корхона моддий ресурсларининг энг фаол қисми бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол қийматини яратмайди. Бу ерда умумий қоида шундайки, моддий ресурслар доимо айланишда бўлиши зарур - уларнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади. Шу сабабли, кичик бизнес корхоналаридаги моддий ресурсларнинг асосий қисми доимо ҳаракатда бўлиши зарур. Шунда моддий ресурсларга сарфланган молиявий маблағлар доимо ҳаракатда бўлади. Уларнинг ҳаракати натижасида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фойда олишга эришиши мумкин.

Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқаришда тезкор ҳаракат қилишини таъминлаш нафақат корхона учун, балки бутун иқтисодиёт учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтимоий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий режалаштириш суръатини оширади.

Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқаришда тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, моддий ресурслар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, моддий ресурслар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

Бугунги кунда моддий ресурсларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдида қўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;

- корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шакллари қўллаш.

Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳаракатини тезлаштириш учун курашда ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартиришга эришиши зарур. Гап шундаки, моддий ресурсларнинг муомала соҳасида секин ҳаракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда эришган ютуқларини йўққа чиқаришдан ташқари, уларнинг умумий айланишини ҳам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки маҳсулотни реализация қилиш муддатини қисқартириш ҳам моддий ресурсларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳаракатини тезлаштириш самараси, улардан фойдаланишни яхшилаш туфайли камроқ истеъмол қилиниши ёки қисман озод қилинишида акс этади. Моддий ресурслар мутлақ ёки нисбий озод қилиниши мумкин.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Нисбий озод қилиш моддий ресурслари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида моддий ресурсларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишни бошқариш ҳамма вақт ҳам такомиллаштирилиб борилиши зарур. Акс ҳолда бу тизимдаги фаолият самара бермайди. Кичик бизнес корхоналарида моддий ресурсларни бошқариш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини танлаб олиш зарурияти бугунги кунда юзага келди.

Бу кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин (23-расм):


Оптималлик – тузилма бўлинмалари ўртасида энг кам бошқарув бўғинларига эга бўлган ҳолда ўзаро алоқаларни рационал тарзда ўрнатишдир. Шу сабабли кўп бўғинлиликни қисқартириш бошқарув тизимини такомиллаштириш олдига қўйилувчи асосий талаблардан бири ҳисобланади. Моддий ресурслардан фойдаланиш жараёнида ҳам оптималлик бўлишига эришиш зарур.

Тезкорлик (оперативлик) – барча функционал бўлинмаларнинг, зарур ҳолларда ишлаб чиқариш бўлинмаларининг, бошқарув қарорлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун ўзаро алоқалар аниқлик билан

олиб борилиши. Айниқса, моддий ресурсларни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришда улардан фойдаланишни амалга оширувчи бўлимлар ва мутахассислар фаолиятида тезкор қарорлар қабул қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштириш зарур.

Ишончилилик – ахборотларни ўз вақтида олиш ва бошқарув қарорларини бажарувчиларга ва бажариш жойларига ўз вақтида етказишни таъминлайди. Ишончилилик ва тезкорлик жорий ва истиқболдаги бошқарув тизимининг самарадорлигида муҳим туртки ҳисобланади.

Тежамкорлик – бу, асосан бошқарув тизимида максимал самарага эришган ҳолда бошқарув аппарати ва унинг харажатларини камайтиришга, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига эришишдир. Бошқарув фаолиятида барча ресурсларнинг, жумладан моддий ресурсларни тежаш – бошқарув фаолиятининг асосий мезони ҳисобланмоғи лозим.



23-расм. Моддий ресурсларни бошқаришнинг кўрсаткичлари.

Айтиб ўтиш керакки, кичик бизнес жамоаси ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш соҳасида барча учун бир хил йўл мавжуд эмас.

Мазкур вазифа муайян шароит, ҳолат ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда юзага келади ва ҳал қилинади. Бироқ бунда ҳам ўзгармас бир қоида мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир ўзгартириш, яхшиланиш ва шакл ўзгартиришлар аввалдан ўйлаб чиқирилиши ҳамда илмий жиҳатдан асослаб берилиши зарур. Масалан, ҳозирги пайтда кичик бизнес корхоналарни бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида автоматлаштирилган бошқарув тизимини (АБТ) яратиш ва амалиётга киритиш ҳамда иш вақт йўқотилишининг олдини олиш, ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона

фойдаланишга кўмаклашувчи компьютер техникасидан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Айтиб ўтиш керакки, корхона жамоаси ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш соҳасида барча учун бир хил йўл мавжуд эмас.

Мазкур вазифа муайян шароит, ҳолат ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда юзага келади ва ҳал қилинади. Бироқ бунда ҳам ўзгармас бир қоида мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир ўзгартириш, яхшиланиш ва шакл ўзгартиришлар аввалдан ўйлаб чиқирилиши ҳамда илмий жиҳатдан асослаб берилиши зарур. Масалан, ҳозирги пайтда корхоналарни бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида автоматлаштирилган бошқарув тизимини (АБТ) яратиш ва амалиётга киритиш ҳамда иш вақт йўқотирилишининг олдини олиш, ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўмаклашувчи компьютер техникасидан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Замонавий техника воситалари ва янги усуллардан ташқари кичик бизнес корхоналарини бошқаришда ишлаб чиқариш жамоаларида зарур бўлган ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Амалиёт кўрсатадики, ижтимоий-психологик муҳит бошқарувнинг натижалари ва амалийлигини йўққа чиқариши ёки аксинча кучайтириши мумкин.

Психологик муҳит нодир ва қайтарилмас ҳолатдир. Иккита бир хил жамоа бўлмагани каби, бир-бирига мос келувчи психологик муҳитнинг ҳам мавжуд бўлиши мумкин эмас: жамоадаги ҳар бир шахс жамоани бойитади ва бир вақтда ўзи ҳам бойиб, унга нодирлик ва қайтарилмасликни бахш этади. Психологик муҳит орқали зарур бўлган ишлаб чиқариш руҳияти шаклланади ва бошқарувнинг мақсадли функциялари муваффақиятли амалга оширилади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча корхона ва ташкилотларга ўз ихтиёрларидаги турли ресурслардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишни талаб қилмоқда. Айниқса, моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти бугунги кунда ниҳоят даражада ортиб кетди. Ҳозирги бозор ислохотларининг чуқурлашуви шароитида моддий ресурсларнинг чекланганлиги уларнинг ҳар бирлигидан самарали равишда фойдаланиш лозимлигини кўрсатмоқда. Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларнинг ҳар бирлигидан кўпроқ маҳсулотлар олиш мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг ва ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини оширишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли моддий ресурслардан фойдаланиш даражасини ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан бирига айланди.

Моддий ресурслардан самарали равишда фойдаланиш учун авваламбор хом ашё турини мувофиқ равишда танлашни амалга ошириш керак бўлади. Ҳозирги вақтда кичик бизнес корхоналарининг фаолиятида бир хил маҳсулотни ишлаб чиқариш учун турли хил маҳсулотлардан, ўрнини босувчи моддий ресурслардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Президентимиз «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида мамлакатимизни инқироздан муваффақиятли равишда чиқиб кетиши йўллари ва йўналишларини белгилаб берди. Бу йўналишлар қаторида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ривожланишини таъминлаш йўналиши ҳам бор. Бу йўналишни амалга оширишда ҳар бир саноат корхонасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархларини пасайтиришнинг йўллари кўрсатиб берилган. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматларнинг таннархини пасайтириш учун шу корхона ва ташкилотларда маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва материалларнинг турларини танлашга эътибор қаратилган. Бу йўналишни амалга ошириш учун саноат корхоналари ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотга кетадиган моддий ресурсларнинг турларини самарали равишда танлашлари, уларни ишлаб чиқарувчиларни мамлакатимизда ва хориждаги ишлаб чиқарувчиларни могаиторинг қилишлари ва энг сифатли ва арзон турларини топишлари, маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бу материаллардан фойдаланишлари керак бўлади.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариладиган толалар, иплар, тўқималар ва трикотаж матолар учун турли хом ашёлардан фойдаланилади. Улар қаторида пахтадан жундан, ипакдан ва сунъий толалардан ишлаб чиқариш мумкин бўлган ҳолатлар мавжуддир. Бу материалларнинг қайси бири сифатли ва арзонроқ бўлса, ўша турини топиш ва ишлаб чиқаришда ундан фойдаланишга ҳаракат қилиш керак бўлади. Масалан, «Нотўқимачи» акциядорлик жамияти, «Аснам-текстиль» қўшма корхонаси ва шу сингари корхоналар пахта толаси етишмаслиги оқибатида ўз фаолиятлари узок муддатларга тўхтатиб қўйишга мажбур бўлдилар. Шунинг ўрнига улар маҳсулот ишлаб чиқаришда турли вариантларни ҳисобга олишлари ва пахта толаси ўрнига бошқа материаллардан зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришлари мумкин эди.

Кичик бизнес корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришда қайси бир маҳсулот тури самарали эканлигини билиш учун, турли маҳсулотлар билан фаолият юритиш вариантларини ҳисоблаб чиқиш ва таҳлил қилиш лозим. Бунда математик дастурлаш усулидан, иқтисодий-математик моделлаштириш усулларида фойдаланишни тавсия этамиз. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун зарур бўлган материалларнинг турларини ҳар бирининг асосий кўрсаткичлари, сифат белгилари, нархлари ва шу каби кўрсаткичларини аниқлаб, уларни орқали корреляция-регрессия коэффициентларини топиш ва ҳар бирининг самарадорлиги, зарур бўладиган харажатлари ва улардан фойдаланиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойдани аниқлаб олиниши мумкин. Бу ҳисоб-китобларда кўплаб вариантларга эга бўламиз. Дастлаб энг самарали вариант бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этамиз. Бу энг самарали вариант бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг имкони бўлмаганида, масалан, юқоридаги хом ашё таъминоти бузилган ҳолатда кийинги вариант бўйича ишлаб чиқаришни

ташкил этишга ҳаракат қилинади. Бу ишларни амалга оширишда диверсификация усулидан ва тезда мослашиш усулларида фойдаланилади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир дақиқасидан унумли равишда фойдаланиш лозим. Акс ҳолда ишлаб чиқаришни бир оз муддатга тўхтатиб қўйилиши содир бўлади. Бунинг натижасида барча воситалар, дастгоҳлар, машина ва механизмлар, ишчи-ҳодимларнинг иш вақтларидан фойдаланиш самараси пасаяди. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи, асосий фондлар самарадорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва шу каби муҳим кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилади. Корхона фаолиятида инқироз бошланади, яъни молиявий ресурслардан самарасиз фойдаланиш ва зарар кўриш томон ҳаракат бошланади.


Моддий ресурслардан самарали равишда фойдаланишнинг яна бир йўналиши сифатида – моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида уларни меъёрлаштиришни такомиллаштиришни таклиф қиламиз.

Моддий ресурслардан фойдаланиш меъёрларини такомиллаштириш учун меъёрлаштириш тамойилларига амал қилиш лозим. Моддий ресурслар сарфини меъёрлаштириш тамойилларига қуйидагиларни киритишни таклиф қиламиз (24-расм):

1) Меъёрларни илғор, прогрессив бўлиши лозим. Улар ўтган йиллардаги тажрибага асосланиб статистик равишда ўрнатилмаслиги лозим. Улар фан-техника тараққиётига асосланган бўлиши лозим.

2) Меъёрлар техник-иқтисодий ҳисоблар билан асосланмоғи лозим.

3) Меъёрлар моддий ресурслар сарфини миқдорий кўрсаткичларда ифодаланиши лозим.




24-расм. Моддий ресурслар сарфини меъёрлаштиришнинг асосий тамойиллари.

Моддий ресурслар бўйича меъёрларни илғор бўлиши зарур. Бунинг учун қуйидаги талаблар бажарилиши керак (25-расм):

1. Илғор ишлаб чиқариш тажрибаси бўлиши;
2. Моддий ресурслар сарфининг энг кам даражаси ва унга эришишни моддий рағбатлантириш;
3. Техникавий тараққиётга мослашиш;
4. Технологиянинг такомиллашуви;
5. Ишлаб чиқаришни ва уни моддий-техникавий таъминотини ташкил этишнинг юқори даражаси;
6. Ишлаб чиқаришда моддий ресурслар сарфини камайтириш бўйича тузилган ташкилий-техникавий тадбирларни бажарилиб бориши.


Ишлаб чиқаришни барча ички имкониятларини ҳисобга олиб тузилган меъёрларгина илғор, прогрессив меъёрлар ҳисобланади.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш асосидагина ишлаб чиқариш ҳажмини орттиришнинг ҳақиқий имкониятларини аниқлаш мумкин. Шу сабабли, моддий ресурсларни сарфлаш бўйича илмий асосланган меъёрларнинг асоси мўнжалланаётган тежамкорликка олиб борадиган ташкилий-техникавий тадбирларни яратишдир. Ушбу тадбирларни белгиланган муддатларда амалга ошириш ишлаб чиқаришда моддий ресурслар сарфини камайтиришга ва корхона самарадорлигини оширишга олиб боради.



25-расм. Моддий ресурслар меъёрларининг илғор бўлиши талаблари.

Ишлаб чиқариш корхоналарида моддий ресурсларни самарали равишда ишлатишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида моддий хом ашё ресурсларини турларини танлашда самарали турларни танлашни тавсия этамиз. Моддий ресурсларнинг турларини танлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим (26-расм):



26-расм. Моддий ресурс турини танлашга қўйиладиган талаблар.

1. Маҳаллий хом ашё ва моддий ресурслар турларидан максимал тарзда фойдаланишни ташкил этиш. Моддий ресурс турини танлашда ўзимизда мавжуд бўлган, етарли миқдорда бўлган ва нисбатан арзон бўлган турларини танлаш лозим.

2. Имкони борича камёб бўлмаган моддий ресурсларни танлаш ва улардан самарали равишда фойдаланиш лозим.

3. Моддий ресурслардан фойдаланганда улардан чиқинди чиқиш фоизи кам бўлишига эътибор бериш ва чиққан чиқинчиларни қайта ишлаб чиқаришга киритишнинг имконияти бўлиши лозим. Баъзи сифатли хом ашё турларидан фойдаланганда кўп миқдорда чиқинди чиқиши мумкин ва уларни қайта ишлаб чиқаришга киритишнинг имконияти бўлмайди. Бундай ҳолларда бу чиқиндилар сотиб юборилади ёки кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун фойдаланилади. Иккала ҳолда ҳам самара кутилган даражадан камроқ бўлади. Шунинг учун кам чиқиндили ва қайта ишлаб чиқаришга киритишнинг имкони бўладиган ресурслардан фойдаланган маъқулроқ.


4. Ишлаб чиқаришда сунъий материаллардан ва ўрнини босувчи ресурслардан фойдаланишнинг имкониятларини қидириш лозим. Улардан фойдаланганда табиий моддий ресурсларга нисбатан арзонроқ ва пишиқроқ бўлишига эришишни мақсад қилиб олиш керак.

5. Маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар корхонадаги технологик жараёнга ва асбоб-ускуналар турига, хусусиятларига мос келиши керак. Корхонадаги дастгохлар имкони борица универсал характерда бўлса самаралироқ бўлади. Чунки, бундай дастгохларда ва технологик жараёнда турли материаллардан фойдаланиб, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Масалан, «Косонсой-Текмен» қўшма корхонасидаги технологик жараён хориждан келтириладиган хом ашё турига мўнжалланган дастгохлар ва технологик жараён бўлганлиги учун, уларда ўзимизнинг маҳаллий хом ашё ҳисобланган материалларни ишлатишнинг имкони бўлмади. Хом ашёни хориждан келтириш эса корхона учун нисбатан қимматга тушмоқда. Шу сабабли, бу корхона ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлмоқда.

6. Фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг сифати корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг хусусиятларига мос тушиши керак.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг яна бир муҳим йўналиши – моддий ресурсларни дастлабки қайта ишлашни самарали равишда амалга оширишдир. Ҳар бир хом ашё тури ишлаб чиқаришга келишидан олдин дастлабки қайта ишлаш жараёнидан ўтади. Уларни дастлабки қайта ишлашни сифатли тарзда ўтказиш, кейинги ишлаб чиқариш жараёнларида моддий ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан кўпроқ маҳсулот олишга имкон яратади. Моддий ресурсларни дастлабки қайта ишлашда, улардаги кейинги ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бегона аралашмалардан тозалаш ишлари ва зарур бўлган қутиларга жойланиши ишлари амалга оширилади. Бу ишларнинг сифати ва ўтказиш тартиби кейинги жараёнларда фойдаланиладиган ресурснинг сифатига катта миқдорда таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишловдан ўтказмасдан туриб тўқимачилик саноатида фойдаланиб бўлмайди.

Моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг йўналишларидан бири – улардан тежамкорлик билан фойдаланишни ташкил этилишидир. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ҳар бир моддий ресурснинг ҳар бирлигидан тежаб-тергаб фойдаланиш талаб этилади. Ҳар бир бирлик ресурсни эҳтиёт қилиш, ундан чиқадиган маҳсулотларнинг турини ва миқдорини ошириш бугунги кундаги асосий вазифалардандир.



27-расм. Моддий ресурсларнинг тўғридан-тўғри тежамкорлиги.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, турли корхона ва ташкилотларида моддий ресурсларни бошқариш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва тежашнинг имкониятлари турличадир. Чунки, корхоналар ва ташкилотларда ресурсларни тежашнинг имкониятлари турлича бўлади. Ресурслар таъминотини ташкил этиш, бошқариш ва уларни тежашнинг манбалари ҳам турли корхоналарда турлича бўлади. Амалга ошириладиган тадбирлар ҳам фарқ қилиши мумкин. Моддий ресурсларни тежашнинг манбаси маълум шартлар бажарилганда мавжуд ресурсларнинг қандайдир қисмини тежаш имкониятидир. Бунга қуйидагича эришиш мумкин:

1. Маҳсулот ҳажмини камайтириш, енгиллаштириш.
2. Кам чиқиндилик технологиядан фойдаланиш.
3. Иқтисодий ресурсларнинг самарали турларидан фойдаланиш.

Иқтисодий ресурсларни тежашнинг манбалари 2 хил бўлади:

1. Тўғридан-тўғри тежамкорлик
2. Қиёсий тежамкорлик

Тўғри тежамкорликда (23-расм) ишлаб чиқариладиган бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ресурслар харажатларини камайтириш кўзда тутилади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида юз беради. Ресурсларнинг қиёсий тежамкорлиги ишлаб чиқаришда ва муомала соҳасида амалга оширилиши мумкин (28-расм). У ишлаб чиқариш жараёнидан ташқарида моддий ресурсларни жойлаштириш ва сақлашни яхшилашда юзага келади.

Иқтисодий ресурсларнинг тўғри тежамкорлиги қуйидаги гуруҳлардан иборат бўлади:


1. Маҳсулотнинг материал сиғимини камайтириш.

2. Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш.
3. Маҳсулот сифатини ошириш.
4. Дастлабки моддий ресурслар ўрнига бошқа ресурслардан фойдаланиш.
5. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш.

Қиёсий тежамкорлик эса қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Тайёрлашни янада яхшилаш.
2. Иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланиш.
3. Меъёридан ортиқ заҳираларни ишлаб чиқариш жараёнига киритиш.
4. Ресурсларни сақлашда йўқотишларни камайтириш.
5. Хом ашё ва бошқа материалларни ташишни такомиллаштириш.
6. Муомала соҳасида хом ашёни тежаш.

Моддий ресурсларни тежамкорлигининг муҳим йўлларида бири уни сотиб олишдан тортиб, то маҳсулот бўлиб чиққунгача бўлган давргача назоратни йўлга қўйишдир.



28-расм. Моддий ресурсларни қиёсий тежамкорлиги.

Моддий ресурслардан фойдаланиш аҳволини таҳлил қилиб бориш ва фойдаланилмаётган имкониятларни қидириб топиш ва жорий қилиш тадбирларини тузиш.

Кичик бизнес корхоналарида моддий ресурслардан самарали фойдаланишнинг яна бир йўналиши – ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг материал сиғимини камайтириш ҳисобланади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг материал сиғимини камайтириш орқали сарф бўладиган моддий ресурсларнинг тежамкорлигига эришиш мумкин.

Моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиб корхона оладиган фойда миқдорини оширишда ҳам ашёдан комплекс равишда фойдаланишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ҳом ашёдан комплекс равишда фойдаланиш деганда унинг ҳар бир бирлигидан кўпроқ маҳсулот олишни назарда тутилади. Бунда ҳам ашёдан асосий ишлаб чиқариш маҳсулотидан ташқари яна қўшимча ишлаб чиқаришда турли хил маҳсулотлар ва кенг истеъмол молларини олиш назарда тутилади. Масалан, тўқимачилик ишлаб чиқаришида чиқадиган ҳар хил чиқиндилардан болалар учун турли кийим-кечаклар, истеъмолда фойдаланиладиган елпигичлар ва шу сингари буюмларни, йигирув ишлаб чиқаришидан чиқадиган чиқиндилардан эса турли арқонларни, тўрларни ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишнинг йўлларида яна бири – улардан қайтадан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишни ташкил этишдир. Фойдаланилган ҳам ашё турлари, турли маҳсулотлар ва ишлаб чиқаришда чиқадиган турли чиқиндиларни ишлаб чиқаришга қайтадан киритиш йўллари топиш зарур. Бунинг учун керак бўлса, технологияни янада такомиллаштириш лозим.

Кичик бизнес корхоналарида моддий ресурслардан самарали фойдаланиш учун уларни ташиш ва сақлаш жараёнларида эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ташиш ва сақлашда моддий ресурслар сифатининг бузилишига йўл қўймаслик лозим.

Ҳозирги вақтда тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналарида моддий ресурсларни ташиш ва сақлашда баъзи бир йўқотишлар мавжуд. Шу сабабли, зарур бўлган ҳам ашё ва материалларни ташиш ва сақлашда амалга ошириладиган ишлар даражасини орттириш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳом ашё ва ёрдамчи материалларни сақлашда маълум шароитларга амал қилмаслик натижасида уларни сифатини бузилиши, паст навларга ўтиши ва уларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш қўшимча харажатлар талаб қилиши мумкин. Шу сабабли, уларни сақлаш ва ташиш технологиясини яратиш лозим. Моддий ресурснинг ҳар бир тури учун ташиш ва сақлаш технологияси маълум талаблар асосида ташкил этилиши лозим. Бунда ресурсларнинг ҳолати, сифати ва миқдорининг ўзгармаслигига эришиш керак. Баъзи бир ресурслар узоқ вақт сақланиш хусусиятларига эга эмас. Бундай ресурсларни тезликда қайта ишловдан ўтказиш технологиясини яратиш ва амалга ошириш катта аҳамият касб этади. Баъзи бир ресурслар эса узоқ вақт сақланиши давомида сифат хусусиятлари бузилмайди ва ҳатто, баъзи бир материалларнинг хусусиятлари яхшиланиши ҳам мумкин. Бундай ресурсларни сақлаш технологиясига амал қилган ҳолда узоқ вақт сақлашга эътибор бериш керак.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес корхоналарида моддий ресурслардан самарали равишда фойдаланишнинг энг муҳим йўналишларидан бири - моддий ресурсларни тежашни рағбатлантиришдир. Ҳом ашёдан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида, комплекс равишда улардан фойдаланишни амалга

ошириш мақсадида хом ашёдан самарали тарзда фойдаланиш соҳасида маълум ютуқларни қўлга киритган ходимларни моддий рағбатлантириш тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан биргаликда, энергия ресурсларини, электр энергияси, ёқилғини ва газни тежаш бўйича ўзаро мусобақа ташкил этиш ва ҳар бир самарали ҳаракат мақсадга мувофиқ равишда рағбатлантирилиши лозим. Бунда рағбатлантиришнинг миқдори албатта, тежалган моддий ресурс қийматидан келиб чиқиши лозим. Бу жараёни амалга оширишда рағбатлантиришни бир марталик жараёнга айлантириш керак эмас. Рағбатлантириш мунтазам равишда амалга ошириладиган ва такомиллаштирилиб бориладиган жараён бўлишига эришиш лозим. Шундагина рағбатлантириш катта самара бериши мумкин. Ишлаб чиқаришдаги барча ходимлар ўзлари моддий ресурсларни тежаш бўйича ҳаракатга тушиб қоладилар ва натижада катта миқдорда моддий ресурсларни тежашга имкон яратилади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида моддий ресурсларни тежашнинг аҳамияти ниҳоят даражада ортиб кетади. Бундай шароитларда моддий ресурсларни тежашнинг йўналишларидан бири – кичик бизнес корхоналарида моддий ресурсларни тежаш билан боғлиқ бошқарув ишларини такомиллаштиришдир. Бошқарув фаолиятини барча соҳаларда такомиллаштиришга эришиш лозим. Шу жумладан, моддий ресурслардан фойдаланиш жараёнида ҳам бошқарув фаолиятини янада ривожлантириш, уни замонавий тамойиллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш талаб этилади. Ҳозирги вақтда моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун моддий ресурсларни тежалишини корхонанинг ўзидангина бошламаслик керак. Бу тадбирларни корхонадан ташқарида, яъни моддий ресурслар ишлаб чиқариш корхонасигача етиб келмасдан олдин бошланиши лозим. Корхонада фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг ҳолатини, сифатини, хусусиятларини ва нархини аввалдан аниқлаб олиниши керак.

Хом ашё ва бошқа моддий ресурслар қаердан, қайси ташкилотдан, қандай сифатда ва қандай нархда олиш мумкинлигини аввалдан аниқлаб олиниши лозим. Уларни олиб келиш ва сақлаш ва хом ашёнинг сифат кўрсаткичлари қандай аҳволда ва қайси томонга ўзгариши мумкин? Хом ашёни сотиб олишда ва ташишда турли вариантларни тузиш ва улардан энг мақбулини танлаб олиш катта аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, турли корхона ва ташкилотларида моддий ресурсларни бошқариш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва тежашнинг имкониятлари турличадир. Чунки, корхоналар ва ташкилотларда ресурсларни тежашнинг имкониятлари турлича бўлади. Моддий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш, бошқариш ва уларни тежашнинг манбалари ҳам турли корхоналарда турлича бўлади. Амалга ошириладиган тадбирлар ҳам фарқ қилиши мумкин.

Моддий ресурсларни тежашнинг манбаси маълум шартлар бажарилганда мавжуд ресурсларнинг қандайдир қисмини тежаш имкониятидир. Бунга қуйидагича эришиш мумкин:

1. Маҳсулот ҳажмини камайитиш, енгиллаштириш.

2. Кам чиқиндилик технологиядан фойдаланиш.

3. Иқтисодий ресурсларнинг самарали турларидан фойдаланиш.

Бугунги кунда Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилаётган ишлар моддий ресурсларнинг тежамкорлигини самарали равишда амалга оширилиши натижасида катта иқтисодий самара бермоқда. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга сарф бўладиган моддий ресурслар сарфи бу ерда минимал даражага келтирилгандир. Ҳатто, маҳсулотнинг сифатига таъсир қиладиган даражада ҳам камайтириш йўллари топишган. Бу усул бизнинг корхоналаримизга тўғри келмайди деб ҳисоблаймиз. Бизнинг корхона ва ташкилотларимизда аҳолининг маҳсулотларга бўлган талаби асосида сифатли ва пишиқ маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилиш зарур. Шу билан биргаликда, Хитой мўъжизасини атрофлича ўрганиш, унинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар бўйича солиштира таҳлилни амалга ошириш ва олиб борилган кузатишлар натижасида маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун кичик бизнес корхоналарида фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг турлари бўйича махсус карта ташкил этиш ва уларнинг мавжудлиги даражаси бўйича жойлаштириш, фойдаланишда бу картани асос қилиб олиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент Фармонлари ва асарлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар тўғрисида” ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. Т.: Ўзбекистон, 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий қорхоналар тўғрисида” ги Қонуни. Қонун ва қарорлар. 2003й 11 декабрь. Т.: Ўзбекистон, 2003 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 16 июн сони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик қорхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси 2005 йил 25 июн сони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» ги қарори №197. 04.04.2002 йил.
7. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. «Халқ сўзи», 2009 йил, 14-февраль, № 33-34.
8. 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори. Тошкент, Ўзбекистон, 2009 йил

II. Махсус адабиётлар

9. Дубровский В.Ж., Чайкин Б.И. Экономика и управление предприятием (фирмам). Екатеринбург. 1998
10. Экономика предприятия. Под.ред.проф.Волкова О.,М.:Инфра,- М, 2000.
11. Ғуломов С.С «Маркетинг асослари» Тошкент «Шарк» 2002 йил
12. Махмудов Э.Х. Қорхона иқтисодиёти (Ўқув қулланма). Т.:ТДИУ, 2004.
13. Солиев А., Усмонов А. Маркетинг-бозоршунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
14. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти 1991.
15. Саноат ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни ташкил этиш. Тошкент, 1990.
16. Иқтисодий энциклопедия. Т.: 1995.
17. Кэмпбелл Р., Макконнелл. Экономикс, I и II- часть. Таллинн, 1993.
18. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.:Меҳнат.1995.

III. Статистик тўпламлар:

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.
20. Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари.

IV. Илмий- оммабоп нашрлар:

21. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси 2008-2009 йиллар сонлари.

Мундарижа

Кириш.....	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: мохияти, тараққиёти ва бошқариш хусусиятлари.....	
Кичик бизнес ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда унинг тутган ўрни.....	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш тарихи.....	
Тадбиркорлик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари.....	
Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.....	
Кичик бизнес корхоналарининг инвестицион фаолияти ва унинг самарадорлигини баҳолаш.....	
Молиявий-иқтисодий инкироз ва кичик бизнес фаолияти.....	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг замонавий даражаси ва масалалари.....	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривождаги тўсиқлар ва муаммолар.....	
Кичик бизнес корхоналарида инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий таҳлили.....	
Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш даражасини ошириш.....	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятида бошқарув фаолияти.....	
Кичик бизнес корхоналарининг инвестицион фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари.....	
Тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожининг асосий йўналишлари.....	
Тадбиркорликда инновацион бошқарувни такомиллаштириш.....	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида экспорт-импорт операцияларини бошқариш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.....	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	
Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида кичик бизнесда модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини бошқариш.....	
Бошқарувни такомиллаштириш асосида инкироз оқибатларини бартараф қилиш йўллари.....	
Иқтисодий ресурслардан фойдаланишни самарали бошқариш.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

